

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ КУТУБХОНАСИ

Маматқул ЖЎРАЕВ

**ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК
АСОСЛАРИ**



«Фан»

УДК 82.3(0)473
Же-96

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Маматқул ЖЎРАЕВ

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК
АСОСЛАРИ

(ўқув қўлланма)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриёти

2009

Мазкур ўқув қўлланма фольклоршунослик фанининг асосий мақсади ва вазифалари, ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш тарихи, тараққиёт қонуниятлари ва ривожланиш босқичлари, жаҳон фольклоршунослиги мактабларининг назариялари, фольклор жанрларини тадқиқ этиш борасида эришилган асосий натижалар, мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослигининг янгича тамойиллари ва истиқболлари таҳлиliga бағишланган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юрглари филология факультетлари ва Тошкент давлат маданият институтининг “Халқ томоша санъати” факультети талабалари ҳамда магистрантларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
профессор **Саодат ЙЎЛДОШЕВА**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори **Асқар МУСАҚУЛОВ**
филология фанлари номзоди, доцент **Нозим ҚОСИМОВ**

ISBN 978-9943-09-773-5

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2009 йил

СЎЗБОШИ

Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор анъаналарини яратипган. Асрлар давомида эзгуликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг улғувор мақсадларга йўналтирилган энг олижаноб қарашлари ўз ифодасини топган. Зеро, бадий салоҳияти ғоят юксак бўлган халқимиз поэтик иқтидорининг серқирралигини ўзида мужассамлаштирган оғзаки бадий ижод дурдоналари асрлар давомида битмас-туганмас руҳий қувват манбаи бўлиб хизмат қилган. “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш” сингари буюк дostonларда халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари тараннум этилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз президенти И.А.Каримов «Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байти десак тўғри бўлади»,¹ - деб ёзган эдилар.

Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадий талқин қилувчи фольклор асарлари ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Фольклор асарлари она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган аждодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат, маросим ва анъаналарини мукамал акс эттирганлиги учун ҳам қадрлидир. Халқ оғзаки ижодиёти асарлари миллий қадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардоқли ва

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 32-33-бетлар.

доимо ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасидан қувват олиб, янгилашиб борадиган навқирон қатлами саналади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз фольклорини ҳаммаша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, такомиллаштириб, бадиий жиҳатдан сайқаллантириб келади.

Миллий мустақиллик халқимизнинг ўз боболари заковати туфайли яратилган улкан маданий меросга бўлган муносабатини тубдан янгилаб, ажодларимиз тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари тизимини кенг кўламда тарғиб этишнинг мисли кўрилмаган имкониятларини очиб берди. Истиқлол шарофати билан дунёқарашимизда, онгимизда рўй берган янгилашниш, руҳий покланиш ва маънавий тикланиш жараёни фольклор санъатининг тараққиётида ҳам яққол акс этмоқда. Зеро, фольклор санъати анъаналари “мустақил дунёқарашга эга, ажодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялаш”¹ дек улуғвор мақсадларга хизмат қилади.

Ўлкамиз мустақилликка эришганидан кейин халқ оғзаки ижодиётига бўлган қизиқиш кучайди ва бу нарса фольклорни ўргатувчи, халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича дарс берувчи, фольклор санъати билан шуғулланувчи мутахассислар олдига ҳам долзарб вазифаларни қўйди. Айниқса, анъанавий фольклорни тадқиқ этиш, унинг қадимий узвларини тиклаш, нодир ижро йўллари, фольклор жанрлари ва уларнинг бадиияти ҳақида дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлар яратиш фольклоршуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бирига айланди.

Ажодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини бебаҳо миллий қадриятлар тизими сифатида сақлаб қолиш, тарғиб ва тадқиқ этиш, унинг энг нодир намуналарини кенг оммалаштиришда фольклоршунослик фа-

нининг хизматлари бениҳоя каттадир. Асрлар давомида халқимизни юксак маънавий комиллик руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилиб келган ана шу бадиий қадриятларни тўплаш, фольклор асарларини архивлаштириш, унинг энг яхши намуналарини нашр этиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш фольклоршуносликнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Олий ўқув юртларида фольклоршунослик фанининг ўқитилаётганлиги ҳам халқ оғзаки бадиий ижодиётининг маънавий-маданий тараққиётда ролят муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Хусусан, университет ва педагогика институтларининг адабиётшунослик бўйича магистратурасида, шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Халқ бадиий ижодиёти” факультети “Фольклор-этнографик жамоаларга раҳбарлик” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантларига “Фольклоршунослик асослари” фани ўтилади.

“Фольклоршунослик асослари” фанининг асосий мақсади ва вазифалари бу фаннинг ўзига хос илмий мезонлари ва критерийларини кўрсатиш, фольклоршуносликдаги асосий методлар ва илмий мактаблар, ҳозирги кунга қадар эришилган асосий натижалар, ўзбек фольклорини мустақиллик даврида ўрганишнинг янги тамаойиллари ва бу фаннинг истиқболлари ҳақида чуқур билим беришдан иборатдир.

Ўзига хос тараққиёт йўли ва қисқа вақт ичида эришган оламшумул ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаган мамлакатимиз истиқболи илм-фаннинг энг янги натижаларини пухта ўзлаштирган юқори малакали кадрлар фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув қўлланмасида ўзбек фольклоршунослигининг илмий-назарий концепциялари, фольклоршунослик тарихи, фольклорни ўрганиш борасида ҳозирга қадар эришилган натижалар билан бир қаторда жаҳон фольклор-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 25-бет.

шунослигининг етакчи илмий мактаблари ва уларнинг асосий назариялари, фольклорни ўрганишнинг асосий методлари тўғрисида ҳам муфассал маълумот берилади. Чунки ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганувчи мутахассис фольклоршунослик тарихида “фин мактаби”, “мифологик мактаб”, “тарихий мактаб”, “антропологик мактаб”, “ритуал-мифологик мактаб” каби номлар билан аталган илмий мактабларнинг изланишлари ва улар томонидан яратилган илмий-назарий концепцияларнинг халқ ижодини тадқиқ этишдаги аҳамиятини яхши билиши, уларнинг филологик тадқиқотлар тизимида тутган ўрнига тўғри баҳо бера билиши лозим.

Бундан ташқари, мамлакатимиз олий ўқув юртлари филология факультетлари талабаларига ўқитиладиган «Халқ оғзаки бадиий ижоди» фанида ҳам мазкур ўқув қўлланмасидан самарали фойдаланиш мумкин.

“Фольклоршунослик асослари” номли қўлланма шу йўналишда мамлакатимизда яратилган илк ўқув қўлланмасидир. Шунинг учун ҳам мутахассислар мазкур қўлланма тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимига юбориш орқали қўлланмани янада мукамаллаштиришга ўз хиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ТАРИХИ

«ФОЛЬКЛОР» ВА «ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК» АТАМАЛАРИ

Халқимиз бадиий салоҳиятининг асрлар давомидаги изчил тараққиёти натижасида хилма-хил жанрлардан иборат оғзаки бадиий ижод дурдоналари яратилган. Бинобарин, ўзбек халқ ижодиёти ажлодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган миллий қадриятлар тизими саналади. Фольклоршунослик эса жонли оғзаки анъанада яратилиб, ривожланиб келган халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, фольклор асарларини архивлаштириш, унинг энг яхши намуналарини нашр этиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан шуғулланади.

«Фольклоршунослик» ёки «фольклористика» фанининг асосий мақсади халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фольклор жанрларининг пайдо бўлиш тарихи ва тараққиёт қонуниятлари, тур ва жанрларнинг таркиб топиши, шаклланиш жараёнлари, фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклор асарлари поэтикаси, тарихий-фольклорий жараён, «постфольклор» ва унинг ўзига хос белгилари каби масалаларни ўрганишдан иборатдир. Шунингдек, мифология ва қадимги давр фольклори, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт, ўзбек фольклорининг эпик жанрлар тизими, халқ дostonчилиги, дostonчилик мактаблари ва уларнинг эпик анъаналари, туркий халқлар фольклорининг ўзаро алоқалари ва фольклорда жанрлараро муносабатлар, оғзаки театр ва халқ томоша санъати, оғзаки анъанадаги халқ мусиқаси ва анъанавий рақс санъати ҳам фольклоршуносликнинг ўрганиш объекти доирасига киради.

Фольклоршунослик ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, лапарчи, ўланчи, аскиябоз, қизиқчи, кўғир-

чоқбоз, маддоҳ, эртакчи, бахши, қушноч ва бошқа фольклор ижрочиларининг репертуарини ўрганиш, фольклор ижрочилигига хос локал хусусиятларни аниқлаш, ўзбек халқ оғзаки бадий ижодини туркий ҳамда жаҳон халқлари фольклори контекстида тадқиқ этиш сингари фундаментал масалалар билан шуғулланади.

Халқ оғзаки бадий ижодини ўрганувчи фан номини билдирувчи «фольклористика», «фольклоршунослик» атамаларининг асосида «фольклор» термини ётади.¹

Маълумки, XIX асрнинг бошларида яратилган адабий-бадий асарлар ва адабиётшуносликка оид тадқиқотларда «халқ ижоди» маъносини англатувчи турли хил атамалар қўлланилган. 1813 йилда немис олими И.Ф.Кнафл томонидан халқ оғзаки ижоди ва у билан боғлиқ маросимлар номини билдирувчи «das Volkstum», «die Volkskunde», «die Volksforschung» сингари атамалар қўлланилган. Шунингдек, ўша пайтларда Францияда «traditions populaires», Италияда «tradizioni popolari», Испанияда «tradiciones populares» атамалари ҳам «халқ ижоди» маъносида ишлатилган.² Фольклор халқ оммасининг коллектив ижоди маҳсули бўлганлиги учун уни халқ руҳиятининг оммавий ифодаси билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилиш анъанаси ҳам мавжуд бўлган. Шу тариқа халқ ижодини ўрганувчи фан маъносида қўлланилган «demologie» (Италия), «demosofia» (Испания) терминлари юзага келган³. Бу атамаларнинг вужудга келиши фольклор ва уни тадқиқ этувчи фаннинг моҳиятини анг-

¹ *Ўзбек фольклоршуносларининг «фольклор» атамаси хусусидаги илмий қарашлари ҳақида қаранг:* Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 4-14-бетлар; Мирзаев Т. Ўзбек халқ ижоди // Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Тошкент, 1997. 512-516-бетлар; Жалолов Ф. «Фольклор» атамаси хусусида айрим мулоҳазалар // Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2000. 13-20-бетлар.

² Аникин В.П. Русский фольклор. Учебное пособие для вузов. – М: Высшая школа, 1987. С.8.

³ Бу ҳақда яна қаранг: Гусев В.Е. Фольклор (история термина и его современное значение) // Этнография. 1966. №2. С.3-21.

лашда муҳим аҳамият касб этган.

«Фольклор» атамасини эса биринчи марта 1846 йилда инглиз олими Вильям Томс (1803-1885) қўллаган. У ака-ука Гриммлар томонидан ёзилган «Мифология» асарининг иккинчи нашри билан танишиб чиққандан кейин, «Атенеум» газетасининг 928-сонида «А.Мертон» тахаллуси билан эълон қилдирган «The folklore» номли мақоласида «фольклор» («folk» - халқ, «lore» - билим, донишмандлик, яъни «folklore» - «халқ донолиги») атамасини ишлатган ва уни «Европа деҳқонларининг анъаналари, қадимий халқ шеърляти, урф-одат, маросим ва эътиқодларни англатувчи термин» сифатида илк бор изоҳлаган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошида Европада, хусусан, Англияда фольклор ва уни ўрганувчи фан маъносини англатувчи атамаларни қўллашни тартибга солиш орқали бу соҳадаги терминологик чалкашликларга барҳам беришга қаратилган қатор баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган.

1878 йилда Э.Тайлор ва Ж.Фрезер билан биргаликда Англияда «Фольклоршунослар жамияти»ни ташкил этиб, унинг биринчи президенти бўлган ва 1883 йилда «Фольклор журнали»ни, 1890 йилда эса XX асрнинг ўрталарига қадар чоп эттирилган «Фольклор» журналининг таъсис этган машҳур инглиз олими Лоуренс Гомм (1853-1916) ўзининг «Инглиз болаларининг анъанавий ўйинлари» номли китобида фольклорни «қадимги удум ва инонч-эътиқодларнинг қолдиқларини ўрганувчи фан» деб баҳолади.¹

Француз фольклоршуноси В.Геннеп ўзининг 1924 йилда нашр этилган «Фольклор» номли асарида «фольклор» терминини «халқ оғзаки бадий ижодини ўрганувчи фан» маъносида қўллаган. Унинг фикрича, фактик материалларни бевосита кузатиш асосида тўплаш ва тарихий методни

¹ Коккьяре Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.466.

қўллаш бу фаннинг энг муҳим белгилари саналади.

Бошқа бир француз фольклоршуноси П.Сентив эса 1933 йилда нашр этилган «Фольклор бўйича қўлланма» китобида фольклоршунослик фанининг мақсади ва вазифаларини анча аниқ баён этган. Унинг фикрича, «фольклоршуносликнинг асосий тадқиқ усули қиёсий метод бўлиб, у анъаналарни ўрганади. Муайян анъананинг таркибий қисмини ташкил этувчи турли узвларга доир материалларни жамлаб ўрганиш асосида унинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳиятини очиб беради». Агар фольклоршунослик халқ бадиий анъаналарини, жумладан, оғзаки бадиий ижод, халқ мусиқаси ва амалий санъат анъаналарини тадқиқ этишини назарда тутсак, П.Сентивнинг юқоридаги фикри «фольклор» терминининг моҳиятини анча тўғри ёритганлиги аён бўлади.

Кўшгина хорижий мутахассислар фольклорни халқ маиший турмушининг турли қирралари, инонч-эйтиқодлар, маросимлар, урф-одатлар, анъаналар, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларни ўз ичига қамраб олади деб ҳисоблайдилар. Агар «фольклор»ни шу тарзда тушунадиган бўлсак, В.П.Аникин ва Ю.Г.Круглов тўғри қайд этганларидек, «фольклористика ўзининг ўрганиш объекти - предметига эга бўлган алоҳида фан сифатидаги хусусиятларини йўқотиб, этнография, дин тарихи, руҳшунослик, санъатшунослик, амалий санъат тарихи каби турли хил фанларга хос белгиларнинг мажмуидан иборат бўлиб қолади».¹

Е.В.Аничков, В.Ф.Миллер каби рус олимлари халқнинг диний-мифологик қарашлари, урф-одатлари, турмуш тарзи ва анъаналарини фольклорнинг тадқиқот объекти сифатида тавсифлаган эдилар. Бу эса фольклорни этнографик ҳодисалар билан аралаштириб юбориш билан алоқадор турлитуман чалкашликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Хол-

буки, фольклоршуносликнинг ҳам, этнологиянинг ҳам ўрганиш объекти халқ бўлиб, биринчи ҳолатда халқ томонидан яратилиб, оғзаки ижро этиб келинган бадиий асарлар тадқиқ этилса, иккинчи фан йўналиши этноснинг ўзига хос табиати, турмуш тарзи ва анъаналарини ўрганади.

Халқ оғзаки бадиий ижоди ва уни ўрганувчи фан номи ни ифодаловчи атамаларни тартибга солишда рус олими Ю.М.Соколовнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. У ўзининг 1926 йилда «Бадиий фольклор» тўпламида чоп этирилган «Рус фольклорини ўрганишнинг галдаги вазифалари» номли мақоласида халқ оғзаки бадиий ижодини «**фольклор**», халқ ижодини ўрганувчи фанни эса «**фольклористика**» термини билан аташ лозим деган хулосага келди.¹ Шу тариқа «фольклористика» атамаси юзага келди.

XX асрнинг бошларидан эътиборан ўзбек тилида ҳам халқ оғзаки бадиий ижоди маъносини англатувчи турлитуман атамалар қўллаб келинган. Масалан, «Маориф» журналининг 1918 йилги 1-2-сонларида «Қалам аҳлларида ўтинч» сарлавҳаси остида бир мурожаатнома босилган бўлиб, унда шундай дейилган: «Халқ тилинда оғиздан-оғизга сўйлашиб юратурғон турли ҳикоялар, ривоятлар, топишмоқлар, кулги сўзлар, мақоллар, шеърлар ва шунга ўхшаш халқнинг эътиқодини, урф-одат ҳам турмушина оид қандайгина бўлмасин сўзларни ва умуман...халқ адабиётини йиғиб «Маориф» мажалласи идорасига юборилсин».² Бу ўринда «халқ адабиёти» атамаси «фольклор», «халқ оғзаки бадиий ижоди» маъносида қўлланилган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган Ғози Олим Юнусов ўз тадқиқотларида «фольклор» маъносида «эл адабиёти» атамасини

¹ Соколов Ю.М. Очередные задачи изучения русского фольклора // Художественный фольклор. Вып.1. - М., 1926. С.6.

² «Маориф» журналы. 1918. 1-2-сонлар. 8-бет.

¹ Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. - М.: Просвещение, 1987. С.5.

ишлатган. Хусусан, «Ўзбек билим ҳайъати» томонидан ташкил этилган экспедициялар давомида ёзиб олинган фольклор намуналари 1923 йилда «Эл адабиёти» номи билан нашр этилган. «Маориф» журналининг 1926 йилги 7-8-сонларида «Ўзбек эл адабиётига тегишли маълумотларни тўплагувчиларга қўлланма» чоп этирилган. Олимнинг «Эл адабиётидан намуналар» («Аланга», 1928, №6-7, 3-бет), «Эл адабиёти. Эргаш Жуманбулбул ўғли» («Аланга», 1928, №11, 11-бет) каби мақолалари «эл адабиёти» термини 20-йилларнинг охиригача истъомолда бўлганлигини кўрсатади.

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек олимлари «фольклоршунослик», «фольклористика» атамаларига маънодош сифатида «эл таниш иши» терминини қўллаганлар. Ҳозир Олим Юнусовнинг 1922 йилда ёзилган «Ўзбекларда эл таниш иши» номли мақоласида шева материаллари ва халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш хусусида сўз юритилган.¹

30-йилларга келиб фольклоршуносликка оид илмий адабиётларда «оғиз адабиёти» атамаси ишлатила бошланди. Илгари қўлланилган «эл адабиёти» терминининг юзага келишига фольклорнинг халқ томонидан яратилганлиги, яъни унинг ижодкори халқ эканлиги тўғрисидаги илмий қараш асос бўлган бўлса, халқ бадиий ижоди асарларининг оғиздан-оғизга ўтиш орқали оммалашishi, яъни фольклорга хос «оғзакилик» белгисига кўра «оғиз адабиёти» атамаси яратилган. Жумладан, Ҳозир Олим Юнусовнинг «Оғиз адабиётининг синфий туйғулар» номли мақоласида («Аланга», 1930 йил, 5-6-сонлар) бу термин шу маънода ишлатилган.

1932-34 йилларда халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари «халқ адабиёти», «оғзаки адабиёт» термини билан аталган. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифовнинг «Халқ адабиётидан баъзи намуналар (матн, изоҳлар)» (Ўн беш йил ичида. Адабий альманах. - Тошкент, 1932, 299-304-

¹ Ҳозир Олим. Ўзбекларда эл таниш иши // Туркистон. 1922, 18 декабрь.

бетлар), «Ўзбекларда оғзаки адабиёт» (Адабиёт соҳасидаги илмий текширишлар. 2-китоб. - Тошкент, 1934, 108-140-бетлар) каби мақолалари фикримиз далилидир.

1931 йилнинг бошларидан эътиборан Москва шаҳрида илмий сафарда бўлган атоқли олим Ҳ.Зарифов Санъатшунослик давлат академиясининг Фольклор кабинети ҳамда Этнография ва антропология институтининг Фольклор секцияси иши билан яқиндан танишди. С.Ф.Ольденбург, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, С.А.Малов, С.П.Толстов, Ю.М.Соколов, М.К.Азадовский ва бошқа олимларнинг фольклористик тадқиқотларини ўрганди. 1931 йилда Санъатшунослик давлат академияси ўтказган «Реконструкция даврида фольклор ва фольклористиканинг аҳамияти ҳақида» мавзуидаги мунозарада маъруза билан иштирок этди. Унинг ўзбек халқ қаҳрамонлиқ дostonлари тўғрисидаги илмий мулоҳазалари атоқли фольклоршунос Ю.М.Соколов томонидан юқори баҳоланди. Европа ва рус олимлари томонидан фаол қўлланаётган «фольклор» ва «фольклористика» атамаларининг ўзбек тилига ўзлаштирилиши ана шу илмий сафар билан боғлиқдир.

Демак, ўзбек тилида «фольклор» термини илк бор «оғзаки адабиёт», «эл адабиёти», «оғиз адабиёти» атамаларининг муқобили сифатида XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан қўлланила бошланган. Шундан кейин халқ оғзаки бадиий ижодиёти «фольклор» термини билан, уни ўрганувчи фан тармоғи эса «фольклористика» («фольклоршунослик») деб юритила бошланди.

Илмий манбаларда «фольклор» маъносида «халқ ижоди», «халқ ижодиёти» атамалари ҳам фаол қўлланилади. «Халқ ижоди» атамасининг мазмуний қамрови анча кенг бўлиб, халқ оммасининг ижодий фаолияти билан боғлиқ барча йўналишларни – сўз санъати сифатида оғзаки анъанада шаклланган фольклор ижрочилиги, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, қандакорлик, кулолчи-

лик, бешиксозлик, темирчилик, пичоқчилик, халқ мусиқаси, халқ рақс санъати, аскиячилик, қизиқчилик, кўғирчоқбозлик, масхарабозлик, оммавий байрам, сайл-томоша ва маросимлар, анъанавий пардоз ва безак санъати, халқ архитектураси, оммавий майдон томошалари, халқ театри анъаналарини ўз ичига олади. Зеро, ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида «фольклор» атамаси тор маънода оғзаки ижродаги бадий сўз санъати асарларини англатса, кенг маънода юқорида қайд этилган тушунчаларни ҳам ифодалайди.

Ҳозирги илмий қарашларга кўра, «фольклор» ва «халқ оғзаки бадий ижоди» тушунчалари муқобил атамалар бўлиб, инсоният поэтик тафаккурининг кўп асрлик тадрижий ривожини натижасида яратилган ва ўзига хос бадий-эстетик анъана сифатида тараққий этиб келган маънавий қадриятлар тизимининг номи сифатида қўлланилади.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ФАНИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Фольклоршунослик халқимиз томонидан яратилган оғзаки бадий ижод намуналари, мусиқа фольклори, шунингдек, халқ ижодиётининг мусиқий-хореографик, мусиқий-драматик ва оммавий томоша санъати каби турларини комплекс тадқиқ этади. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қиладиган барча халқлар бадий ижодиёти анъаналари ва жаҳон халқлари фольклорининг **асосий предметини** ташкил этади. Фольклоршунослик фанининг **мазмуни** фольклор асарларини тўплаш ва архивлаштириш; фольклор назарияси, фольклор тарихи ва текстологияси; фольклор асарлари поэтикаси, фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги; фольклор ва ёзма адабиёт, фольклор ва профессионал санъат; фольклоршунослик методологияси; фольклорнинг тўпланиши ва ўрганилиши та-

рихи, тарихий-фольклорий жараён ва «постфольклор» каби фундаментал масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Халқ ижодиётининг барча тур ва жанрларини тадқиқ этадиган фольклоршунослик фанининг илмий тадқиқот йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Фольклор назарияси – халқ оғзаки бадий ижодининг ўзига хос хусусиятлари (анъанавийлик, оғзакилик, вариантлик, анонимлик, полифункционаллик, кўпэлементлик, коллективлик), унинг тур ва жанрлар тизими, бадиияти ва услуби; фольклор поэтикасининг назарий асослари; фольклорда «сюжет», «мотив» ва «образ»; фольклорнинг соф миллий, ҳудудий ва жаҳон халқлари оғзаки бадий ижоди билан муштараклик касб этадиган хусусиятларини аниқлаш; халқ бадий тафаккури тараққийётининг ўзига хос қонуниятларини очиш, фольклорга хос «анъанавийлик», «эпик билим», «эпик хотира» ва «бадиҳагўйлик» табиатини ёритиш; ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг туркий халқлар фольклори контекстидаги ўрни; фольклор типологияси, семиотикаси ва семантикаси; фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги; фольклор ижрочиларининг бадий маҳорати, дostonчилик мактаблари, уларнинг ўзига хос эпик анъаналари, устоз-шогирдлик муносабатлари, бахшиларнинг шогирд тайёрлаш усуллари, бахши эпик репертуарининг ўзига хос хусусиятлари; фольклорнинг ижодий методи; фольклор асарларининг тил хусусиятлари, лингвофольклористика, этнолингвистика; фольклор ва мифология; фольклор прагматикаси ва семиотикаси; фольклор атамашунослиги (жаҳон фольклоршунослиги терминологияси ва ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида атамалар тизимини бойитиб бориш); ўзбек фольклори бўйича дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар яратиш.

Фольклор тарихи – фольклор тарихини яратиш; фольклор жанрлари, сюжет, мотив ва образларнинг генезисини

ойдинлаштириш; халқ ижодининг вербал, мусиқий, пластик ва бошқа шакллариغا хос тадрижий тараққиёт босқичларини аниқлаш; бадиий тафаккурнинг шаклланишига асос бўлган архаик фольклорни реконструкция қилиш; мифологияни халқ оғзаки ижодининг қадимий қатлами сифатида тадқиқ этиш асосида мифнинг «архаик жанр» эканлигини асослаш; эпик сюжетларнинг архетипларини кўрсатиш; халқ оғзаки бадиий ижодиёти жанрлари(миф, дoston, терма, кўшиқ, эртак, афсона, ривоят, нақл, латифа, лоф, аския, мақол, топишмоқ, маросим фольклори, болалар фольклори, демонологик ҳикоя, оғзаки ҳикоя, халқ лирикаси, диний фольклор, тарихий кўшиқ, халқ томоша санъати, кулги-ҳикоя, халқ драмаси, кўғирчоқбозлик, масхарабозлик, қизиқчилик, театрлаштирилган майдон томошалари ва ҳ.к.)ни яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ этиш; фольклоршуносликнинг муайян жанрларни изчил ўрганишга ихтисослашган классик йўналишлари (эртакшунослик, эпосшунослик, паремнология, мифология, маросимшунослик, лингвофольклористика)ни тараққий эттириш ва «этнофольклористика», «археофольклористика», «этнолингвистика», «фольклор ва этномаданият», «фольклор ва маънавий тараққиёт», «постфольклор» сингари янги йўналишларни кучайтириш; тарихий-фольклорий жараён қонуниятларини очиш, «постфольклор»нинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш, фольклор жанрларининг тарихий тақдири масаласини ўрганиш; анъанавий фольклорнинг бугунги ҳолати ва постфольклор жанрларини тадқиқ этиш; анъанавий фольклорнинг замонавий санъат турларидаги-«иккиламчи талқини», фольклор алоқалари ва халқ оғзаки бадиий ижодидаги жанрлараро муносабатларни ўрганиш; фольклор асарлари нашрининг фольклор ижрочилигига таъсирини ёритиш; халқ оғзаки бадиий ижодини «этномаданий ландшафт» контекстида, яъни маданий, этнографик, тарихий ва табиий-жўғрофий муҳитнинг тар-

кибий қисми сифатида ўрганиш; мустақиллик даври ўзбек фольклорини тадқиқ этиш; фольклор ва унинг маънавий-маданий тараққиётдаги ўрнини белгилаш.

Фольклор матншунослиги (текстологияси) – халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари матнининг ўзига хос хусусиятларини (вариант, версия, архетип, инвариант, гипертекст каби) ўрганиш; муайян матннинг фольклор асари эканлигини аниқлаш методикаси ва илмий мезонларини белгилаш; халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини нашр этишнинг илмий принципларини ишлаб чиқиш; матнга асарнинг аудио ва видеоёзувларини илова қилишнинг компьютер дастурларини яратиш; фольклор асарларининг кўпжилдли, оммабоп, илмий-академик ва ўқув нашрларини тайёрлаш; муайян фольклор ижрочиси(бахши, эртакчи, кўшиқчи, аскиябоз, қизиқчи ва ҳ.к.)нинг репертуаридаги асарларни алоҳида нашр этиш принципларини ишлаб чиқиш; нашр этилган фольклор асарлари матни юзасидан текстологик тадқиқотлар олиб бориш.

Фольклорни тўплаш ва системалаштириш – амалий фольклоршунослик, халқ ижодиётининг барча тур ва жанрларига оид материалларни тўплаш ва архивлаштириш; фольклорнинг локал хусусиятлари, «шаҳар фольклори», «постфольклор», халқ ижодининг «фольклоризм»лашиш жараёни; вербал, мусиқий ва хореографик фольклор; фольклорнинг сўз санъати сифатидаги хусусиятлари; фольклорни филологик нуқтаи назардан тасниф қилиш ва системалаштириш; фольклорнинг маросимга алоқадор ва маросимга алоқаси бўлмаган жанрлар туркумига бўлиниши; халқ оғзаки бадиий ижодининг эпик, лирик ва драматик турга мансуб жанрлари; фольклор асарларини тўплаш ишига аудио-видео ва рақамли ёзув технологияларини жорий қилиш; фольклор жанрлари бўйича кўрсаткичлар тузиш (масалан, ўзбек халқ дostonларининг сюжет кўрсаткичи); ўзбек халқ эртакларининг

Аарне-Томпсон-Уити каталоги асосидаги сюжет ва мотивлар кўрсаткичини яратиш; миф, афсона, ривоят, нақл, латифа сюжетлари кўрсаткичини тузиш; маросим фольклори жанрлари, афсун-авраш, лирик қўшиқ, тарихий қўшиқ, меҳнат қўшиқларига оид кўрсаткичлар тузиш; ўзбек фольклори асарлари учун хронологик, биографик, тематик (мавзу бўйича), жўрофий-худудий кўрсаткичлар тайёрлаш; компьютер технологиясини қўллаш орқали фольклорни системалаштириш принципларини ишлаб чиқиш; фольклорни тўплаш ва архивлаштириш.

Фольклор архивини компьютеризациялаш – замонавий технология имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ва архивда сақлаш методикасини ривожлантириш ва такомиллаштириш; фольклорни комплекс (мультимедиалаштирилган, яъни фольклор асарини жонли ижро ҳолатида қўлда ёзиб олиш жараёнида аудио ва видеоёзудан ҳам фойдаланилган ҳолда) ёзиб олиш ва системалаштириш методикасини амалиётга татбиқ этиш; «постфольклор»ни ёзиб олиш методикасини яратиш; олий ўқув юртлари филология факультетларида «Талабалар фольклор амалиёти»ни ўтказиш юзасидан янги дастур ва сўровнома-анкеталар ишлаб чиқиш; фольклор материалларини системалаштириш бўйича компьютер дастурлари яратиш ва фольклор архивининг тезарусларини ишлаб чиқиш; фольклор архивларини илмий тавсифлаш; архив материаллари, матнлар, аудио ва видеоёзувларни СДга ўтказиш; ўзбек фольклорининг компьютерлаштирилган электрон фондини яратиш.

Фольклор ва профессионал санъатнинг ўзаро муносабати - адабиёт, мусиқа, рангасвир, хореография, драматургия, киноматографиядаги «фольклоризм»; профессионал санъат асарларининг халқ оғзаки бадиий ижодидаги талқинлари ёки «фольклоризация» ҳодисасининг табиати; фольклор ва ёзма адабиёт муносабати; ёзма адабиётда фольклоризм; фолькло-

ризмлар типологияси ва таснифи; ҳозирги ўзбек адабиётида фольклор анъаналарининг ўрни; адабий манбалар асосида келиб чиққан фольклор асарлари (Фозил Йўлдош ўғлининг «Фарҳод ва Ширин» достони каби); анъанавий фольклорнинг сахнавий талқинлари; театрлаштирилган майдон томошалари тизимида анъанавий фольклор жанрлари талқини; фольклор-этнографик жамоалар репертуарининг хусусиятлари.

Фольклористик тадқиқотлар методологияси – халқ оғзаки бадиий ижодини тадқиқ этишнинг турли методларини қиёсий ўрганиш; жаҳон фольклоршунослигининг етакчи илмий мактаблари (мифологик мактаб, «фин» мактаби, «сайёр сюжетлар» назарияси, тарихий мактаб, антропологик мактаб, ритуал-мифологик мактаб ва ҳ.к.) ва уларнинг назариялари; фольклорни ўрганишнинг ҳозирги метод ва усуллари (тавсифий, картографик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структур-семиотик, руҳий-тахлил ва ҳ.к.); муайян жанр, сюжет, мотив ва образларнинг архаик кўринишларини реконструкциялашга имкон берадиган «палеонтологик метод» ёки «ретроспектив метод»ни такомиллаштириш; фольклорга хос кўпфункционаллик ва кўпэлементлик табиатини комплекс тадқиқ этиш методлари; мифология, фольклор, халқ тили, этнография ва амалий санъатни халқнинг яхлит маънавий маданиятини ташкил этувчи таркибий қисмлар сифатида тизимли ўрганиш; фольклористика ва уни ўқитиш муаммолари; фольклоршуносликнинг унга ёндош фанлар (этнология, археология, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик, социология, фалсафа, маданиятшунослик) билан интеграциясини чуқурлаштириш.

Фольклоршунослик тарихи – халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганувчи фаннинг, шунингдек, фольклорни ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш тарихини яратиш; Маҳмуд Кошғарий, Наршахий, Замахшарий, Беруний, Рабғўзий, Алишер Навоий, Гулханий каби олим ва адибларнинг

фольклор асарларини ёзиб олиш борасида амалга оширган ишлари; XIX аср охири – XX аср бошларида Ҳ.Вамбери, А.Диваев, А.Эйхгорн, А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, В.Вяткин, Л.Кунь, Н.Ликошин ва бошқалар томонидан ўзбек фольклорининг тўлланиши ва ўрганилишини таҳлил қилиш; Ҳ.Зарифов илмий ижоди ва унинг ўзбек фольклоршунослиги фанига асос солганлигини илмий далиллаш; ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш; XX асрда мавжуд бўлган «марксистик фольклоршунослик»ка танқидий ёндошув асосида унинг илмий меросига холисона баҳо бериш; таниқли ўзбек фольклоршуносларининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш; мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослигининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш; Т.Мирзаев ва унинг ўзбек эпосшунослиги ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш; фольклоршуносликка оид манбалар ва илмий адабиётларнинг библиографик кўрсаткичларини тузиш.

Бугунги кунда фольклоршунослик ўзига хос илмий мактабларга эга бўлган фундаментал фан сифатида тараққий этмоқда.

Ҳозирги даврда халқ ижодиётини турли ёндош фанларнинг назариялари асосида комплекс тадқиқ этиш анъанаси кучайганлиги боис, фольклоршуносликнинг «**этнофольклористика**» (халқ ижодини этнографик ҳамда фольклористик аспектда текшириш), «**этнолингвистика**» (ўзбек тилидаги урф-одат, маросим, турли инонч-этиқодлар билан боғлиқ бўлган диалектизмларни этнофольклористик жиҳатдан талқин қилиш), «**археофольклористика**» (археологик топилмаларда ўз аксини топган фольклор сюжетлари, образ ва мотивларни ўрганиш ҳамда халқ оғзаки ижодининг муайян жанрига оид у ёки бу сюжет, мотив, образ ва бадиий деталнинг генезисини археологик ёдгорликлардаги суратлар, чизги ва ифодаларга қиёслаб тадқиқ этиш) йўналишлари юзага келди.

Фольклоршунослик фани тилшунослик билан, айниқса, унинг шева ва лаҳжаларни ўрганувчи диалектология йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фольклоршунос олим транскрипцияни пухта билмаса оғзаки ижродаги фольклор асарини мукаммал ёзиб ололмайди. Бугунги кунга келиб, ономастикада «**мифоним**» (қадимги мифологик тасаввурлар ва мифик образлар билан боғлиқ тушунча ва атамалар), «**мифотопоним**» (мифга алоқадор сўз асосида келиб чиққан жой номлари), «**эпоним**» (эпик асарларда қўлланилган атоқли отлар) сингари терминлар юзага келди. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг тил хусусиятларини ўрганувчи «**лингвофольклористика**» шаклланди.

Фольклор асарларининг яратилиши ва оммалашиши жараёни халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий менталитетини акс эттирувчи дунёқараши, анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис, фольклорни ўрганишда уни этнографик контекстдан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди. Бир томондан, фольклор асарларида халқимизнинг этник табиати билан алоқадор кўплаб «**этнографизмлар**», қадимий маросим ва ритуаллар билан боғлиқ анъанавий мотивлар мавжуд бўлса, бошқа жиҳатдан фольклор асарлари этнологик тадқиқотлар учун ҳам бой материал берувчи муҳим манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам «**этнофольклористика**» ҳозирги замон фольклоршунослигининг энг фаол йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбек фольклоршунослиги фанининг асосчиси, атоқли олим Ҳ.Зарифов «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1958 йилги илк сонида босилган «Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масалаларига доир» (25-30-бетлар) номли программ характердаги мақоласи билан ўзбек фольклоршунослигида «**археофольклористика**» йўналишини бошлаб берган эди. **Зеро**, фольклор асаридаги муайян образ, мотив ёки эпик сюжетнинг тарихий асосларини

ойдинлаштиришда археологик қазилмалар чоғида топилган турли осори атиқалар, қоятошларга чизилган петроглифлар, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа ва Тупроққалъадан топилган қадимги деворий суратлар, хуллас, аждодларимиз томонидан яратилган моддий маданият намуналари муҳим қиёсий манба ролини ўтайди.

Филологик йўналишдаги фольклоршунослик халқимиз бадиий тафаккурининг асрлар давомида узлуксиз тараққий этиб, ривожланиб келиши натижасида яратилган оғзаки поэтик ижод асарларини сўз санъати сифатида тадқиқ этиб, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ёзиб олиш, архивлаштириш, нашр этиш ва уни илмий ўрганиш билан шуғулланади. Ўзбек халқ мусиқа мероси жанрларини ноталаштириш ва тадқиқ этиш, халқ оғзаки драмаси, аскиябозлик, кўфирчоқбозлик, масхарабозлик санъатига оид материалларни ёзиб олиб, илмий ўрганиш, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги (кулолчилик, каштачилик, бешиксозлик, пичоқчилик ва ҳ.к.), амалий санъат ҳамда халқ рақс санъатини тадқиқ этиш **санъатшунослик йўналишидаги фольклоршунослик**нинг асосий вазифаси саналади.

Ўзбек фольклоршунослиги ғоят кенг қамровли илмий тадқиқотлар йўналиши ва улкан назарий базага эга бўлган фан сифатида нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё ва жаҳоннинг бошқа кўплаб илмий марказлари томонидан эътироф этилган. Фольклоршунослик фанининг халқ оғзаки бадиий ижодиётини турли жанрлар бўйича тадқиқ этувчи «эртақшунослик», «эпосшунослик», «паремнология», «мифология», «маросимшунослик», «лингвофольклористика», «этномузикология» сингари илмий йўналишлари изчил тараққий этаётгани ҳолда «**фольклор ва этномаданият**», «**фольклор ва маънавий тараққиёт**», «**постфольклор**» каби янги илмий йўналишлари ҳам шаклланди.

Хуллас, фольклоршунослик халқ оғзаки бадиий ижоди-

ёти асарларини изчил тўплаш, уни барча вариантлар ва версиялар асосида илмий тавсифлаш ҳамда фольклор асарларининг оммабоп ва илмий-академик нашрларини тайёрлаш билан шуғулланадиган алоҳида фан бўлиб, халқ ижодиётининг назарияси, тарихий асослари, локал хусусиятлари, тарихий-фольклорий жараён, фольклор асарлари поэтикаси, мустақиллик даври ўзбек фольклори, анъанавий фольклор ва постфольклор, фольклоризмларнинг маданий қадриятлар тизимида тутган ўрни каби масалалар унинг устувор йўналишларини ташкил этади.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЁЗИБ ОЛИНИШИ ТАРИХИ

Ўзбек фольклори асарларининг тўпланиши ва ёзиб олиниши тарихи ҳақида сўз юритганда X асрда яшаб ижод қилган машҳур муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида шаҳар ва қишлоқ номлари, тарихий обидалар ҳамда ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги халқ ривоятлари, афсоналари келтирилганлиги, XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий туркий қавмлар диёрини кезиб, мақол, матал, кўшиқ, ривоят ва афсона сингари фольклор жанрларига оид бой материалларни ёзиб олиб, “Девону луғотит турк” асарига киритганлигини эслаш керак бўлади. Шунингдек, мақол ва маталларни ёзиб олиб, уларнинг хусусиятларини ўрганган Маҳмуд Замахшарий, қадимги хоразмликларнинг миф, афсона, ривоят ва ҳикоятларини “Қисаси Рабғузий”га жамлаган Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий, ўзбек халқ шеъриятининг жанрлар таркиби хусусида фикр юритган Алишер Навоий, улуғ ўзбек шоири тўғрисидаги халқ ривоятларини нақл қилган тарихнавис Хондамир, мусиқа фольклорининг турли хил жанрий ранг-баранглигига доир материалларни ёзиб қолдирган Дар-

веш Али Чангий, ўзбек халқининг урф-одатлари, маросимлари, мақол ва ҳикматли сўзлари, ривоятлари ҳақида қизиқарли фактларни келтирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ўзи тузган луғатда халқ қўшиқларидан мисоллар келтирган Шайх Сулаймон Бухорий ўзбек фольклори асарларининг илк тўпловчилари эдилар.

Маълумки, Маҳмуд ибну-л-Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий 1029-1038 йиллар оралиғида туғилган. У 1072 йилда ўзининг “Девону луғотит турк” асарини ёзишга киришган ва уни 1078 йилда ниҳоясига етказган. Бу асарни ёзишдан аввал у узоқ йиллар мобайнида туркий қабилалар истиқомат қиладиган барча вилоятларни кезиб чиққан ва бой лингвистик, фольклористик ва этнографик материалларни тўплаган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим”.¹

Кенг қўламли тўпловчилик фаолияти олиб борган Маҳмуд Кошғарий ўзининг ана шу сафарлари чоғида фақат луғат учун лисоний материаллар тўплаш билангина кифояланиб қолмасдан, балки фольклор намуналарини ҳам ёзиб олган. Буни олимнинг “мен ҳар бир қабиллага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланилишини

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. 44-бет.

қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркийларнинг тилида қўлланилиб келинган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим, токи, улардан фойдаланувчилар нақл қилувчиларга, нақл қилувчилар эса ўз навбатида шу тилда сўзловчиларга етказсин”.¹

Демак, Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар фольклорининг қўшиқ, мақол, матал, маросим фольклори, афсона, ривоят каби жанрларига оид катта материал тўплаган. Шунинг учун ҳам “Девону луғотит турк” асаридаги фольклор материалларини ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари билан қиёсий ўрганиш фольклорнинг тарихий тараққиётини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Девону луғотит турк” лексикасининг ўзбек фольклоридаги кўринишларига доир илмий кузатишлар олиб борган Ҳ.Зарифов 1961 йил 21 февралда қуйидагиларни ёзган эди: “Девон”даги лексик ва грамматик фактларни ўзбек тилига оид барча ёзма асарлар тили билан қиёсий текшириш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, у фактларнинг ўзбек фольклорида ва шеваларида мавжудлигини аниқлаш ҳам шунчалик муҳимдир”.²

Бу асарда аждодларимизнинг осмон ёритқичлари билан боғлиқ мифологик ҳамда космогоник тасаввурларига оид қизиқарли маълумотлар учрайди. Олим “Девон”нинг 1-жилдида “ой” сўзига изоҳ берар экан, “ўн тўрт кунлик ойга “*толун ай*” (тўлин ой) дейилади” деб ёзади ва “*а:ј толун болса элигин имламас*”, яъни “Ой тўлин бўлса, қўл билан имланмас” мақолини келтиради (“Девон”, 1, 110-111-бетлар).

Тўлин ой кўринган тарафга қараб қўл билан имламаслик табуси XI асрда истиқомат қилган туркий қавмлар орасида кенг ёйилганлиги бежиз эмас. Чунки қадим замонлар

¹ Ўша асар. 47-бет.

² Зарифов Ҳ. “Девону луғотит турк” лексикасининг ўзбек фольклорида кўринишига доир (тезислар) // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. 96-бет.

да яшаган аждодларимиз ой, қуёш ва юлдузларни муқаддаслаштириб, топинганлар. Қуёш ва ойнинг кеча-кундуз ўрин алмашиб туриши, осмон тўла чароғон юлдузларнинг жиллоланиб кўриниши қадимги одамнинг эътиборини жалб этган. “Худуд ал-олам” номли асарда ёзилишича, қадимги туркий қавмлар, хусусан, чигиллар қуёш ва юлдузларга сифинишса, татарлар бу оламда офтобдан муқаддасроқ нарса йўқ деб билишган. Бу асарда қирғизларнинг бобоколони Зуҳра ва Муштариё юлдузларини мўътабар санаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.¹

Н.Я.Бичуриннинг гувоҳлик беришича, қадимги туркийлар эрта тонгда уйдан чиққач, аввало уфқдан бош кўтарайтган қуёшга, кечқурун эса ойга таъзим бажо келтиришни фарз деб билишган. Ўтовларнинг эшигини кунчиқарга қаратиб қуришга одатланган ухуанлар эса ер, осмон, қуёш, ой, юлдузларга, шунингдек, ота-боболарининг арвоқлари ҳақида қурбонликлар қилишган².

Тўлин ой билан боғлиқ инонч-эътиқодлар XX асрда ҳам халқимиз орасида сақланиб қолган. Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган маълумотларга кўра, нуроталиклар «қовунлар ойнанинг ёруғида тугади, тўлин ойнанинг ёруғида мол туғилса, илиги мойли бўлади, ой ботганда туғилса мойсизликка алоқадор. Ҳатто лайлатулқадр ҳам худо давлат ато этган одамларга ойга ўхшаб юмалаб келади», - деб тасаввур қилишар экан.³

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Қораун қишлоғида яшовчи 1890 йилда туғилган Жумагул Ўрунованинг айтишича, илгари янги ой туққанда одамлар “*Ҳақ ой, ҳақ ой, бош эсон, бағир бутун, тўган ой – тўғрайин гўшт, янаки*

¹ “Худуд ал-олам”. Рукопись Туманского, изд. с введением и указателями В.В.Бартольда. - Л., 1930. С.43, 170.

² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.1. - М.-Л., 1957. С.50, 142-144.

³ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1713.

ойларга, янаки йилларга ўйнаб-кулиб ўзинг етказгайсан”, - деб ой шуъласининг тифига ойна тутишар экан. Гўё шундай қилинса, ойнада “урушда бедарак кетган фарзандларининг сурати кўринади” деб ишонганлар.¹

Маҳмуд Кошғарий арғу қабиласи тилида қўлланиладиган “оп” сўзи “хирмон янчувчи ҳўкизларнинг ўртасидаги ҳўкиз” маъносини англатишини қайд қилади. Атоқли олим Ҳ.Зарифов “оп” сўзи ўзбек халқ меҳнат қўшиқлари матнида “ҳўп” шаклида ишлатилишини аниқлаган эди.²

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғи шеvasида “ҳўп” сўзи “ўриб олинган буғдойни бир жойга фарам қилиб, эшак ёки ҳўкизлар ёрдамида янчиш” маъносини англатади. Бунинг учун деҳқонлар буғдойни хирмонга фарам қилиб, ўртасига бир баланд ходани кўмадилар. Кейин бир нечта ҳўкиз ёки эшакларни ёнма-ён қўйиб, бўйнидан бир-бирига боғлаб чиқилади. Хирмон ўртасидаги хомага боғланган ҳўкиз эса “ҳўпчи” дейилади.

Аллома Ҳ.Зарифовнинг кундаликларида бирида 1962 йил 20 июлда ёзилган қуйидаги маълумот мавжуд: «янчиш учун хирмонга келтириб, тайёрлаб қўйилган, яъни янчила бошлаган донли экин “ҳўп” дейилади. Хирмондаги янчилган ва сомон ҳамда чоридан ажратилган дон эса “чош” деб аталади». Қуйидаги меҳнат қўшиғида ҳам бу сўз шу маънода қўлланилган:

*Ғужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-ай,
Тўп бўл ўрайик,
Ҳўнда кўрайик.*

¹ 1960 йил 26 апрелда Бухоро давлат педагогика институти IY курс талабаси Шариф Шериев ёзиб олган.

² Зарифов Ҳ. “Девону луғотит турк” лексикасининг ўзбек фольклорига кўринишига доир (тезислар) // Пўлкан шоир. - Тошкент: Фан, 1976. 97-бет.

“Хўп” сўзи хирмон янчиш чоғида ижро этилган “майда” ёки “майдагул” номли меҳнат кўшиқларида ҳам қўлланилган:

*Сенинг энанг сийирди,
Сувлардан бурнин жийирди,
Сени хўпга кўшсин деб,
Бобойи деҳқон буюрди,
Тойлоққинам майда қил,
Майда, ҳе, майда!*

*Сенинг энанг бияди,
Қурувласам ияди,
Сени бир хўпга кўшганда,
Бобойи деҳқон суяди,
Жониворим майда қил,
Майда, ҳе майда!*

*Майда дедим, хўп дедим,
Хўпга майлим йўқ дедим,
Ол шеригим, деганда,
Қизилини оз дедим,
Сомонини кўп дедим,
Майда, ҳе майда!¹*

Маҳмуд Кошғарий ўз асари учун материал тўплаганида туркий қабилаларнинг мифологик тасаввурларини ҳам синчиклаб ўрганган. Зеро, “Девон”да қуш тухумидан чиққан ит – “бароқ” тўғрисидаги миф ҳамда Етаган, Олтин қозик (Темир қозик) юлдузлари ҳақидаги самовий қарашлар келтирилганлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди. “Қазунуқ” - қозик. Қутб юлдузини “Тэмур қазунуқ” дейиш ҳам шундандир. “Темир қозик” демакдир. Чунки осмон бунинг устида айланади” (“Де-

¹ Ҳ.Зарифов тўплаган материаллардан.

вон”, 3-жилд, 393-бет), - деб ёзади Маҳмуд Кошғарий. Олим “кўк тубулғон” сўзига изоҳ бериб, қуйидагиларни ёзади: “кок тубулғон – бир қушнинг номи. Айтишларича, бу қушнинг икки қанотида пўлат бўлади ва қаноти билан тоққа уриб, бир томондан бошқа томонга ўтади. Бу сўзни менга ўзим фойдаланиб юрган бир киши айтди” (“Девон”, 1-жилд, 474-бет).

Кўринадики, бу мифологик афсонада қадимги туркийлар фольклорида мавжуд бўлган хаёлий қуш тўғрисидаги халқ қарашлари ўз ифодасини топган. Ўзбек тилида қаттиқ патлари ўсиб чиққан қуш полопонини “темирқанот бўлибди” деб таърифлашда ҳам ана шу кўҳна тасаввурларнинг изи сақланиб қолганга ўхшайди.

Шу ўринда Маҳмуд Кошғарийнинг фольклор тўпловчи сифатидаги муҳим бир хусусияти ҳам кўзга ташланиб турибди: олим “кўк тубулғон” ҳақидаги мифологик афсонани келтирар экан, бу ҳикояни у ўзига ҳамроҳлик қилган бир кишидан эшитганлигини алоҳида қайд қилади. Фольклор асарини сўзлаб берган айтувчи, яъни ижрочи ҳақида маълумот бериш эса халқ оғзаки бадиий ижоди намунасини ёзиб олишнинг илмий мезонларидан биридир.

“Девону луғотит турк”да “яда тоши” билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ҳам келтирилган. “Девон”нинг 3-жилди, 8-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: “Яда - ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш усулидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндирди”.¹

Туркий элатлар диёрини кезиб, “ёмғир тоши” тўғрисидаги халқ афсоналарини тўплаган Маҳмуд Кошғарий бу афсонавий тош ёрдамида табиатга таъсир ўтказиш мароси-

¹ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3-том. - Тошкент: Фаъ, 1963. 8-бет.

мини шундай тасвирлайди: “Бек ядачига дуо ўқитди, Шунинг учун шамол эсди. Ёмғир ёғди. Бу ҳодиса турклар мамлакатада машҳурдир. Тош орқали шамол, ёмғир, совуқ қўзғотилади”.¹ “Девон” нинг 3-жилд, 322-саҳифасида эса “ятлади” феълига “афсунчи ёмғир ёғдириш учун яда тоши билан дуо ўқитди”, - деб изоҳ берилган.

Яда тоши ҳақидаги мифологик тасаввурлар қадимги туркий қавмларнинг деярли барчасига маълум бўлган. Хасрада яшаб ижод қилган муаррих Абу Дўлафнинг маълумотларига қараганда, “ёмғир тоши”ни мўътабар ҳисоблаган қорлуқлар яшил рангли бу тошни азиз билиб сиғинишар, ёғинсочин камчил бўлган вақтларда унинг шарафига қурбонликлар қилишаркан.

Таниқли тилшунос олим Л.Будагов эса “яда – сеҳрли тош, унинг ёрдамида ёмғир ва қор ёғдирилади ёки тиндирилади. Мўғул тилидаги “дзада” сўзи ёғингарчилик маъносини англатади”,² - деб ёзган.

Қозоқларда жай тас, ўзбек, мўғул, олтой, туркман тилларида яда, ёқут тилида сага, тувинчасига чаг таш деб юритилган “ёмғир тоши” ҳақидаги ирим-сирим ва афсоналар қадимги туркий қавмларнинг мифологик эътиқодлари билан боғлиқдир.

“Яда” тоши воситасида ёмғир ёғдириш ҳақидаги мифологик тасаввурлар бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги Уларбиби қишлоғида яшовчи 77 яшар Иззат биби Мажидовадан 1991 йилдан ёзиб олинган маълумотга кўра, тўйида ёмғир ёғадиган кишиларни “ядаси бор” дейдилар. Агар бола ёшлигида қатиқ ивигилган идишнинг тубини яласа, тўйида қор ёки ёмғир ёғади, деб ирим қилинади.

¹ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 2-том. - Тошкент: Фан, 1962. 410-бет.

² Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.2. - М., 1899. С.351.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида у ёки бу сўзлар маъносини изоҳлаш, шарҳлаш мақсадида келтирилган оғзаки насрий асарларни мифологик афсоналар, этногенетик афсона ва ривоятлар, топонимик афсона ва ривоятлар, халқ тақвими билан боғлиқ ривоятлар, нақлларга бўлиб тавсифлаш мумкин. “Девон”да “Худхур” (1-жилд, 135-бет), “Қаз” (3-жилд, 163-бет) каби топонимик ривоятлар, “Чигил” (1-жилд, 374-бет), “Туркман” (3-жилд, 419-422-бетлар) сингари этногенетик ривоятлар, мучал ҳисобининг келиб чиқиши ҳақидаги тақвимий ривоят (1-жилд, 330-331-бетлар) ҳам келтирилган.

Маҳмуд Кошғарий ўз “Девон”ини “махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар...билан безаш” мақсадида уч юздан ортиқроқ мақолни китобга киритган. Масалан, “Тилку ўз унига урса, ужуз бўлур” (яъни “Тулки ўз унига қараб улуса қўтир бўлади”) мақолида ўзи туғилиб ўсган юртига, она заманига, ватанига хиёнат қилган кишининг ҳоли хароб бўлади, деган пурҳикмат маъно мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ушбу мақолни келтирар экан, “бу мақол ўз элини, уруғини ёки мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади” (“Девон”, Индекс-луғат, 12-бет) деб қайд қилган. “Девон”да дангасалик ва танбаллик (“Эрмагуга булут йук бўлур”, яъни “Ялқовга булут сояси ҳам юк бўлар”), меҳнатсеварлик (“Йазин қатигланса, қишин севнур”, яъни “Ёзда меҳнат қилган киши қишда севинар”), дўстлик ва ҳамжиҳатлик (“Йалнгуз қаз утмас”, яъни “Ёлғиз ғоз сайрамас” ёки “Кенгашлик билик узлашур, кенгашсиз билиг ўпрашур”, яъни “Маслаҳатли иш битади, бемаслаҳат иш йитади”), мардлик, ботирлик, жасурлик (“Алп йагида, алчақ жагида”, яъни “Ботир душман билан тўқнашганда, ювош тиришишда синалади”), донолик (“Алп чэрикда, билга тирикда”, яъни “Ботир жангда синалади, доно - мажлисда”) ва бошқа кўплаб мавзуларга доир

мақоллар учрайди. Бу эса X-XI асрларда яшаган аждодларимиз қўллаган мақоллар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлганлигидан далолат беради.

“Девон”даги паремиологик материаллар халқ мақолларининг генетик илдизларини аниқлаш, мақол жанрининг келиб чиқиш тарихи ва тадрижий ривож босқичларини ўрганиш, мақолларнинг бадиий шакли ва мазмуний хусусиятларидаги ўзгаришларни тадқиқ этишда муҳим илмий қимматга эга.

Хуллас, XI асрнинг йирик филолог олими Маҳмуд Кошгарий туркий қабилалар шеvasига оид лисоний манбаларни тўплаш баробарида халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, қўшиқлар, миф, афсона, ривоят ва нақллар, шунингдек, урф-одат ва маросимлар, халқ қарашлари, эътиқодий инончлар ҳамда мифологик тасаввурларга доир бой материалларни ёзиб олган.

Халқимизнинг бетакрор ижодий салоҳиятини юксак кадрлаган Алишер Навоий ҳам ўз даври фольклорининг деярли барча жанрларига оид қадриятлардан самарали фойдаланган. Шу боис, шоир асарларида XV аср ўзбек фольклорининг жанрлар тизимига доир **афсона, қисса, ривоят, эртак, ҳикоят, достон, улуғ ир, аёлғу, қўшиқ, суруд, ўзмоғ, чанг, чанга** сингари атамалар кўп қўлланилган.

«Турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн билан ясаб, мажолисда айтиш»ларини қайд қилган шоир XV аср ўзбек маросим фольклоринида чанга деб аталган қўшиқ тури мавжудлиги хусусида қўйидаги қимматли маълумотни баён қилган: “яна чангидурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурув тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқув баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар”.¹

Шоир «чанги»нинг «ҳеч вазн била рост келмайдиган

¹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Ўн беш томлик. – Тошкент, 1967. 180-бет.

навъи» деганда никоҳ тўйи маросимида ижро этиладиган «ёр-ёр»ни назарда тутган. «Садди Искандарий» достонида тўй лавҳаси шундай тасвирланган:

*Муганний тузуб чанги вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,
Десанг сенки: жон қардошим, ёр-ёр!
Мен айтайки: мунғлуг бошим, ёр-ёр!
Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,
Сурудинг доғи сур аро чингадур.¹*

“Чанги” атамаси Тошкент вилояти туманларида ўтказиб келинган никоҳ тўйида қиз-жувонлар йиғилишиб лапар, ўлан айтишадиган маросимнинг номи сифатида XX асрга қадар сақланиб қолган. М.Алавиянинг маълумотиға қараганда, Тошкент вилоятининг Сижжак қишлоғида қўшиқни «чинка» деб атайдилар. Қиш-қировли кунларда бирор киши тўй қиладиган бўлса, хабарчилар одамларни ўша тўйга чорлаганда «*Фалончиникига чинкага!*» - деб чақирган. Сижжаклик 71 яшар Холпошшахон Маҳмудхон қизининг М.Алавияга берган маълумотиға кўра, суннат тўйида «Бола маст» қилиб келаётган йигитларнинг ашуласи эшитилганда аёллар «Ана, йигитлар чинка айтиб келаяптилар», - дейишар экан. Пискентда ҳам тўй базмида бирор катта дарахтнинг тўнкаси ёки эски мойжувознинг кундаси, ҳеч бўлмаса, ишдан чиққан кўҳна ўғиркелини мойга тўлдириб, давра ўртасига қўйиб ёқишган. Ана шунинг ёруғида қўшиқ айтишиб, ўйин-кулги қилганлар. Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Каркидон қишлоғида қиз узатарда қизнинг отаси фотиҳа бергандан кейин «ёр-ёр» бошланади. Қизни ўртага қўйиб «ёр-ёр» айтишни «*Қиз чинкага ўтирди*» ёки «Чинка бошланди» деб эканлар.²

¹ Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент, 1958. 1516-1517-бетлар.

² Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент.: Фан, 1974. 43-бет.

Сайрам туманидаги Қорамурт қишлоғида эса ўғил тўйларида йигит-қизларнинг ўртага гулхан ёқиб, унинг атрофида кўшиқ айтиш удуми «чийна» деб юритилган:

*Лапарчилар йиғилиб чийна қилур,
Ёмон одам ҳар гапни гина қилур,
Яхши одам ўйнаб-кулиб кечирур,
Ёмон одам қон-зардоб ичирур.¹*

1963 йил 20 августда Сайрамда диалектологик экспедицияда бўлган тилшунос С.Зуфаров «чинка» сўзи суннат тўйида кечкурун ўтказиладиган ўйин-кулги базми маъносини англатишини аниқлаган. Маълум бўлишича, сайрамликлар суннат тўйи кечаси ўт ёқиб, шунинг атрофида ўйин-кулги қилиш удумини «чинка» деб аташар экан. Бу удум Сайрам туманининг баъзи қишлоқларида «чақачумбирчоқ» номи билан ҳам юритилар экан.

Сурхон воҳасида суннат тўйи маросимида кечки пайт ўйин-кулги қилинадиган жой, махсус тайёрланган давра «чанки» дейилиши ҳам бевосита Алишер Навоий асарларида қайд этилган «чанги» атамаси билан боғлиқ. Сариосиё туманида ўтказиладиган хатна тўйи маросимида қўлланиладиган «чанки» сўзи умумўзбек фольклорида қадимдан ишлатилиб келинган атама бўлиб, кўшиқ ҳамда лапар айтиладиган, ўйин-кулгу қилинадиган маросим номи сифатида ишлатилган.

Тилшунос олим Э.Умаровнинг аниқлашича, «шоир асарларида чинга, чанги, чинг, чанг деб ёзиб келинаётган бу атаманинг асли «чинка» бўлиб, туркий тилнинг қадимги ҳолатини ўзида кўпроқ сақлаб қолган тува тили маълумотлари бу атаманинг тузилиши **чи** – ингичка (қиёсланг: чийилламоқ) + **ин** – овоз (қиёсланг: индамади) + **ка** (кўшимча) бўлиб, у қизларнинг

¹ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев. – Тошкент, 2000. 125-бет.

никоҳ кечасида ўз овул ва қариндошларидан узоқлашувида ингичка овозда айтиладиган ғам-ғуссали, дардли ашуласи маъносини англатади.¹ В.В.Радлов эса бу сўзнинг «чанга» шаклидаги вариантини «халқ кўшиқларининг бир тури, ашулачи ва муסיқачиларнинг келинни кутиб олиш чоғида ижро этадиган ашуласи» деб изоҳлаган.² Бошқа бир ўринда тўй маросимида чапак чалиб кўшиқ айтиш удуми «чинга» дейилишини айтиб ўтган.³ Шунингдек, турк тилида ҳам «сenge» сўзи “келинни кутиб олишда айтиладиган кўшиқ” маъносини билдиради.⁴

Адабиётшунос Н.Маллаев эса чўлим татарлари лаҳжасида «тўртлик шаклидаги халқ кўшиғи» маъносида қўлланиладиган «чынг» сўзи мавжудлигини қайд этган. Фикримизча, «чанги», «чинка» атамаларининг этимологик асоси ана шу сўз билан муштарак лисоний негизга эга.⁵ Назаримизда, «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас» мақолидаги «чанг» сўзи ҳам русча «пыль» маъносини эмас, балки «товуш», «дупур», «овоза», «сас» маъноларини англатиб, қадимги «чи/ча» ўзагига бориб тақалади.

Алишер Навоий асарларида ровий, **ривоятчи, қиссагўй, қиссахон, қиссапардоз, гўйанда, йиров, ўзон** каби фольклор ижрочилари номи билдирувчи атамалар ҳам келтирилган. Бу маълумотлар ўзбек фольклори жанрларининг тарихий асослари ва тараққиётини ўрганишда муҳим қимматга эга.

Шунингдек, ўзбек фольклори намуналарининг ёзиб олиниши тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида келтирилган ривоятлар, Гулханийнинг «Зарбулмасал»ига киритилган халқ мақоллари ва нақллар, Шайх Су-

¹ Умаров Э. «Чанги» сўзи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. 6 – сон. 85-86-бетлар.

² Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.3, Часть 2. – М., 1899. С.1962-1963.

³ Там же. С.2117-2118.

⁴ Турецко-русский словарь. – М., 1931. С.198.

⁵ *Бу ҳақда қаранг:* Мирзаев Т., Жўраев М. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганишда Н.Маллаевнинг ўрни // Поктийнат. – Тошкент, 2002. 17-19-бетлар.

лаймон Бухорийнинг «Луғати чигатои ва туркий усмоний» асарида сўзлар мағзини изоҳлаш мақсадида келтирилган халқ қўшиқларининг парчалари, Муқимийнинг халқ оғзаки бадиий ижодидаги қўшиқлар услубида ёзган «Саёҳатнома» асари ҳам муҳим ўрин тутишини қайд этиш керак бўлади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда фаолият юргизган шарқшунос, тилшунос, этнограф, фольклоршунос олимлар, шунингдек, ўлкашунос ва сайёҳлар – А. Диваев, А. Эйхгорн, А. Н. Самойлович, Н. П. Остроумов, В. Вяткин, Л. Кунь, Н. Ликошин, П. Комаров, А. Хорошхин, К. Г. Зелеман, Ю. Казбеков, Л. Бундзинский, М. Ростиславов ва бошқалар маҳаллий аҳолининг фольклори, ирим-сиримлари, мифологик эътиқодлари, маросим ва удумлари, анъанавий тақвими, байрам ва сайилларига оид материалларни ёзиб олиб, асосан рус тилида нашр эттирдилар.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Халқ оғзаки бадиий ижодиётини тўплаш, системалаштириш, оммавий ва академик нашрларни амалга ошириш ҳамда кенг кўламли фундаментал тадқиқотларни яратиш борасида бугунги кунда йирик ишларни амалга ошириб келаётган ўзбек фольклоршунослиги фанининг шаклланиши тарихи XX асрнинг 20-йилларидан бошланган.

«Маориф» журналининг 1918 йил 1-сонида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўпловчилар учун қўлланма чоп эттирилиши билан ўзбек фольклори материалларини илмий асосда ёзиб олишга асос солинган. Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1918-20 йилларда Туркистон Маориф халқ комиссариатининг Туркий секцияси, 1921-24 йилларда эса Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати томонидан амалга оширилган. Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига (1921), Самарқанд ва Сирдарё вилоят-

ларига (1922), Фарғона водийсига (1922) уюштирган фольклор экспедициялари, айниқса, самарали бўлган. Бу илмий сафарларда қатнашган Ғози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарий лапар, ўлан, болалар қўшиқлари, оғзаки драма, эртак ва афсона, маросим фольклорига оид материалларни ёзиб олишган.

Ўзбек билим ҳайъати томонидан ташкил этилган фольклор-этнографик экспедицияларга бошчилик қилган Ғ. О. Юнусов халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш ва оммалаштиришнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаган¹ Ғ. О. Юнусов ўзбек эпосшунослиги тарихида биринчи бўлиб 1922 йилнинг ёзида Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшилардан “Алпомиш” дostonидан парчалар ёзиб олган. У ўзининг “Ўзбекларда эл таниш иши” номли мақоласида («Туркистон», 1922, 18 декабрь) фольклоршуносликда биринчи бўлиб “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Юсуф ва Аҳмад” дostonлари ҳақида фикр юритган, “Алпомиш” дostonини жаҳон адабиётининг “Одиссея”, “Илиада” каби ажойиб дурдоналарига қиёслаган.² Ғ. О. Юнусов Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида бўлиб, кўплаб қўшиқ, эртак, афсона, мақол, топшимоқ ва ривоятларни ёзиб олган, ўзбек маросим фольклорига доир кузатишлар олиб бориш билан бир қаторда бой этнографик материалларни ҳам тўплаган.³ Олим ўзбек фольклори намуналарини тўпловчилар учун методик қўлланма ҳам яратган.⁴

¹ **Қаранг:** Юнусов Ғ. О. Эл адабиёти. Эргаш Жуманбулбул ўғли // Аланга. 1928. 11-сон. 11-бет.

² **Қаранг:** Юнусов Ғ. О. “Алпомиш” дostonи // Билим ўчоғи. 1923. 2-3-сонлар. 37-39-бетлар; Яна ўша. “Алпомиш” // Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Тошкент, 1928. 33-43-бетлар.

³ **Қаранг:** Юнусов Ғ. О. Опись материалов по этнографии узбеков, собранных в Самаркандской области и уездах Ташкентском и Голодностепским Сырдаринской области // Наука и просвещение. 1922. №2.

⁴ Юнусов Ғ. О. Ўзбек эл адабиётига тегишли материалларни тўпловчиларга қўлланма // Маориф ва ўқитувчи. 1926. 7-8-сонлар. 63-65-бетлар.

Ғ.О.Юнусовнинг “Алла” тўғрисида бир-икки оғиз сўз» («Маориф ва ўқитувчи», 1926, №6), «Эл адабиётидан намуналар» («Аланга», 1928, №6-7, 3-бет), «Оғиз адабиётидан синфий туйғулар» («Аланга», 1930, №5-6) каби мақолалари халқ оғзаки ижодини илмий ўрганиш борасидаги илк тажрибалар сифатида фольклоршунослик тарихида муҳим ўрин тутди.

1925-28 йилларда фольклористик ишлар Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитетида марказлаштирилган. Бу даврда Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Абдулла Алавий каби миллий қадриятларимиз фидойилари халқ бахшиларини, эртақчи ва қўшиқчиларни аниқлаш, уларнинг репертуаридаги асарларни ёзиб олишни ташкил этиб, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Берди бахши, Абдулла шоир ва бошқа кўплаб бахшилардан халқ дostonларини ёзиб олишган. Бу шарафли ишга Маҳмуд Зарифий, Исо Эрназар ўғли, Фотима (ҳозиргача тўла исми-шарифи аниқланмаган), Товфиқ Мустафоев, Баҳром Иброҳимов, Муқим Ҳамзабеков, Назарқосим Мирзаев, Ҳусайн Каримий каби ҳаваскор фольклор тўпловчилар ҳам жалб қилинган. Ўша даврда тўпланган материаллар бугунги кунда ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди дурдоналари сақланаётган ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивининг юзага келишига замин ҳозирлаган.

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимига эса 1928 йилда асос солинган. Ҳозирги даврга келиб мамлакатимизда фольклоршунослик фанининг марказига айланган бу бўлим атоқли аллома Ҳ.Зарифовнинг ташаббуси билан 1928 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитети ҳузуридаги «Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети» негизида тузилган. 1929 йил декабридан эътиборан бу кабинетга Ҳ.Зарифов мудар

этиб тайинланган ва бу бўлим Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институти таркибида фаолият юргиза бошлаган.

XX асрнинг 20-30-йилларида В.А.Успенский, Н.Н.Миронов, Е.Е.Романовская, Юнус Ражабий ўзбек мусиқа фольклори асарларини ёзиб олган бўлишса, Фулом Зафарий, А.К.Боровков, К.К.Юдахин, М.Ф.Гаврилов ўзбек халқ оғзаки театри анъаналарини ўргандилар. Ғози Олим Юнусов, Элбек, Е.Д.Поливанов, Л.Потапов, Бекжон Раҳмон, Ҳ.Зарифов, А.К.Боровков, Е.М.Пешчерева, В.Дружинин, В.Г.Андреев, Қ.Рамазонов, А.Алавий, Ш.Ризо, Ш.Рўзи, Ш.Абдуллаева, Б.Каримий, М.Алавия ва бошқалар ўзбек фольклорининг энг нодир асарларини ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган дастлабки фольклор экспедицияларида фаол қатнашдилар.

Ўзбек фольклоршунослигининг филологик йўналишдаги фан сифатида шаклланиши Ҳ.Зарифов илмий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. 1905 йил 20 мартда Тошкентда туғилган Ҳ.Зарифов 1921 йилда ўз она шаҳридаги мактаб интернатни тугатгач, 1923-1926 йилларда Боқу ўқитувчилар семинариясининг талабаси бўлган. 1926-27 йилларда собиқ Ўзбекистон халқ Маориф комиссариати илмий марказининг Ўзбекларни ўрганиш комитетида илмий ходим бўлиб ишлаган. 1928 йилда «Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети»ни ташкил этган. 1928-1930 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчи бўлиб ишлагач, 1929 йилда Ўзбекистон Марказий музейини ташкил этиб, 1931 йилгача уни бошқарган. 1931-1934 йилларда Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий-текшириш институти Этнография секциясининг мудири, 1934-1938 йилларда Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси, 1940-56 йилларда Тошкентдаги Адабиёт музейининг ташкилотчиси ва директори, 1943-44 йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ташкилотчиларидан бири ва директор муовини, 1943-45 йилларда Ўрта Осиё давлат уни-

верситети ўқитувчиси бўлган. Шундан кейин ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти директори (1944-48), директор муовини (1955-62), Фольклор бўлимнинг мудирини (1934-1972), “Ўзбек энциклопедияси” бўлимнинг бошлиғи (1965-1972) вазифаларида ишлаган. Атоқли фольклоршунос олим 1967 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1973 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланган.

Ҳ.Т.Зарифов фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш ва ўрганишга улкан ҳисса қўшган аллома, ўзбек фольклоршунослигининг асосчисидир. 1928 йилда унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Этнография фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети» негизида кейинчалик Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлими юзага келган. Ҳ.Т.Зарифов ана шу бўлимнинг раҳбари сифатида бутун умрини ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва илмий ўрганишга бағишлаган. Ўзининг фольклоршунос сифатида илк фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Ҳ.Т.Зарифов Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва Ислон шоирдек забардаст сўз санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини тўплаган. Бу бахшилардан ёзиб олинган “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Жаҳонгир”, “Рустам”, “Равшан”, “Очилдов”, “Ҳасан батрак”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Авазнинг уйланиши”, “Мардикор”, “Шайбонийхон” каби дostonлар ўзбек эпосининг энг ажойиб намуналари сирасига киради.

Ҳ.Т.Зарифов иштирок этган ёки унинг ўзи томонидан уюштирилган ҳар бир экспедиция фанга янги материаллар ва таҳлилий хулосаларни тақдим этган. Жумладан, Ҳ.Т.Зарифов 1929 йилда Ғ.О.Юнусов раҳбарлигидаги фольклор экспедициясининг аъзоси сифатида Қашқадарё-Сурхондарё воҳаларида бўлиб, Абдулла Нурали ўғли, Холёр Абдукарим ўғли каби чечан бахшилар ижодиётини ўрганган. 1930 йилги Хоразм фольклор-этнографик экспедицияси чоғида эса Бола бахши, Кур-

бон созчи, Биби шоира, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёр бахши Воис ўғли каби халқ шоирларидан “Асилхон”, “Хирмондали”, “Қирқ минг” дostonларини ёзиб олган. Ҳ.Т.Зарифов 1935 йили Фарғона водийси дostonчилиқ мактабининг Бўри Содиқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Умрзоқ бахши, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳасанбой Расул ўғли каби ижрочиларини аниқлаганлиги ҳам фольклоршунослиқ учун муҳим янгилик бўлган. Бу бахшилардан ёзиб олинган дoston ва термалар Фарғона водийсида дostonчилиқ анъаналари аллақачон йўқолиб кетган, деган даъволарнинг асосиз эканлигини исботлаган.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзининг 20-йилларда ўтказган экспедициялари чоғида Жиззах вилоятидан «ё рамазон» кўшиқларининг мукамал намунасини ёзиб олишга, шунингдек, халқимизнинг ирим-сиримлари ва эътиқодларига оид бой фактик материаллар тўплашга муваффақ бўлган.¹

Ҳ.Т.Зарифовнинг йирик фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳаваскор фольклор тўпловчилар ишини марказлаштира олганлиги ва бу эзгу ишга кўпгина зиёлиларни жалб эта билганлигида яққол кўзга ташланади. Унинг топшириғи ва бевосита раҳбарлиги остида ҳаваскор фольклор тўпловчи, халқ ижодиётининг ҳақиқий фидойилари бири бўлган Исо Эрназар ўғли 1927 йилда Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги қишлоқларни кезиб чиқиб, ўзбекларнинг яйловга кўчиш, от сотиб олиш, қамчи сақлаш, чўпон таёғи, пичоқ бериш, никоҳ тўйи, болага исм қўйиш, чечакни даволаш билан боғлиқ материалларни, дафн маросими фольклори, ирим-сирим ва таъқиқларни тўплаган. У фольклоршунослиқ амалиётида биринчи бўлиб қоқимчи, азайимхон ва бахшиларнинг даволаш амалларига доир этнофольклористик материалларни – қайтарма, қоқим, бадик намуналарини ёзиб олган.²

¹ Қаранг: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №1648.

² Қаранг: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №.922.

Ҳ.Т.Зарифов умрининг охиригача Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг экспедицияларига раҳбарлик қилган. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида институтда Фольклор архиви юзага келган ва шу хазинадаги энг яхши материаллар асосида “Ўзбек халқ ижоди” кўп томлиги нашр этила бошлаган.

Ҳ.Т.Зарифов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб XX асрнинг 20-йилларидаёқ халқ ижоди асарларини тўплаш ва нашр этиш учун махсус транскрипция ишлаб чиққан.¹ Бу илмий принцип чуқур назарий билим ва кенг кўламли матний тайёргарликка асосланганлиги учун ҳам ҳозирга қадар нафақат ўзбек, балки қардош туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам самарали қўлланилмоқда. Ўтган давр мобайнида шу принцип асосида «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдлигининг қирққа яқин томи, икки жилдлик «Ўзбек халқ мақоллари», «Рустамхон» ва «Алшомиш» дostonларининг академик нашрлари, икки жилдлик «Ўзбек халқ эртаклари», «Ўзбек халқ дostonлари» кўпжилдлик силсиласи, дoston, эртак, мақол, кўшиқ, топишмоқ, латифа каби жанрларга оид матнларнинг алоҳида нашрлари чоп эттирилди.

Ҳ.Зарифов “Шайбонийхон”, “Равшан”, “Малика айёр”, “Чамбил қамали”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув”, “Ёдгор”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Очилдов”, “Хуршидой”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах кўзғолони”, “Ҳасан батрак”, “Алшомиш”, “Якка Аҳмад”, “Холдорхон” каби дostonларни нашрга тайёрлаган. У “Ўзбек фольклоридан намуналар” (1939), “Ўзбек фольклори” (1939), “Оталар сўзи - ақлнинг кўзи” (1947), “Ўзбек халқ шоирларининг ижоди” (1958), “Ўзбек шеърини антологияси” (1-том, 1961) мажмуаларининг ҳам ноширидир.

Ҳ.Т.Зарифов ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусият-

¹ **Қаранг:** Зарифов Ҳ. «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари // Ислom шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. - Тошкент, 1978. 128-141-бетлар.

лари, фольклоршунослик тарихи, халқ шоирларининг ижоди ва ижрочилик маҳорати, репертуари, эпик анъана, дostonлар таснифи, дostonчилик санъати, Қўрғон, Булунғур, Шаҳрисабз, Хоразм, Жума дostonчилик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари каби эпосшуносликнинг назарий масалаларига доир асарлар яратган. У фольклоршунослик тарихида биринчи бўлиб халқ оғзаки ижодиёти фанидан дастур ва мажмуалар¹ тузган, фольклор асарларини тўплаш ва ёзиб олиш методикаси ҳақида илк қўлланма² яратган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактабининг асосий илмий йўналиши халқ ижодиёти юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратишдан иборат бўлиб, Ҳ.Зарифовнинг илк тадқиқотлари билан ўзбек фольклорини илмий ўрганиш ишига асос солинган. Айниқса, унинг йирик эпосшунос В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратилиб, рус тилида нашр эттирилган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» монографияси, шунингдек, ўзбек халқ дostonларининг эпик табиати ва тарихий асосларини текширишга оид қатор мақолалари халқ эпосини фундаментал тадқиқ этишнинг мумтоз намунаси бўлиши билан бирга ўзбек фольклоршунослиги мактабининг илмий-назарий асоси ҳам ҳисобланади.

Ўзбек маросим фольклори жанрлари этнограф М.Гавриловнинг кичик бир рисоласини³ ҳисобга олмаганда, ўтган асрнинг 30-йилларига қадар деярли тадқиқ этилмай келинарди. Ана шу бадиий қадриятларнинг тўпланиши ва ўрганилиши фольклоршунос олима Музайяна Алавия номи билан боғлиқдир.

1909 йил 26 майда Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Мўминобод маҳалласида туғилган Музайяна Акмалхоновна Алавия фольклоршуносликка дастлаб тўплов-

¹ Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклори (сўзбоши, матнлар, луғат). Педагогика институтлари учун хрестоматия. - Тошкент, 1939.

² Зарифов Ҳ. Луғат ҳам термин тўпловчиларга қўлланма. - Тошкент, 1934.

³ Гаврилов М.Ф. Остатки ясы и юсуна у узбеков. - Ташкент, 1925. С.3-9.

чи сифатида кириб келган. У Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ кўшиқлари, афсона, ривоят, эртақларни тўплаган. Фозил Йўлдош ўғли, Ислоом шоир, Боймурод Боймат ўғли, Ҳайдар Бойчаев, Абдулла шоир Нурали ўғли, Умр шоир Сафаров, Қўзи ва Тўқли Рўзиев каби халқ бахшиларидан ўнлаб термалар ва дostonларни ёзиб олган. Олиманинг кўп йиллик изланишлари натижасида “Ўзбек халқ кўшиқлари” (1955), “Янги кўшиқлар” (1959), “Ўзбек фольклоридан намуналар” (1955), “Оқ олма қизил олма” (1979), “Халқ кўшиқлари” (1983) каби тўпламлар юзага келган. У Фозил Йўлдош ўғлининг “Интизор” дostonини нашрга тайёрлаган. М.Алавия ўзбек халқ маросим кўшиқларининг мавзу қамрови, ғоявий мазмуни, бадий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, кўшиқчиларнинг ижрочилик санъати, кўшиқларнинг тарихий асосларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифидир.

М.Алавия ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициялари иштирокчиси сифатида оилавий-маиший маросимлар билан алоқадор ўлан, ёр-ёр, келин салом, лапар каби жанрларга оид матнларни тўплаган. 1969 йилда Сайрам, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияси чоғида шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ «Чой-момо» кўшиғининг кўплаб вариантларини аниқлаган.¹

Маросим фольклори намуналарини изчил тўплаб, тадқиқ этган М.Алавия 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Дўсберган қишлоғида яшовчи Қирмиз момо ҳамда Аширой Рўзиевадан боқимчилик ва бахшичилик амалиётининг тўлиқ тавсифини ёзиб олган.² Олима бахши чорлови, худо ва авлиёларни ёдга олиши, пир ва париларни

¹ *Қаранг:* ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№. 1628.

² *Қаранг:* ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№.1315/1. 79-99-бетлар.

чақиритиши, пирлардан йўл сўраши, момоларни чорлаши, қирқчилтон, пари, девлар, лашкарга ўз бошидан ўтганини айтиб бериши ва лашкарни йўлга солиши, шунингдек, гулафшонни даволаш билан боғлиқ айтими ёзиб олган бўлиб, бу материаллар ўзбек шомон фольклорини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади. М.Алавиянинг ўзбек маросим фольклорини илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари 1974 йилда чоп этирилган «Ўзбек халқ маросим кўшиқлари» номли монографиясида умумлаштирилди.

Ўз илмий фаолиятини 1932 йилда Тошкентдаги Маданий курилиш институтида бошлаган Мансур Афзалов ўзбек халқ насри асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганишга катта ҳисса қўшган. Ўзбек халқ эртақлари, дoston ва афсоналарни тўплаб, тадқиқ этган М.Афзалов Ислоом шоирнинг “Орзигул” (1940, 1956, 1961), “Тулихиромон” (С.Асқаров билан ҳамкорликда, 1965), Фозил шоирнинг “Ширин билан Шакар” (1955), “Муродхон” (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1956), “Балогардон” (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1957), “Фарҳод ва Ширин” (1966), “Зулфизар” (1969), Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Хушкелди” (1962) дostonларини нашрга тайёрлаган. У Ислоом шоир “Танланган асарлар”и (1953), “Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари” (1950), “Ўзбек дostonлари” (1956-58), “Ўзбек шеърини антологияси (1948), “Ўзбек халқ эртақлари” (1951), “Ўзбек халқ эртақлари» (1960-62), “Ўзбек халқ мақоллари” (1958-60) мажмуаларини ҳам чоп этирган.

Ўзбек халқ насрининг жанрлар таркиби, халқ бахшиларининг ҳаёти ва ижоди, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклоршунослик тарихи масалалари билан шуғулланган олимнинг “Ўзбек халқ эртақлари ҳақида” (1964) асари ўзбек эртақлари ҳақидаги биринчи йирик тадқиқотдир. Бу китобда ўзбек халқ эртақлари тасниф қилинган, эртақларнинг ўрганилиш тарихи, образлар тизими, мотивларнинг тарихий асослари, эртақларнинг юзага келиш тарихи ва бадий ху-

сусиятлари, эртак ижрочилиги тадқиқ этилган.

Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр этиш, тадқиқ этишга катта ҳисса қўшган олима З.Хусаинова 1951 йилдан буён ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси сафида Республикамизнинг барча вилоятларида, Жанубий Тожикистон ва Ўшда бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг қўшиқ, мақол, топишмоқ, эртак, латифа каби жанрларига доир матнларни тўплаган. Бекмурод Жўрабой ўғлидан “Малика айёр”, “Холбека” (1946), Умр Сафар ўғлидан “Зандигор” (1949), Абдулла Нурали ўғлидан “Алпомиш”, Тошмурод бахши Тўрабовдан “Майда савдогар”, Ҳамро Эргашевдан “Алпомиш”, Ниёз Алимқул ўғлидан “Юсуф ва Аҳмад”, Бекназар Раҳматовдан “Қорақум” дostonларини ёзиб олган.

Олима “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам (1958), “Тулнор пари” (1965), “Тулшанбоғ” (1966), “Авазхон” (1967), “Холбека” (1968), “Алибек ва Болибек” (1973), “Тўлғаной” (1974), “Чамбил қамали” (1978), “Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши” (1976), “Машриқо” (1988) дostonларини нашрга тайёрлаган, шунингдек, профессор Т.Мирзаев билан ҳамкорликда Нурали Нурмат ўғли ва Абдуғафур Шукуров каби эртакчилардан ёзиб олинган эртак, нақл, латифалар ҳамда Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Тўрўғли” туркум дostonларни чоп эттирган.

З.Хусаинова халқ шоирларининг ҳаёти ва ижодиёти, топишмоқларнинг тарихий асослари, жанр хусусиятлари, таснифи ва бадииятига доир илмий асарлар яратган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислom шоир ва Пўлкан шоир каби атоқли бахшиларнинг библиографияси ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидаги Ҳ.Зарифов номи Ўзбек фольклори архиви материалларининг манбалар кўрсаткичини тузган. У Эргаш Жуманбулбул ўғли адабий меросини нашр этиш ва ўрганишдаги хизматлари учун Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида сазовор бўлган.

Халқ театрини ўрганишни анъанавий оғзаки драмаларни ёзиб олишдан бошлаган М.Қодиров 1958 йилдан бошлаб Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг фольклор экспедицияси таркибида Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Ўш, Хоразм вилоятларида бўлиб, 300 га яқин халқ театри ижрочиларининг ижодий фаолиятини ўрганган, элликдан ошиқ профессионал ва ҳаваскор масхарабозлар билан ижодий суҳбатлар ўтказган, юзга яқин халқ драмаси, кулги-ҳикоя ва қизиқчилик намуналарини ёзиб олган, кўплаб пантомима, халқ рақслари ва томоша санъатига доир материаллар тўплаган. М.Қодиров томонидан йиғилган материаллар ўзбек халқ томоша санъатини ўрганишда янги йўналишларни очиб берди. Чунки илгари «ўзбек халқ театри» деганда фақат Фарғона водийси қизиқчилик санъати назарда тутилди, холос. М.Қодиров эса Республикамизда ўзбек халқ театрининг Бухоро, Қўқон ва Хоразм мактаби мавжудлиги ҳамда ҳар бир анъананинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлаган. У ўзбек халқ оғзаки драмасининг фольклор асари сифатидаги ўзига хос бадиий хусусиятлари, образлар тизими, халқ санъаткорларининг ижрочилик маҳоратини чуқур тадқиқ этиб, театр фольклоршунослиги йўналишига асос солган.

М.Қодиров ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб хотин-қизлар фольклор театри мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб берган. У 1958 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Ғўс қишлоғида яшовчи аёллардан ўттизта оғзаки драма ва кулги-ҳикояларни ёзиб олди ва аёллар халқ театрининг тарихий асослари, асосий йўналишлари, устоз-шогирд муносабатлари, ижро усуллари, оғзаки драмаларнинг воявий-бадиий хусусиятларини ўрганган. Ўзбек халқ санъатининг муқаллид, танқид, кулги-ҳикоя, масхарабозлик, қизиқчилик, кўғирчоқбозлик, от ўйин, аския, қарсак ўйин, муаллақчилик-дорбозлик, найрангбозлик

каби қадимий турларига доир бой материалларни тўплаб, тадқиқ этган. Ўзбек халқ театрини жонли актёр театри ва кўфирчоқ театрига бўлиб таснифлаган М.Қодиров “Лайлак илонни овлади”, “Юмронқозиқ”, “Кичкинажон”, “Кади бадбахт”, “Бува қовоқ”, “Теварак ўйин”, “Аждаҳо ўйин”, “Мавриги” каби халқ ўйинлари ҳамда Юсуфжон қизиқ, Уста Олим, Мулла Тўйчи, Тошканбой дарбоз, Карим чавандоз, Ака Бухор, Комил қори сингари халқ санъаткорларининг ижодий меросини ўрганган.

Ўзбек халқининг мусиқа меросини тўплаш билан изчил шуғулланган Ю.Ражабий 1955-59 йилларда ўзи тўплаган материаллар асосида мингдан ошиқ халқ кўшиқлари ва чолғу куйларини ўз ичига олган “Ўзбек халқ мусиқаси” мажмуасининг беш жилдини нашр эттирган. У Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Бухоро “Шашмақом”и ва унинг таркибий қисмларини тўплаб, мукаммаллаштириб нашрга тайёрлаган ҳамда 1966-75 йиллар давомида олти жилдлик китоб ҳолида чоп эттирган.

Фольклоршунос олим Р.Муҳаммадиевнинг ташаббуси ва иштирокида аския санъати материалларини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида махсус фольклор экспедициялари ўтказилган. 1961 йилда Фарғона водийсида иш олиб борган биринчи экспедицияда аския жанрининг тарқалиш доираси ва тарихий тараққиётини ўрганишга доир материаллар тўпланган, аския пайровлари ёзиб олинган. 1963 йилда ўтказилган иккинчи экспедиция чоғида машҳур аскиябозларнинг репертуари тадқиқ этилган. Устоз сўз санъаткорлари ҳақидаги хотиралар, ривоятлар, латифалар ва ўзбек аскиячиларининг ижодий мероси тўпланган. 1965 йилнинг ёзида эса Фарғона водийсининг шимолий туманларида, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги ёш аскиячилар ижодиёти ўрганилган.

Ўзбек халқ достончилигида бадий маҳорат масалаларини чуқур тадқиқ этган М.Саидов “Нурали”, “Зулфизар”, “Тулнор пари”, “Авазхон”, “Мисқол пари”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Су-

манбар”, “Зевархон”, “Варқа билан Гулшоҳ”, “Вомиқ ва Узро”, “Балхувон”, “Гулшанбоғ” достонларини чоп эттирган.

Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр эттириш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган Ж.Қобулниёзов Хоразм халқ достонлари ва кўшиқларини ёзиб олиб, халфалар ижодини ўрганган. Бола бахши Абдуллаевдан “Бозиргон”, “Авазхон”, “Ошиқ Маҳмуд”, Маҳмуд Юсуповдан “Ошиқ Маҳмуд”, “Сайёдхон ва Ҳамро” достонларини ёзиб олиб, 1966-70 йилларда чоп эттирган. 1966 йилда эса ўзи тўплаган халқ кўшиқлари асосида “Хоразм халқ кўшиқлари” тўпламини нашр эттирган.

Ўзбек фольклори асарларини тўплаш ва системалаштириш ишига катта ҳисса қўшган М.Муродов 1959 йилдан то 90-йилларнинг охиригача республикамизнинг турли вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, Юсуф Ўтаган ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Хусан бахши Ражаб ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Усмон Мадумар ўғли, Эшқобил Қўшоқ ўғли, Ҳазраткул Худойберди ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Хушвақт Мардонакул ўғли каби бахшиларнинг репертуарини ўрганган, юзлаб эртақ, ривоят, афсона, мақол ва топишмоқларни ёзиб олган. У “Тўрўғлининг туғилиши”, “Хиламан”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Тулруҳ пари”, “Қорақўз ойим”, “Жорхун мастон”, “Нурали” каби достонларни нашрга тайёрлаган. Ўзи ёзиб олган материаллар асосида “Алломалар ибрати” (1983) ривоятлар тўплами ва “Ўзбек халқ фантастикаси” силсиласидаги “Оймома аждаҳо” (1983), “Қора дев” (1984), “Ёнар дарё” (1985), “Илон пари” (1986) “Само тулпори” (1987), “Тулиқаҳқаҳ” (1988), “Олтин олма” (1989) каби эртақ мажмуаларини чоп эттирган.

XX асрнинг 40-80-йилларида Ҳ.Зарифов, М.Алавия, М.Афзалов, М.Тошпўлатова, З.Хусаинова, Ф.Кароматов, Ҳ.Раззоқов, Т.Ғозибоев, Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, М.Саидов, М.Қодиров, Ё.Жўраев, Т.Мирзаев, М.Муродов, Т.Очилов, Ғ.Жаҳонгиров, Р.Муҳаммадиев, Т.Ашуров, С.Асқаров, Ф.Султонова, А.Қаҳҳоров, С.Содиқов, К.Имомов, Б.Сарим-

соқов, Р.Абдуллаев, О.Мадаев, Т.Собитова, М.Қаландарова, С.Рўзимбоев, О.Сафаров, А.Мусақулов, И.Ёрматов, У.Жуманазаров, А.Турсунқулов, И.Бекмуродов, К.Очилов, А.Эргашев, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби ўзбек фольклоршунослари кенг кўламли фольклор тўшлаш ишлари билан машғул бўлдилар.

XX асрнинг 60-70-йилларида дostonчилик мактаблари, бахши-шоирлар эпик репертуари, халқ дostonларининг вариантлари ва бадиияти (Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, А.Қаҳҳоров, Т.Очилов, М.Саидов, М.Муродов, О.Мадаев, О.Собиров, Т.Ашуров), халқ кўшиқлари (М.Алавия), ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти (Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, С.Асқаров), аския, халқ драмаси ва қизиқчилик санъати (Р.Муҳаммадиев, Ҳ.Раззоқов, М.Қодиров), мусиқа фольклори (Ф.Кароматов), ўзбек халқ эртаклари (М.Афзалов, К.Имомов, Ф.Жалолов), топишмоқ (З.Хусаинова), болалар фольклори (Ф.Жаҳонгиров), латифа (Ф.Йўлдошева)га бағишланган йирик монографик тадқиқотлар яратилган.

1967 йилдан 1981 йилгача ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими томонидан «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясидаги еттита китобнинг тайёрланиб, нашр этилиши ўзбек фольклоршунослигининг назарий уфқларини янада кенгайтди. Фольклор бўлими ходимлари «Алпомиш» дostonининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилган регионал кенгаш (1953), Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросини тадқиқ қилиш ва чоп этиш (1972), Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва Ислом шоирларнинг 100 йиллиги (1973) ҳамда «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш (1999) муносабати билан салмоқли илмий ва илмий-оммабоп асарларни яратдилар.

Ўзининг илмий тадқиқотчилик фаолиятини таниқли фольклоршунос олим М.Афзалов раҳбарлигида бошлаган Комилжон Имомов дастлаб ўзбек сатирик ва юмористик эр-

такларининг жанр хусусиятлари, бадиияти ҳамда образлар таркибини ўрганган. Унинг ўзбек халқ эртакларининг тўпланиши, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи, хусусан, А.А.Кушакевич, А.Н.Самойлович, А.А.Диваев, Н.Остроумовлар фаолиятининг ўзбек эртақшунослиги тарихида тутган ўрни, халқ оғзаки бадиий ижодида сатира ва юмор, сатирик эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари, эртаклардаги анъанавий синов мотивининг генезиси ва эпик вазифалари, ўзбек халқ эртакларида комик ва ҳажвий қаҳрамон масаласи, эртаклардаги кал, Алдар кўса, Афанди образларининг ўзига хос табиати, генезиси ва характери, ўзбек сатирик эртакларида конфликт ва ижтимоий мотивлар масалаларини ўрганишга бағишланган илк мақолаларида фольклор асарларининг ғоявий-бадиий хоссалари ва эстетик табиати ўзига хос тарзда тадқиқ этилган.

К.Имомовнинг 1974 йилда босилиб чиққан «Ўзбек сатирик эртаклари» номли илк монографиясида халқ эртакларининг алоҳида тури ҳисобланган сатирик ва юмористик эртаклар тадқиқ этилган. Олимнинг «Ўзбек халқ прозаси»¹ номли монографик тадқиқоти фольклоримиздаги оғзаки насрий асарларнинг жанрлар таркибини кенг кўламда тадқиқ этишга бағишланган. Унда эртақ жанри ва унинг поэтикаси, ўзбек эртакларининг ички турларига хос характерли белгилари, айрим эпик сюжетлар ва анъанавий мотивларнинг генезиси очиб берилганлиги эътиборлидир. Афсона, ривоят ва матал (нақл) каби жанрлар эпик турга мансуб алоҳида жанрлар силсиласи сифатида ўрганилиб, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари ёритилган.

Олим ўзбек халқ эртакларидаги анъанавий мотивларнинг тарихий-генетик типологиясини тадқиқ этиб, ўзбек эпосидаги ғайритабиий туғилиш, синов, шарт, кураш, туш кўриш, қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши, қаҳрамонни оловда

¹ Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981.

куйдириш мотивларининг келиб чиқиши¹ қадимги мифологик тасаввурлар ҳамда эътиқодий қарашларга боғлиқлигини аниқлаган. Ўзбек фольклорининг кенг тарқалган мифологик персонажларидан бири ялмоғиз образининг генетик асослари эса матриархат даври мифологияси билан бевосита боғлиқлигини аниқлаган² К.Имомов тадқиқотлари қадимий маросимлар эпик мотивларни шакллантирувчи ритуал асос вазифасини бажарганлигини³ қиёсий-тарихий жиҳатдан тасдиқлади.

Афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда муштарак жиҳатлари, афсоналар таснифи, мифологик, тарихий ва топонимик афсоналарда ҳаётий воқелик ҳақидаги ахборотнинг эпик талқин қилиниши, мифологик афсоналарнинг образлар талқини ва қадимги тасаввурлар билан боғлиқлиги каби масалалар К.Имомов тадқиқотларида кенг ёритилган.

80-йиллардан бошлаб ўзбек маросим фольклори Б.Саримсоқов томонидан ўрганила бошланган. Олим ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби, таснифи, генезиси ва тарихий тараққиёти, ўзбек оилавий-маиший маросимлар фольклори, мавсумий маросимлар фольклори, сўз магиясига алоқадор бадик, кинна, олқиш ва қарғиш каби жанрларни тадқиқ этган.

Маросим фольклорини типологик аспектда ўрганган Б.Саримсоқов ўзининг бу йўналишдаги тадқиқотларини «Ўзбек маросим фольклори» (1986) номли монографиясида умумлаштирган. Мазкур асарнинг илмий қиммати шундан

¹ **Қаранг:** Имомов К. Ўзбек халқ эртақларининг тарихий асосларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. 1-сон. 36-41-бетлар.

² Имомов К. Ялмоғиз жодугар образи талқинига доир // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. - Тошкент, 1978. 77-89-бетлар; Яна ўша. Миф ва ялмоғиз // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. 3-сон; Яна ўша. Ялмоғиз ва ҳаёт // Илм сарчашмалари. 2001. 3-сон. 32-34-бетлар.

³ Имомов К. Этнография ва эртақ // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. 1-сон; Яна ўша. Қадимги никоҳ маросими ва эпос // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 4-сон. 23-28-бетлар; Яна ўша. Этнографический субстрат и богатырская сказка // Вопросы тюркологии. 2. - Ашхабад, 1988. С.118-122.

иборатки, унда «маросим» ва «маросим фольклори» тушунчаларининг моҳияти ойдинлаштирилган, ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби бир неча мезонлар асосида изчил таснифланган. «Яс-юсун», «Обло барака», «Шох мойлар», «Лола сайли», «Лой тутиш», шамол чақриш ва ёмғир ёғдириш билан боғлиқ маросим фольклори намуналари, сўз магиясига асосланган бадик ва кинна жанрлари тадқиқ этилган.

Б.Саримсоқовнинг «Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар» (1976), «Достонлар юзасидан текстологик қайдлар» (1976), «Орзигул» достони юзасидан бир неча қайдлар» (1978), «Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти» (1981) каби мақолаларида халқ эпосининг ўзига хос табиати, таснифи ва халқ достонларининг келиб чиқиши, тарихий-тадрижий тараққиёти, ғоявий-бадий хусусиятлари ўзига хос тарзда таҳлил қилинган.

Халқ оғзаки бадий ижодиёти билан ёзма адабий анъананинг ўзаро муносабатлари, яъни сўз санъатининг бу икки кўриниши орасидаги кўп қиррали иждодий таъсир ва бадий-эстетик алоқаларнинг қадимий асослари чуқур тарихий заминга эга.¹ Шунинг учун ҳам Б.Саримсоқов ёзма адабиёт билан халқ оғзаки поэтик ижоди орасидаги бадий-эстетик алоқадорликни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратган. Унинг «Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатига доир изланишлар» (1975), «Фольклоризмлар типологиясига доир» (1980), «О типологии фольклоризмов» (1984), «Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараённинг ҳозирги аҳволи» (1988) каби мақолаларида ёзма адабиётнинг фольклор билан тарихий-генетик алоқадорлиги масаласи тадқиқ этилган. Б.Саримсоқов фольклоризмларни характери ва поэтик табиатига кўра «оддий фольклоризм» ҳамда «мураккаб фольклоризм», типологик жиҳатдан эса фольклоризмлар аналитик,

¹ **Бу ҳақда қаранг:** Мирзаев Т. «Алпомиш» нашрининг ўзбек достончиларига таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965. 2-сон. 12-18-бетлар.

синтезлашган ва стилизация характеридаги фольклоризмларга каби турларга ажратган.¹

Ўзбек фольклоршунослиги мактаби вакиллари фольклор асарларини тўплаб, архивлаштириш ва илмий тавсифлаш борасида ўтган асрнинг 20-йилларидан буён изчил иш олиб боришмоқда. Ўзбек фольклорини тўплаш мақсадидаги илмий экспедициялар XX асрнинг ўрталаридан то ҳозирги кунга қадар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Экспедиция қамрови кенглигини шундан ҳам билса бўладики, турли йилларда Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримов, М.Алавия, З.Хусаинова, Ф.Жаҳонгиров, С.Қосимов, М.Муродов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқов ва бошқа олимлар бошчилик қилган фольклор экспедициялари мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, шунингдек, қўшни Республикаларнинг ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларида илмий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материаллар тўпладилар.

Бизнинг 1981 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани бўйлаб ўтказган фольклор экспедициямиз давомида ўзбекларнинг ёмғир ёрдириш мақсадида ўтказиб келинган маросимлари тизимининг муҳим ҳалқаси – «Чала хотин» маросими кўшиқлари, шунингдек, наврўз байрами билан алоқадор анъанавий «Сумалак бевити» удумига оид материаллар ёзиб олинди.

XX асрнинг 70-80-йилларида Қашқадарё (А.Қаҳҳоров, К.Очилов, Ч.Ҳамро, А.Эргашев), Бухоро (О.Сафаров, Д.Ўраева), Хоразм (С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, Н.Сабуров), Наманган (Т.Ғозибоев), Андижон (Ҳ.Раззоқов), Сурхондарё (Қ.Мамашукуров), Кўқон (Ф.Акрамов, И.Бекмуродов)да ўз илмий фаолиятларини олиб борган фольклоршунослар ўзбек халқ дostonларининг поэтикаси, вариантлари ва локал ху-

¹ Саримсаков Б. О типологии фольклоризмов // Фольклор, литература и история Востока. - Ташкент, 1984. С.270-272.

сусиятлари, дostonчилик анъаналарининг сақланиши ва етакчи бахшиларнинг бадий маҳорати, дostonларда туркумлилик, болалар фольклорининг ўзига хос табиати ва жанрлар таркиби, меҳнат кўшиқларининг бадийати, мифология ва бошқа мавзуларда йирик тадқиқотларни яратдилар.

Бу даврда уч жилдлик «Ўзбек фольклори очеркларининг икки томи нашр этилганлиги, эпик репертуарнинг ўзига хослиги, халқ бахшиларининг бадий маҳорати, халқ дostonчилигининг ҳудудий-локал табиати (Т.Мирзаев, М.Муродов, М.Қўшмоқов, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, О.Мадаев), халқ дostonчилигида туркумлилик (М.Мирзаева, М.Обидова, Қ.Мамашукуров), дostonлар поэтикаси (М.Саидов, С.Йўлдошева, Т.Зуфаров, Т.Ашуров), мифология ва унинг ўзбек фольклори эпик жанрларида тутган ўрни (Ф.Акрамов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев), ўзбек маросим фольклорининг жанрлар силсиласи, генетик асослари ва поэтикаси (М.Алавия, Б.Саримсоқов), эртак бадийати ва эпик сюжетлар типологияси (Ф.Жалолов, Х.Эгамов, К.Имомов, М.Жўраев), ўзбек болалар фольклори (Ф.Жаҳонгиров, О.Сафаров), ёзма адабиёт ва фольклор муносабати (О.Собиров, Ф.Мўминов, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов), ўзбек фольклори ва тарихий воқелик (М.Бобоев, У.Жуманазаров, С.Умаров)нинг тадқиқ этилганлиги, терма (А.Мусақулов, А.Турсунқулов), топишмоқ (З.Хусаинова), лирик кўшиқ (Ш.Турдимов), муסיқа фольклори (Ф.Кароматов, Р.Абдуллаев), ўзбек халқ оғзаки драмаси (М.Қодиров, Р.Муҳаммадиев) чуқур ўрганилганлиги ўзбек фольклоршунослигини янги босқичга кўтарди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида марказлашган ўзбек фольклоршунослиги мактаби халқ оғзаки бадий ижодиётини ўрганиш борасида энг етакчи илмий мактаблардан бири даражасига кўтарилди.

ЎЗБЕК ЭПОСШУНОСЛИГИ (Т.Мирзаев илмий ижоди мисолида)

Ўзбек филологиясининг атоқли намояндаси, аллома Ҳоди Зарифов асос солган ўзбек фольклоршунослиги мактабининг Марказий Осиёдаги энг етакчи илмий мактабларидан бири даражасига кўтарилишида улкан фан ташкилотчиси, эпосшуносликнинг кўплаб назарий масалаларини жаҳоншумул даражада ҳал қилган йирик олим Тўра Мирзаев илмий фаолияти алоҳида ўрин тутди. У 1936 йил 6 март кунини Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Чандир қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Саврак қишлоғида дунёга келди. 1943-1953 йилларда шу туманидаги Ибн Сино номли ўрта мактабда таҳсил олган Т.Мирзаев 1953 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) Тарих-филология факультетининг Ўзбек тили ва адабиёти бўлимини тамомлаган.

Ўзининг фольклоршунослик фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Т. Мирзаев халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини ёзиб олиш ва системалаштириш борасида муайян тажрибага эга бўлган истеъдодли мутахассис сифатида 1961-1964 йилларда аспирантурада таҳсил олиб, атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифов раҳбарлигида “Алпомиш” дostonининг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Эгамберди бахши, Ҳамроқул бахши, Мурод Отабой ўғли, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Амин жиров, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир шоир Сафар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Ҳамро Эргаш ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Ҳайдар санновчи, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Матназар Жаббор ўғли, Аҳмат соқи, Бўри Содиқ ўғли каби бахшилардан турли йилларда ёзиб олинган ўттизга яқин вариантларини қиёсий таҳлил қилди.

Фольклор асарларини барча тур ва жанрлар асосида

яхлит тадқиқ этишнинг илмий методларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган Т.Мирзаев ўзининг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини ўрганишга доир изланишларини умумлаштириб, 1965 йилда “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу илмий тадқиқот А.Абдунабиев билан А. Степановларнинг 1952 йилда чоп этирилган машъум мақоласидаги ғайриилмий ёндошув натижасида сиқувга олинган ва ўзбек миллатининг нодир адабий дурдоналарини алпларча ҳимоя қилган аллома Ҳоди Зарифнинг ташаббуси билан 1956 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳамда Москвадаги М.Горький номли Жаҳон адабиёти институтлари ҳамкорлигида ташкил этилган регионал кенгаш хулосаларига кўра жиддий тадқиқ этилиши мақсад қилиб қўйилган “Алпомиш” дostonини ўрганишнинг ажойиб намунаси сифатида эътироф этилди.¹ Зеро, Т.Мирзаев ўз фаолияти давомида бу дostonни бахшилардан қайта ва қайта ёзиб олиб, илмий ўрганишни изчил давом эттирди,² кўплаб вариантларини биринчи бўлиб чоп эттирди, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган намунанинг илмий-академик нашрини³ амалга оширди, дoston матнининг бошқа тилларга ўгирилган таржималарини⁴ нашр эттириб, ўзбек

¹ Қаранг: Камолов Ж. Фольклоршунос олим // Бухоро ҳақиқати, 1965, 22 июнь; Сафаров О. Тўра Мирзаев. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2006. 22-65-бет.

² Мирзаев Т. «Алпомиш» нашрининг ўзбек дostonчиларига таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965. 2-сон. 12-18-бетлар; Яна ўша. «Алпомиш» дostonининг ғоявий йўналиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965. 3-сон. 21-24-бетлар; Яна ўша. «Алпомиш» дostonи вариантларидаги бир хусусият тўғрисида // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1970. 49-50-бетлар; Яна ўша. “Алпомиш” дostonининг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. 6-сон. 34-37-бетлар; Яна ўша. “Алпомиш” дostonи, унинг версия ва вариантлари // “Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. 3-24-бетлар.

³ Алпомиш. Тадқиқот, матн, изоҳлар. Академик нашр. – Тошкент: Фан, 1999.

⁴ Алпамыш. (Вступительная статья, подготовка текста и примечания Т.Мирзаева). – Л., 1982; Алпамыш. Вступительная статья, подготовка текста и словарь Т.Мирзаева. – Ташкент: Фан, 1998; Alpamis destani. – Ankara, 2000.

халқ қаҳрамонлик эпосини дунё халқлари маданиятининг беназир бадий қадриятларидан бирига айлантди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига кўра 1999 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари доирасида жаҳоннинг етакчи фольклоршунос олимлари иштирокида “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзудаги халқаро конференция бўлиб ўтганлигини ҳам профессор Тўра Мирзаев илмий тадқиқотларининг ўзига хос сарҳисоби дейиш мумкин.

Т. Мирзаев ўзининг “Алпомиш” достонига бағишланган номзодлик диссертацияси билан эпоснинг халқ оғзаки бадий ижодида тутган ўрни, достонларнинг тарқалиш ареали ва тараққиёт қонуниятлари, эпик сюжет ва анъанавий мотивлар генезиси каби масалаларни муайян достоннинг миллий версия ва вариантлари асосида текширишдан иборат янги йўналишга назарий замин яратди. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот жаҳоннинг кўплаб йирик олимлари, жумладан, XX асрнинг атоқли филолог олими академик В.М.Жирмунскийнинг жуда юксак баҳоси ва муносиб эътирофига сазовор бўлди. У диссертация автореферати билан танишиб чиққач, Т.Мирзаевга қуйидаги хатни ёзган эди: “Сиз мазкур ишингиз билан энг машҳур ўзбек достонларини барча вариантлари бўйича тадқиқ қилишдек янги йўналишга пойдевор қўйгансиз. Бу эса ўзбек халқ ижодини ҳар томонлама ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблайман. Ўзбеклар орасида “Алпомиш” достонининг икки типи мавжудлигини кашф этганлигингиз менда катта қизиқиш уйғотди. Чунки достоннинг Бўри баҳши версияси сифатида тавсифланган типи менга маълум эмас эди. Шу боис тадқиқотингизнинг бу хулосаси мен учун жиддий янгилик бўлди”.

Дарҳақиқат, нафақат ўзбек, балки туркий халқлар фольклоршунослигида эпос назариясига доир илмий қарашларни

тубдан ўзгартириб юборган бу диссертация 1968 йилда “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари” номи билан китоб ҳолида нашр этилди.

Т.Мирзаев дунё фольклоршунослигида илк бор ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосининг классик намунаси ҳисобланган «Алпомиш» достонини тўла ўрганиб, бу эпик асарнинг ўзбек бахшилари репертуарида қайд қилинган барча вариантларини қиёсий тадқиқ этиш асносида достоннинг ўзбек халқи эпик тафаккури тараққиётида тутган муҳим ўрнини белгилаб берди. Олим достон сюжетининг тарихий асослари, шаклланиш босқичлари ва бадий ривож, сюжет тизимидаги етакчи мотивлар поэтикасини изчил ўрганиб, «Алпомиш» достони яратилган даврни аниқлаб берди. Жуда бой тарихий, этнографик ва филологик далилларга асосланган Т.Мирзаев «Алпомиш» достонининг мукамал эпик асар сифатидаги шаклланиш даври X-XI асрларга оид деб белгилаши жаҳоннинг кўплаб нуфузли илмий марказлари томонидан эътироф этилган. Т.Мирзаевнинг «Алпомиш» достони ҳақидаги тадқиқотлари Германия, Туркия, Россия каби мамлакатларда чоп этирилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.¹

Т.Мирзаевнинг илмий қизиқишлари асосан ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиияти, эпосшунослик, достончилик мактаблари ва халқ бахшиларининг эпик репертуари, фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки бадий ижоди асарларини тўплаб, системалаштириш ва нашр этиш, фольклор матншунослиги ҳамда

¹ Мирзаев Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» // Туркология материаллари. - Бохум, 1984 (немис тилида); Яна ўша. Вопросы сравнительного изучения «Алпамыш» и «Алып-Манащ» // Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. - Горно-Алтайск, 1986. С.110-112. Яна ўша. “Alpamis” destani uzerinde arastirmalar // Uluslar arasi turk dunyasi halk edabiyati kurultayi. - Ankara, 2000. S.58-59; Яна ўша. Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари // Карл Райхл. Ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”. - Вайсбаден, 2001. 77-107-бетлар (немис тилида); Яна ўша. “Alpamis” destanining ogrenilmesi // Uluslari turk dunyasi halk edebiyati kurultayi bildiriklari. Ankara, 2002. S.545-547.

бугунги тарихий-фольклорий жараён масалаларига қаратилди.

Ўзбек халқ бахшилари ва дostonчилик мактабларининг эпик анъаналарини узоқ йиллар мобайнида ўрганган Т.Мирзаев “Дostonчилик мактаблари” (1973), “Бахшилар” (1975), “Пўлкан шоир ҳақида сўз” (1976), “Ўзбек халқ дostonчилиги ва Ислом шоир” (1978) каби мақолаларида дostonчилик мактаблари ва улар ўртасидаги ижодий алоқалар, халқ бахшилари эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориш қонуниятлари, бахши ижрочилигининг бадий ҳодиса сифатидаги хоссалари кенг ёритиб берди. Бу тадқиқотлар яратилгунга қадар фольклоршуносликда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Хоразм дostonчилик мактаблари маълум эди, холос. Фольклор экспедицияларида тўпланган янги материалларга асосланган Т.Мирзаев бу дostonчилик мактабларидан ташқари Нурота, Нарпай, Шеробод, Қамай, Пискент, Жанубий Тожикистон каби бошқа бахшичилик мактаблари ва бир неча хил услубий йўналишлар мавжудлигини аниқлаб, ҳар бир мактабга мансуб бахшилар репертуари, ижро усули, шогирд тайёрлаш анъаналари ва ижро этадиган ўзига хос эпик асарлари хусусида муфассал маълумот берганлиги ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим янгилик бўлди.

Туркий фольклоршуносликда биринчи марта бахши ижрочилиги ва ижодкорлигининг дostonчилик мактаблари амалиётидаги ўрнига илмий-назарий жиҳатдан баҳо берган тадқиқотчи бахшиларнинг эпик асарларни куйловчи, яратувчи ҳамда анъанани сақловчи сифатидаги вазифаларини очиб берди. Бахши ва тингловчилар аудиториясининг ўзаро муносабатлари, бахшининг ижро ва ижодий йўналиши, дoston айтиш усули ва поэтик маҳорати, эпик хотира ва эпик билимнинг эпик анъана тараққиётидаги аҳамияти каби масалалар фундаментал даражада тадқиқ этилди. Халқ дostonлари таснифотини янада мукаммал-

лаштиришга катта ҳисса қўшган Т.Мирзаев дostonларнинг тарихий тараққиёти босқичларини аниқлади ва халқимиз эпик тафаккурининг ҳар бир даврдаги ўзига хос ривожланиш тамойилларини тавсифлади.¹

Унинг ўзбек халқ бахшиларининг поэтик маҳорати, бахшининг эпик асарларни ижро этувчи, янгиловчи ва дostonчилик анъаналарини давом эттирувчи сифатидаги ўзига хослигини ўрганишга оид илмий кузатишлари асосида дostonчилик мактабларининг эпик анъаналарини тадқиқ этишга бағишланган монографияси юзага келди.² Ўзбек эпосшунослиги методологияси масалалари изчил ёритилган бу китобда дostonчиликда вариант ва версия масалалари, бахшиларнинг эстетик қарашлари, устоз-шогирдлик муносабатлари ва бахши репертуари чуқур тадқиқ этилди. Олим ўзбек эпосининг бадий қадрият сифатидаги ўзига хослигини эпик тафаккурнинг тараққиёт қонуниятлари тизимида очиб беришга эришди.

Т.Мирзаев ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, тарихий-фольклорий жараённинг ҳозирги ҳолати, эртақ, мақол, қўшиқ, лапар каби фольклор жанрларининг поэтик табиати, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган.

Т. Мирзаев ўзбек фольклоршунослигининг ривожланиш қонуниятларини белгиловчи етакчи илмий-назарий концепцияларни аниқлаб, ҳар бир босқичга хос бўлган тараққиёт мезонларини кенг кўламда таҳлил қилди. Фольклор илмининг юзага келиш тарихи, халқ оғзаки бадий ижоди асарларини ўрганишнинг усул ва методлари, фольклоршуносликдаги асосий илмий мактаб ва йўналишлар

¹ Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. 9-61-бетлар.

² Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979.

тадқиқ этилди.¹ Олимнинг Ҳоди Зарифов, Буюк Каримий, В.М.Жирмунский, Мансур Афзалов, Қалли Айимбетов, Қобил Мақсетов, Ҳошимжон Раззоқов, Исмоил Сағитов, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусайнова, Жуманиёз Қобулниёзов, Фаффор Мўминов, Охунжон Сафаров, Ёқубжон Жўраев, Комил Имомов, Сафарбой Рўзимбоев, Ҳамдам Абдуллаев, Шоназар Шоабдурахмонов, Мақсуд Абдурахимов, Баҳодир Саримсоқов ва бошқа олимларнинг илмий-ижодий фаолияти таҳлилига доир мақолалари ўзбек фольклоршунослиги тарихини яратиш йўлидаги муҳим босқичлар саналади.

Т. Мирзаев Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросининг «Булбул тароналари» номли ўзбек тилидаги беш томлиги ва «Песни Булбуля» номи билан чиқарилган русча уч томлиги чоп этирилишида масъул муҳаррир ҳамда тузувчи сифатида фаол иш олиб борди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдлигининг ўттиз етти китоби босмадан чиқди. Бу силсилага кирувчи «Алпомиш» (1979), «Эрали ва Шерали» (1987), «Юсуф ва Аҳмад» (1987), «Малика айёр» (1988), «Ўзбек халқ мақоллари» (1989), «Луқмони ҳаким» (1989), «Нурали» (1989) каби жилдларнинг чоп этирилишида нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррир сифатида иштирок этди. Бундан ташқари, «Жонодил» (1970), «Одилхон» (1971), «Авазхоннинг ўлимига ҳукм қилиниши» (1976), «Нуралининг ёшлиги» (1993), «Тўрўғлининг туғилиши» (1994), «Райҳон араб» (1994) дос-

¹ *Бу ҳақда қаранг:* Мирзаев Т. Ўзбек фольклоршунослиги мактаби // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. 5-сон. 15-20-бетлар (М.Муродов, М.Саидовлар билан ҳамкорликда); Яна ўша. Узбекская фольклористика за 50 лет // Юбилейная научная сессия АН Республики Узбекистан. – Ташкент, 1967. С.178-179; Яна ўша. Ўзбек фольклористикаси тараққиёти тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. 6-сон. 24-32-бетлар; Яна ўша. Ўзбек фольклорини ўрганишнинг асосий натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. 5-сон. 45-49-бетлар; Яна ўша. Фольклористика ютуқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. 4-сон. 6-9-бетлар; Яна ўша. Ўзбек фольклоршунослиги янги босқичда // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. 6-сон. 15-20-бетлар; Яна ўша. Фольклор бўлими // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 1-сон. 3-9-бетлар.

тонларини Т.Мирзаев нашрга тайёрлади. Унинг ташаббуси билан «Ўзбек халқ дostonлари» кўптомлигига кирувчи ўнлаб асарлар китобхонларнинг севимли асарига айланди. «Ўзбек халқ мақоллари»нинг бир нечта алоҳида мажмуа ҳолидаги нашрлари ҳамда икки жилдлик академик нашри чоп этирилди. Фольклор асарларини нашр этиш борасида катта ижодий тажриба тўплаган олим «Алпомиш» дostonининг бешта баҳши варианты ва Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» дostonларининг мукаммал нашрини тайёрлади. Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб ҳар бир фольклор ижрочисининг ижодий меросини тўла нашр этишининг илмий принципларини ишлаб чиқди.

Профессор Т.Мирзаев фольклоршуносликнинг назарий-методологик асосларини белгиловчи жиддий илмий асарлар яратиш билан бир қаторда, XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор экспедицияси раҳбари сифатида Ўзбекистонда фольклор асарларини тўплаш ва системалаштиришдек эзгу ишга ҳам етакчилик қилади. У бошчилик қилган илмий экспедиция мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, қўшни мамлакатларнинг ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларида илмий сафарда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид нодир маънавий қадриятларни тўпладилар.

Ҳар бир экспедицияда фаол иштирок этган Т.Мирзаев фольклоршуносликдаги илмий қарашларни бойтадиган, янгилайдиган ва тўлдирадиган қизиқарли материалларни тўплади. Жумладан, 1963, 1974, 1977 йилларда Жанубий Тожикистон бўйлаб ўтказилган экспедициялар давомида ўзбек-лақай бахшиларининг ўзига хос дostonчилик анъаналари ўрганилган бўлса, 1972 йил 21-23 июль кунлари қашқадарёлик Ҳазратқул бахши Худойбердиев, Бозор Омонов каби ижрочилар орқали Қамай дostonчилик мактабига хос

етакчи эпик асарлар аниқланди. 1969 йилги фольклор экспедициясининг раҳбари сифатида Чимкент вилоятига йўл олган Т.Мирзаев асли Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида яшовчи 34 яшар Кумри Аҳмедова, 76 ёшли Кумри Неъматова, 73 яшар Унсин Ғойибова, 65 яшар Тожи Раҳматуллаева, Қозигурт қишлоғилик 62 яшар Ҳасан Норалиев, Султонрабоб қишлоғида яшовчи 62 яшар Ойимбуви Абдурасулова ва бошқа ижрочилардан лапар, шунингдек, халқ орасида “ҳаққоналар”, “кўҳналар” номи билан машҳур бўлган қадимий халқ кўшиқларини ёзиб олди. Бу материаллар ўзбек маросим фольклорининг қиш фасли билан алоқадор жанрларини тадқиқ этиш, шунингдек, лапар жанрининг ўзига хос жанр хусусиятлари, ижро ҳолати, тўй маросим фольклоридаги ўрни ва бадиияти масалаларини ўрганиш учун манба бўлди.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ

Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган фольклор анъаналарини ўрганиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берила бошланди. Натижада, дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган халқимиз яратган қадимий кўшиқлар, маросим ва анъаналар бугунги кунда ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айлантирилди.

Миллий мустақиллик халқимизнинг ўз боболари заковати туфайли яратилган улкан маданий меросга бўлган муносабатини тубдан янгилаб, аждодларимиз тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари тизимини кенг қўламда тарғиб этишнинг мисли кўрилмаган имкониятларини очиб берди. Истиқ-

лол шарофати билан дунёқарашимизда, онгимизда рўй берган янгиланиш, руҳий покланиш ва маънавий тикланиш жараёни фольклор санъатининг тараққиётида ҳам яққол акс эта бошлади. Зеро, фольклор санъати анъаналари “мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс-комил инсонни тарбиялаш”¹ дек улуввор мақсадларга хизмат қилади.

Бугунги тарихий-фольклорий жараён ўзига хос тараққиёт тамойилларига эгаллиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин бошланган кенг қўламдаги маънавий тикланиш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, бадиий сайқал бериб келинган муҳташам фольклор ёдгорликларининг жаҳоншумул аҳамияти хусусида сўз юритиш, халқ ижодиётининг унутулиш арафасига келиб қолган кўплаб жанрларини қайта тиклаш, ижрочилиқ анъаналарини ривожлантиришнинг мисли кўрилмаган имкониятлари юзага келди. Натижада жойларда фаолият олиб бораётган фольклор-этнографик жамоалар сони кўпайди, нафақат, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятида, балки бахшичилик мактабларининг жонли анъаналари йўқолиб кетган деб ҳисобланган Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам бахши-шоирлар етишиб чиқа бошлади. “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари кенг нишонланиши ва бахши-шоирлар ҳамда оқинларнинг кўрик-танловлари анъанавий тарзда ўтказиб келинаётганлиги ҳам кўплаб янги ижрочиларни кашф этиш билангина чекланиб қолмасдан, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли”, “Орзигул”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” сингари анъанавий дostonларнинг янги вариантлари юзага келишига йўл очди. Бахши-шоирлар ҳур диёримизда истиқ-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 25-бет.

лол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини тараннум этувчи термаларни яратдилар. Ўзбек маросим фольклори, аскиячилик, қизиқчилик, томоша санъати, халқ хунармандчилигининг қадимий анъаналари тикланди.

Миллий истиқлол ўзбек фольклори асарларини барча ҳудудлар бўйича изчил тўплаш ва системалаштириш бора-сидаги ишларни жадаллаштириб юборди. Бу даврда Ўзбекистонда фольклор тўпловчилик ишлари ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими (Т.Мирзаев, М.Жўраев, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Л.Худойқулова, М.Пирматова, Х.Холова) Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти (Р.Абдуллаев, И.Абдурахмонов), Тошкент давлат маданият институти Халқ ижодиёти кафедраси (М.Муродов, Ғ.Жалолов, Т.Ашуров, С.Йўлдошева, Н.Қосимов), Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида (Ў.Тоҳиров, М.Қозоқбоев) изчил давом эттирилди. Бундан ташқари, халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини ёзиб олиш ишлари Ўзбекистон миллий университети (О.Мадаев, Т.Собитова), Бухоро давлат университети (О.Сафаров, Д.Ўраева, С.Авезов, Р.Саидова), Урганч давлат университети (С.Рўзимбоев, Ж.Юсупов, С.Сориев, Н.Куронбоева), Қарши давлат университети (А.Эргашев, Д.Халилова), Андижон давлат университети (С.Мирзаева), Жиззах давлат педагогика институти (У.Жуманазаров), Термиз давлат университети (Р.Мустафоқулов), Тошкент вилоят давлат педагогика институти (М.Бобоев, И.Ёрматов, Ф.Эшбоева), Навоий давлат педагогика институти (О.Қаюмов, Ф.Нурмонов, У.Сатторов), Қўқон давлат педагогика институти (И.Бекмуродов) да ҳам амалга оширилди.

Собиқ шўролар мафкурасининг тазйиқи туфайли ёзиб олинishi мушкул бўлган айрим жанрлар, жумладан, маросим фольклорининг кўплаб намуналари тўпланди. Масалан, «ё рамазон» кўшиқлари, никоҳ тўйи маросимида ижро эти-

ладиган фотиҳа олқишлари, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сингари улуг юртдошларимиз тўғрисидаги тарихий ривоятлар, жой номлари, қадимий шаҳарлар, қалъалар, зиёратгоҳлар, муқаддас мазорлар ва қадамжолар билан боғлиқ афсоналар, халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари ҳамда мифлари ёзиб олинди. Истиқлол йилларида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими ходимлари томонидан бир нечта фольклор экспедициялари ўтказилди. Хусусан, М.Жўраев Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари аҳолисининг табиат ҳодисалари ва осмон ёритқичлари билан боғлиқ мифологик қарашларини тўплади; М.Жўраев, У.Сатторов, Р.Саидовлар Бухоро ва Навоий вилоятларидан топонимик афсоналарни ёзиб олдилар; М.Жўраев ва М.Пирматованинг кўп йиллик изланишлари натижасида Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қирғизистон республикасининг Ўш вилоятида истиқомат қилувчи ўзбекларнинг анъанавий тақвимига оид бой фольклор материаллари ёзиб олинди. Фольклор бўлимининг илмий ходимларидан Х.Холова Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларида илмий изланиш ишлари олиб бориб, тўй маросим кўшиқларини тўплаган бўлса, Л.Худойқулова Сурхонвоҳаси аҳолисининг бола туғилиши билан алоқадор ирим-сиримлари, бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйи маросими фольклорини ёзиб олди.

Истиқлол шарофати туфайли ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивига мамлакатимизнинг бой маданий меросини ўзида мужасамлаштирган ноёб илмий объектларидан бири мақоми берилди. Фольклор архиви мамлакатимизнинг етакчи илмий фондларидан бири бўлиб, унда сақланаётган материаллар ўзбек филологиясининг тараққиётини белгиловчи йирик илмий ишларнинг яратилиши учун манба бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин фольклор асарларини нашр этиш борасидаги ишлар ҳам сифат, ҳам миқдор, ҳам қамров жиҳатидан ўсди. Кўшгина достонлар, халқ китоблари илк бор нашр эттирилди. «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан профессор Т.Мирзаев бу достоннинг Берди бахши, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли вариантларини 1999 йилда алоҳида китоблар ҳолида тўла нашр эттирди. У фольклоршунослик амалиётида биринчи маротаба «Алпомиш» достони Фозил Йўлдош ўғли вариантнинг матнини рус тилига қилинган илмий-адабий таржимаси билан биргаликда академик нашрга тайёрлаб, чоп эттирди.

Т.Мирзаев ва З.Хусаинова халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонларни тўла нашрга тайёрладилар ва унинг асосий қисми «Гўрўғлининг туғилиши» (1996), «Авазхон» (1997), «Гўрўғли достонлари» (2006) номи билан нашр этилди. 2006 йилда эса Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» достонлари тўла ҳолда нашр этилди. Бундан ташқари, 2006 йилда М.Жўраев ва Ҳ.Эшчоновлар томонидан ўзбек эпосининг қадимий намуналаридан бири – «Эдига» (Тулумхўжа) достони, 2007 йилда эса «Рустамхон» достони (нашрга тайёрловчи: Ж.Эшонкул) нашр этилди.

Ўзбек халқ эртақларининг бир нечта тўпламлари дунё юзини кўрди. Жумладан, К.Имомов «Ўзбек халқ эртақлари»-ни лотин ёзувида чоп эттирди (2000). 2007 йилда уч жиллик «Ўзбек халқ эртақлари» мажмуаси нашрдан чиқди. Шунингдек, К.Имомов «Дев қиз. Ўзбек халқ эртақлари» (1992), «Минг бир кулги. Ўзбек халқ эртақлари» (1994), «Сичқон қиз. Ўзбек халқ эртақлари» (1998), «Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртақлари» (2000), «Жўжа билан тулки. Ўзбек халқ эртақлари» (2005) каби тўпламларни нашрга тайёрлаб чоп эттирди.

Ж.Юсупов тўплаган «Хоразм эртақ, ривоят ва нақллари» (2005), Т.Ғозибоев ёзиб олган «Наманган эртақлари» (2005) тўпламлари ҳам ўқувчилар қўлига етиб борди.

Ўзбек фольклоршунослари, афсона ва ривоятлардан тузилган фольклор тўпламларини чоп эттирдилар. Хусусан, «Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 1991 йил), «Ипак йўли афсоналари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 1993 йил), «Предание гласит» (нашрга тайёрловчи: М.Абдураҳимов, 1994 йил), «Боболардан қолган нақллар» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 1998 йил), «Бухоро афсоналари» (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев ва Р.Саидова, 2002 йил) каби тўпламлар мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутди.

Истиқлол туфайли маросим фольклорининг илгари нашр этилмаган ёки қисман оммалаштирилган намуналари чоп эттирилди. Хусусан, ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта наврўз байрами билан боғлиқ ўзбек фольклори асарларидан тузилган «Наврўз» китоби (тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев, 1992 йил), йилбоши байрами ва баҳорий удумлар билан алоқадор урф-одат ҳамда маросимлар, унда ижро этиладиган қўшиқлар таҳлилига бағишланган «Наврўз қўшиқлари» (М.Жўраев, 2007 йил), йилбоши тарихи, удумлари ва фольклорини тадқиқ этишга доир «Наврўз байрами» (М.Жўраев, 2009) китоблари халқимизнинг табиат ҳодисалари билан алоқадор инонч ва таъбирларни жамланган «Об-ҳаво даракчилари» тўплами (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 1996 йил), «Улуғ ой умидлари. «Ё рамазон» қўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев ва Ш.Шомусаров, 2001 йил), ўзбек дафн ва таъзия маросимлари фольклори намуналаридан таркиб топган «Бўзлардан учган ғазал-ей» (нашрга тайёрловчилар:

О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005 йил) сингари китоблар халқимизнинг маросим фольклорини тўла нашр этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, фольклористик изланишлар самараси ўлароқ «Остонаси тиллодан. Тўй маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Мирзаева, А.Мусақулов, 1993 йил), «Қизил гулнинг гунчаси. «Келин салом»лар» (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев ва О.Исмонова, 1999 йил), «Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 2000 йил), «Тўй муборак ёр-ёр» (нашрга тайёрловчи: О.Сафаров, 2003 йил), «Сарчашмадан томган инжулар. Сурхон воҳаси ўзбек тўй маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: Л.Худойкулова, 2007 йил) каби фольклор тўпламлари нашрдан чиқди.

Фольклор бўлими ходимларининг хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар ва олий ўқув юртлари билан илмий алоқалари ҳам яхши самара бермоқда. Айниқса, Германиядаги Бонн университети профессори Карл Райхелнинг Фольклор бўлими билан ижодий алоқалари самараси ўлароқ бир қатор ўзбек халқ эртаклари ва «Алпомиш» достонининг немис тилига қилинган таржимаси нашрдан чиқди. Алишер Навоий ҳақидаги ўзбек халқ тарихий ривоятларининг М.Жўраев нашрга тайёрлаган мажмуаси 1996 йилда Бокуда озарбайжон тилида чиқди. Фольклор бўлимида ўз илмий малакасини оширган Фелиз Қирбош ўғли (Туркия) «Гўрўғлининг туғилиши» достонини, Селами Фидокор (Туркия) эса «Рустамхон» ва «Эрали ва Шерали» достонларини турк тилига таржима қилиб нашр эттирди. Шунингдек, Туркияда ҳам «Алпомиш» достони босилиб чиқди. Япон олими Херокининг «Туркий халқлар қаҳрамонлик эпоси» китоби (2002) Токиода, Карл Райхелнинг «Туркий халқлар эпоси» китоби (2002) Анқарада босилиб чиқди. 2007 йилда профессор Т.Мирзаев ҳамда Ж.Эшонқул томонидан нашрга тайёрланган «Ойчинор», «Эрали ва Шерали» дос-

тонлари Туркияда чоп этирилди.

Ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва унинг энг мукаммал мажмуасини яратиш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилди. Натижада 2005-2006 йилларда Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақуловлар томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек халқ мақоллари»нинг крилл ва лотин алифбосидаги нашри «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босмадан чиқарилди.

1999 йилда Термиз шаҳрида «Алпомиш» достони ва унинг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий анжуман ўтказилди. Илмий конференция материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида босмадан чиқарилди. Ўша йили «Алпомиш» достонига бағишланган энг яхши тадқиқотларнинг натижалари «Фан» нашриётида чоп этирилган «Алпомиш» - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» номли илмий тўпламда ўз аксини топди.

Истиқлол йилларида «Алпомиш» достонининг шаклланиш тарихи ва поэтикаси (Т.Мирзаев, М.Муродов), ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари (А.Мусақулов), ўзбек халқ достонлари поэтикаси (И.Ёрматов, С.Мирзаева, Ж. Эшонқулов); фольклор-этнографик жамоалар ижодиёти ва унинг ҳозирги тарихий-фольклорий жараёндаги ўрни (С.Йўлдошева), ўзбек мифологияси (М.Жўраев, Т.Ҳайдаров, Т.Раҳмонов, Ш.Шомусаров), дев, ялмоғиз, пари, илон-аждар, Хизр каби мифологик образлар (Ж.Эшонқулов, Б.Жуманиёзов, О.Қаюмов, Д.Файзиёва, Ф.Нурмонов), «Гўрўғли» туркуми достонларининг тарихий илдизлари, типологияси ва бадиияти (Ш.Турдимов, С.Сориев), афсона ва ривоятлар (К.Имомов, М.Жўраев, У.Сатторов, М.Раҳмонова, Р.Саидова, З.Жумаев), лингвофольклористика (М.Ёқуббекова, М.Жуманиёзова, Ж.Холмуродова), болалар фольклори (О.Сафаров, Н.Қурбонова, Ш.Ғалиев, С.Авезов, Ҳ.Рўзметов, Н.Сафарова), халқ кўшиқлари (К.Очилов, Н.Қосимов, Н.Шомаматов), тарихий воқелик ва фольклор (У.Жуманазаров, Б.Бобоев, С.Умаров), топишмоқ-

лар генезиси (М. Жўраева) фундаментал тадқиқ этилди.

Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги аввало, унинг урф-одатлари ва маросимларида намоён бўлади. Шунинг учун мустақиллик йилларида ўзбек фольклоршунослигида маросим фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиий хусусиятлари, айниқса, илгари кам ўрганилган жанрларни тадқиқ этиш тамойили кучайди. Профессор Т.Мирзаевнинг «лапар» жанрининг ўзига хос бадиий табиатига доир мақоласи (1998), С.Мирзаеванинг афсун-авраш жанрига оид монографик тадқиқотлари (1993-2005), О.Исмонованинг Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг жанрлар таркиби ва унда «келин салом» жанрининг тутган ўрнига доир тадқиқоти (1999), С.Давлатовнинг Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросим фольклорига бағишланган илмий иши (1996), Н.Қуронбоеванинг Хоразм тўй маросим қўшиқларини ўрганиш борасида олиб борган тадқиқотлари (1994), Р.Абдуллаевнинг маросим фольклори жанрларининг Марказий Осиё халқлари мусиқа фольклори тизимида тутган ўрнига оид изланишлари (2007), О.Сафаров, М.Жўраев, Ш.Шомусаров, З.Қаюмов, М.Пирматоваларнинг «ё рамазон» жанрига оид тадқиқотлари; Л.Худойқулованинг Сурхон воҳаси аҳолиси тўй маросим фольклорининг локал хусусиятлари ва ўзига хослигини очиб беришга қаратилган изланишлари (2005-07), М.Жўраев, М.Пирматоваларнинг ўзбек халқ тақвими ва мавсумий маросимлар фольклори жанрларини ўрганишга оид илмий тадқиқотлари (1997-2007), О.Қаюмовнинг ўзбек шомон маросимлари фольклорини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш борасидаги ишлари (2006), бухоролик олима Д.Ўраеванинг ўзбек мотам маросими фольклорининг генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикасига бағишланган монографик тадқиқоти (2005), Ф.Эшбоеванинг ўзбек халқ қарғишларига доир диссертация иши (2008) муҳим илмий қимматга эга.

Халқ дostonларининг вариантлари ва версияларини

қиёсий тадқиқ этиш орқали фольклорнинг миллий ўзига хослигини кўрсатишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Бу йўналишда Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ҳозирги ҳолати ва бахшилар репертуари (А.Эргашев, Н.Очилов), «Юсуфбек ва Аҳмадбек» (Р.Жуманиёзов) «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (Г.Эшчонова), «Ширин билан Шакар» (Н.Мадраҳимова), «Хурлиқо ва Ҳамро» (И.Диванова), «Ёзи билан Зебо» (Д.Халилова), «Оллоназар-Олчинбек» (Ш.Қаҳҳорова) дostonлари вариантларининг қиёсий тавсифи, генезиси ва поэтикасига доир тадқиқотларни эслатиб ўтиш лозим.

Истиқлол йилларида ўзбек эртақшунослиги янги босқичга кўтарилди. Фольклоршунос олим К.Имомов ўзбек халқ насрининг жанрлар таркибини таснифлашнинг илмий мезонларини баён қилди, эртақ ва ижтимоий ҳаёт, эртақ мотивлари ва қадимги маросимларнинг ўзаро муносабати, ўзбек халқ эртақларининг асосий сюжет типлари, образлар таркиби ва бадиий хусусиятларига доир қатор тадқиқотларини нашр эттирди. Шунингдек, ўзбек халқ эртақларидаги «сеҳрли» рақамлар (М.Жўраев), эртақларнинг ҳудудий-локал хусусиятлари (Ж.Юсупов), сеҳрли эртақларнинг структурал таҳлили (Н.Дўстхўжаева), ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари (С.Жумаева), маиший эртақларнинг таснифи ва поэтикаси (Қ.Бекназаров), эртақ-новелларнинг спецификаси (З.Усмонова), ўғай қиз ҳақидаги ўзбек халқ эртақларининг ўзига хослиги, генезиси ва поэтикаси (М.Содиқова), эртақларда эпик замон ва макон талқини (К.Қодиров), эртақлардаги сеҳрли “предметлар”нинг поэтик талқини (З.Расулова) монографик жиҳатдан ўрганилди.

Ўзбек фольклоршунослиги мактабининг келгусидаги режалари ўзбек фольклори материалларини изчил тўплаш мақсадида атоқли аллома Ҳ.Зарифов асос солган илмий экспедиция ишини янада кенгроқ қамровда ўтказиш ва унинг

мунтазамлигини таъминлаш; Ҳ.Зарифов номли Ўзбек фольклори архиви материалларини тўла илмий тавсиф қилиш ва каталоглаштиришни амалга ошириш; фольклоршунос олимлар томонидан қарийиб 80 йил мобайнида тўпланган архив материаллари ва келгусидаги илмий экспедициялар давомида ёзиб олинган фольклор намуналари асосида «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» 100 жилдлик академик нашрини тайёрлаш; фольклор асарларининг илмий ва оммабоп нашрларини тайёрлаб чоп эттириш; ўзбек фольклори жанрларининг тарихий асослари, типологияси ва поэтикасини дунё фольклористикасининг устувор илмий методлари асосида тадқиқ этиш; олий ўқув юртлари талабалари учун халқ оғзаки бадиий ижодиёти бўйича янги дарслик ва қўлланмалар яратишдан иборатдир.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ

«МИФОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

Маълумки, миф қадимги одамнинг борлиқ ҳақидаги ибтидоий тасавурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган. Ҳали ўзини табиатдан ажратиб олмаган қадимги одам ўз атрофидаги моддий мавжудликнинг пайдо бўлиш сабабларини мифологик тасавурлар воситасида изоҳлашга, тушунтиришга ҳаракат қилган. Миф қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаси бўлиб, табиат ва жамият ҳаётининг турли қирралари моҳиятини тушунтирувчи энг қадимги тасавурлар силсиласидир. Мифологик тасавурлар муайян воқелик моҳиятини хаёлий уйдирма воситасида изоҳласа-да, миф яратилган ва оммалашган жойида ўз ижодкори ва ижрочилари томонидан ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида қабул қилинган.

Қадимги одамнинг табиатни тушуниши ва воқеликни идрок этиши роғат мураккаб тафаккур ҳодисаси ҳисобланади. Аждодларимиз ўзини ўраб олган моддий оламнинг сирасрорларини тушунишга, табиий ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилар экан, бутун борлиқни борлиғича қабул қилган. Моддий оламдаги воқеликни идрок этишда образлилик ва поэтик рамзлардан фойдаланиш эса бадиий ижодга хос белги бўлиб, воқеликка онгли ҳиссий муносабат билдиришга асосланади. Дунёдаги моддий мавжудликнинг пайдо бўлиши, муайян табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари, табиат ва инсон муносабати масалалари қадимги одам онгида асотирий тарзда талқин қилинган. Олам ҳақидаги ана шу энг қадимги эътиқодий қарашлар асо-

сида дастлабки мифологик тасавурлар тизими келиб чиққан. Миф - қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодасидир.

Мифологик тасавурлар оламнинг яратилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг юзага келиши, одамзотнинг пайдо бўлишини хаёлий уйдирма воситасида изоҳласа-да, миф ўз ижодкори ва ижрочилари томонидан бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида баҳоланган. М.И.Стеблин-Каменскийнинг таъкидлашича, “миф - бу муайян воқелик баёни бўлиб, унда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодиса нечоғлик уйдирма бўлмасин, яратилган ва яшаб келган жойида у ҳамиша ҳақиқат, реал воқелик ифодаси сифатида қабул қилинган. Албатта, мифни ўрганадиган тадқиқотчи ундаги уйдирмага ишонмайди. Шунинг учун ҳам миф бугунги кунда ҳаққоний ҳаётий воқелик ифодаси сифатида англашилмайди. Шу тариқа тадқиқотчининг миф ҳақидаги ўз тасавури, яъни “миф - уйдирмадир” деган қараши юзага келади. Яратилган ва оммалашган жойида миф аслида реал воқелик ифодаси деб тушуниланган”.¹

Ўтмишда яшаган аждодларимизнинг олам ҳақидаги тасавурларини ўзида жамлаган, унинг дунёқарашини ифодалаган ва авлоддан-авлодга етказишга мўлжалланган мифларнинг оммалашуви усуллари ҳам турлича бўлиб, асосан жонли оғзаки ижро орқали, яъни сўз воситасида ҳикоя қилиб берилган. Яъни миф – афсона жанрининг бадиий шакли асосида баён этилган.

Мифологик тасавурлар ибтидоий удум ва маросимларда ритуал ўйинлар сифатида намоёниш қилинган. Қадимги тасавурлар асосида яратилган осори атиқалар ҳамда халқ хунармандчилиги ва амалий санъати асарларидаги рамзий чизгиларда ҳам мифик сюжетлар акс эттирилган.

Аждодларимизнинг олам, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаёт хусусидаги қадимий фантастик тушунчаларини

¹ Стеблин-Каменский М.И. Миф. - Л: Наука, 1976. С.4-5.

ўзида акс эттирган мифлар қуйидаги турларга бўлинади. 1) ибтидо ҳақидаги мифлар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мифлар); 2) самовий мифлар (осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар); 3) антропогеник мифлар (ғайриоддий хислатга эга бўлган афсонавий персонажлар ҳақидаги мифлар - масалан, Геракл, Гильгамеш, Одами Од, Хубби ҳақидаги мифлар); 4) культ мифлари (муайян эътиқодий инончлар билан боғлиқ мифлар, масалан, ҳосилдорлик култи, сув култи, ўсимлик култи, олов култи ҳақидаги мифлар); 5) тотемистик мифлар (тотем-аждод ҳақидаги қадимги тасавурлар асосида келиб чиққан мифлар); 6) календарь мифлар (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ мифлар - масалан, аямажуз, аҳмандаҳман, чилла, тўқсон ҳисоби билан боғлиқ мифлар); 7) ўлибтирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар (масалан, Сиёвуш ҳақидаги мифологик сюжетлар); 8) анимистик мифлар (жон тўғрисидаги қадимги тасавурларни ўзида мужассамлаштирган мифлар); 9) манистик мифлар (аждодлар ҳомийлиги ҳақидаги мифлар); 10) дуалистик мифлар (эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш ҳақидаги асоирий қарашларни ўзида акс эттирган мифлар); 11) эсхатологик мифлар (оламнинг интиҳоси, охир замон тўғрисидаги мифлар).

Инсоният тафаккури тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим амалий аҳамият касб этган мифология ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишнинг қадимий воситаларидан бири, бадиий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланади. Мифологиянинг асосини қадимги одамнинг коинот, табиат, инсон, осмон жисмлари, нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар ташкил этади.

Мифологиянинг архаик қатлами куёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астраль мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар, қадимги эътиқо-

дий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва культ мифларидан ташкил тошган. Деҳқончилик маданияти шаклланган ҳудудларда эса табиий-иқлимий ўзгаришларнинг рамзий-метафорик талқинлари асосига қурилган тақвимий (календарь) мифлар ва ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар кенг тарқалган. Хусусан, Осирис (қадимги Миср), Адонис (Финикия), Дионис (Юнонистон), Сиёвуш (Ўрта Осиё) ҳақидаги мифологик сюжетлар шу тариқа юзага келган. Ўзининг илк тараққиёт босқичида энг содда ибтидоий инончлардангина иборат бўлган мифология инсоният тафаккурининг тадрижий ривожидавомида олам, жамият ва табиат ҳақидаги асотирий сюжетлар, мифик образ ва тасаввурлар силсиласини ўз ичига олган мукамал тизимга айланган.

Ижтимоий онгнинг анимизм, тотемизм, фетишизм каби қадимий шакллари мифология билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ибтидоий дунёқараш тизими сифатида шаклланган мифология қадимги диний эътиқодларнинг илк куртаклари, аждодларимизнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига доир энг содда тушунчалари, воқеликни онгсиз-ҳиссий англаш асосига қурилган рамзий-метафорик образлар, шунингдек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли хил шакллари ўз ичига қамраб олган. У қадимги одамнинг борлиқ оламини идрок этишга доир тасаввур ва қарашларини ўзида жамлаган изчил тизим сифатида ибтидоий мафкуранинг етакчи ғояси бўлиб хизмат қилган. Мифология ибтидоий инсоннинг қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ҳодисадир. Шу боис, мифология фольклор, ёзма адабиёт, санъат ва маънавий қадриятларнинг шаклланиши учун замин вазифасини ўтаган.

Эзгулик кучларининг хаос(зулмат)ни ўзига макон қилган ёвузликка қарши курашини ўзида акс эттирган қадимги

мифлар бадиий тафаккурнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Воқеликни эстетик категория сифатида идрок этиш ҳамда бадиий сўз воситасида талқин қилиш анъанаси келиб чиққач, қадимги мифларнинг асосий қисми сўз санъатининг турли жанрларига сингиб кетган. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидаги кўплаб эпик сюжет ва анъанавий мотивларнинг генетик илдизлари бевосита мифологик тасаввурлар қатламига бориб тақалади. Мифлар “Авесто”, “Илиада”, “Рамаяна”, “Шоҳнома”, “Калевала”, “Алпомиш”, “Тўрўғли” каби буюк бадиий ёдгорликларнинг яратилишида ҳам салмоқли ўрин тутган.

Қадимги мифологик тасаввурлар ва асотирий сюжетлар бадиий тафаккурнинг шаклланиши ҳамда тараққиётида ўзига хос сарчашма вазифасини ўтаганлиги учун ҳам халқ оғзаки бадиий ижодиёти, ёзма адабиёт ва санъат асарларида мифологик негизга эга бўлган кўплаб асотирий персонажлар учрайди. Мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан бундай образлар халқ хаёлотини ва воқеликни фантастик талқин қилиш анъанасининг мевасидир. Мифик образлар муайян воқеа-ҳодисанинг жонлантирилган тимсолий ифодаси бўлиб, воқелик моҳиятини метафорик, рамзий ва исторавий ҳолатда ўзига кўчирганлиги учун ҳам унинг шаклий тажассуми ҳисобланади.

Мифик образлар ибтидоий бадиий уйдирма - фантазия маҳсули бўлиб, коинот, табиат ва жамиятдаги турли-туман ҳодисалар, қадимги одам тасаввурида мавжуд бўлган ғайриоддий кучларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлашга хизмат қилган. Бадиий тафаккур шакллангач, қадимги мифологиянинг таркибий қисми саналган асотирий образлар адабиёт ва санъатга кўчган. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон” ҳамда “Тўрўғли” туркумига мансуб дostonлар, ўзбек халқ афсоналари ва эртақларидаги мифологик образлар шу-

лар жумласидандир. Фольклор ва ёзма адабиётдаги мифик образлар бадиий талқиннинг тўлақонли чиқиши ҳамда поэтик тафаккурнинг кенг қамровлилигини кўрсатиш вазифасини бажаради.

Миф қадимги одамнинг ишонч-этиқодлари, ўй-хаёллари, диний қарашлари ва илк ижодий изланишларининг сўз воситасида ифода этилган кўринишларидан биридир. Мифни ибтидоий одам маънавий оламининг муайян эҳтиёжлари, яъни ўз дунёқарашини баён этиш зарурати юзага келтирган. Воқеликни бадиий идрок этиш анъанасининг ибтидоси сифатида қадим замонларда шаклланган мифологик тасавурлар тизими фольклордаги эпик жанрларнинг сюжет силсиласи ва образлар таркибининг юзага келишига асос бўлган. Демак, мифнинг моҳияти, турлари, ўзига хос хусусиятлари, образлар тизими, мифологик сюжетларнинг эпик диффузияси ва фольклор асарлари таркибидаги поэтик вазибалари каби масалаларни ўрганиш мифшуносликнинг асосий йўналишларини ташкил этади.

Биобарин, миф ва унинг инсоният тафаккури тарихида тутган ўрни масаласи фольклоршуносликдаги «мифологик мактаб»нинг устувор илмий муаммоларидан бирига айланди. «Мифологик мактаб» эса дунё фольклоршунослигидаги кенг тарқалган илмий йўналишлардан биридир. Бу мактаб вакиллари мифология, мифик образ, мифологик сюжет ва мотивлар фольклорнинг заминини ташкил этади, деб ҳисоблайдилар.

Миф ҳақидаги дастлабки илмий талқинлар жаҳон маданияти тарихининг антик давридаёқ юзага кела бошлаган эди.¹ Хусусан, Пифагор таълимотига кўра, миф - табиатни фалсафий-аллегорик англаш ифодасидир. Милоддан аввалги III асрда яшаган юнон файласуфи Эвгемер мифологик

¹ Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қarang: Мелетинский Е.М. Мифология // Мифы народов мира. Т.1. - М., 1982. 16-17.

персонажларни ўтмишда яшаган тарихий шахсларнинг илоҳийлаштирилган образи, деб ҳисоблаган. Платон эса мифни воқеликнинг фалсафий-рамзий талини, деб баҳолаган.

XI асрда яшаган буюк тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида миф тушунчаси “сав” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз қадимги туркийлар тилида “хабар”, “мақол”, “қисса”, “ҳикоя”, “сўз”, “нутқ” маъноларини англатган (“Девон”, I, 122; III, 168).

XVII-XVIII асрларда мифологик тасавурларни илмий талқин қилиш анъанаси юзага келди. Француз маърифатпарварларидан бири, файласуф Б.Фонтенель (1657-1757) мифларни қадимги одам тафаккурининг маҳсули сифатида баҳолади ва инсоният тараққиётининг “болалик даври”га хос бўлган мифларни таҳлил қилишга тарихий нуқтаи назардан ёндашди. Мифологияни тадқиқ этишда биринчи марта «қиёсий метод»ни қўллаган Б.Фонтенель антик мифларни қадимги ҳинд асотирлари билан қиёслаб ўрганиш асносида жаҳоннинг турли халқлари мифлари орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлади.¹ Мифларни қиёсий ўрганиш тажрибаси Ж.Лафитонинг Шимолий Америкада истиқомат қилувчи ҳинду қабилалари мифологиясига бағишланган асарларида ҳам қўлланилган.²

Миф моҳиятини ойдинлаштиришда XVIII асрда яшаган италиялик олим Ж.Вико (1668-1744)нинг мифларни “поэтик нутқ”нинг архаик шакли сифатида талқин қилишга асосланган назарияси, шунингдек, унинг “ибтидоий идеология синкретизми”, “мифнинг поэтик табиати”, “миф - илоҳий поэзия эканлиги” ҳақидаги илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг ёзишича, инсоният ўз тараққиётининг энг қуйи қатламида фикрни имо-ишоралар, белги-ифодалар

¹ Фонтенель Б. О происхождении мифов // Рассуждения о религии, природе и разуме. - М., 1979. С.183-194.

² Мелетинский Е.М. Мифология...С.16.

ва рамзлар воситасида баён қилган. Бу “тил” шакли ўз моҳиятига кўра метафорик, яъни «поэтик нутқ» табиатига эга бўлган. Мифни талқин қилишнинг бу ўзига хос назарияси кейинчалик мифшунос М.Мюллер томонидан илгари сурилган “мифларни лингвистик талқин қилиш концепцияси”га асос бўлди.

XIX асрда яшаб, ижод қилган немис олимлари И.Г.Гердер (1744-1803), А.Б.Шлегель (1767-1845) ва Ф.Шлегель (1772-1929) асарларида мифология “қадимги аждодлар томонидан яратилган поэтик қадрият”, “диний эътиқоднинг илк шакли”, “қадимги одамларнинг борлиқни рамз ва тимсоллар воситасида англашнинг натижаси” тарзида талқин қилинган. Немис файласуфи И.Г.Гердер мифларда ҳам муайян даражадаги “бадийлик ва миллий ўзига хослик” мавжудлигини қайд қилган бўлса, Ф.Шлегель “миф тили”, яъни «рамз ва тимсоллар назарияси»ни илгари сурган. Унинг “мифологияни инсоният руҳиятининг туб-тубидан, энг чуқур қатламларидан чиқариб олмоқ керак, ана шунда у ҳар қандай санъат асаридан гўзалроқ эканлигига амин бўласиз. Чунки санъатнинг барча турларини ўзида мужассам этган миф шеъриятнинг илк сарчашмасидир”,¹ - деган сўзлари қадимги мифларнинг синкретик характери ва бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрнини баҳолашда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Мифни “ҳар қандай санъатнинг илк манбаи” сифатида талқин қилиш романтизм даврининг йирик файласуфи Ф.Шеллинг (XIX аср) эстетикасининг ҳам асосини ташкил этган. Ўзининг “Санъат фалсафаси” номли асарида мифологияни “эстетик феномен” сифатида таҳлил қилган Ф.Шеллинг таълимотича, миф – табиат ҳодисаларини хаёлий уйдирма, фантазия ва рамзлар воситасида “англаш” маҳсулидир.

¹ Кокъяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.212-213.

Хуллас, XIX асрнинг биринчи ярмида Ф.Шеллинг ва А.Шлегельнинг мифик тафаккур фалсафаси ҳамда мифнинг эстетик моҳияти хусусидаги назарий қарашлари, шунингдек, Л.Арнимнинг К.Брентано билан ҳамкорликда яратилган “Боланинг ғаройиб шохи” номли тадқиқоти, “Гейдельберг романтиклар тўғараги”нинг аъзоси И.И.Гёррес (1776-1884)нинг “Мифлар тарихи” асари ва бошқа олимларнинг қадимги мифларни ўрганиш асосида чиқарган хулосалари Европа фольклоршунослигидаги “мифологик мактаб”нинг шаклланиши учун асос бўлди.

“Мифологик мактаб”нинг юзага келиши ва фольклоршуносликнинг ўзига хос илмий йўналишига айланишида Вильгелм Гримм ва Яков Гриммларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг фольклористик тадқиқотларида халқ оғзаки бадий ижодиётининг қадимий асослари, айниқса, мифология масалалари муҳим ўрин тутган. 1835 йилда Я.Гриммнинг “Немис мифологияси” номли асари босилиб чиқди. “Эдда” ва “Нибелунги” эпослари таҳлиliga бағишланган бу китобда муаллиф ўрта аср солномалари ҳамда авлиёларнинг маноқиблари, кўҳна тасаввур ва эътиқодларнинг фольклор асарларида, халқ урф-одатлари ва маросимлари, расм-русум ва одатларида сақланиб қолган қолдиқ ҳолдаги кўринишларини қиёсий таҳлил қилиш орқали қадимги герман мифларининг илдизларини аниқлашга ҳаракат қилган. Я.Гримм мифологик тасаввурларнинг мақол, матал, қўшиқ, топишмоқ, афсона каби жанрларда сақланиб қолган излари қадимги германларнинг тасаввурлари ва эътиқодий қарашлари тизими қандай бўлганлигини аниқлашда ўзига хос калит ролини ўтайди, деб ҳисоблаган. У ёки бу мифологик тасаввурнинг қадимийлик даражасини ошириб кўрсатишга уриниш, афсона, эртак, топишмоқ таркибидаги мифологизмларни “қадимги тасаввурлар қолдиғи” сифатида талқин қилишда фольклор жанрларининг шаклланиш жараёнига хос та-

рихийлик принципини ҳисобга олмаслик ҳамда қиёсланаётган ҳодисаларнинг зоҳирий мутаносиблигига берилиб кетиш каби камчиликларидан қатъий назар Я.Гриммнинг бу асари фольклоршуносликда катта шухрат қозонди.

Я.Гримм томонидан қўлланилган «қиёсий мифшунослик методи» катта ҳажмдаги фактик материални илмий тавсифлашга имкон берди. Бу асар фактик материалга бойлиги, методологик асосининг ўз даврига нисбатан янгилиги, миф талқинига доир барча илмий қарашларни ўзида мужассамлаштирганлиги ва герман мифларининг тизимий таҳлилига бағишланганлиги туфайли унинг муаллифи Я.Гриммнинг илмий концепцияси фольклоршуносликда “мифологик мактаб назарияси”га асос бўлди, деб эътироф этилди. Шу тариқа фольклоршунослик фани тарихида “мифологик мактаб” атамаси пайдо бўлди.

“Мифологик мактаб” жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари фольклоршунослигида кенг кўламда ривожланди. Бу борада, айниқса, Германия (А.Кун, В.Шварц, В.Манхардт), Англия (М.Мюллер, Ж.Кокс), Италия (А.Де.Губернатис), Франция (М.Бреаль), Швейцария (А.Пикте), Россия (А.Н.Афанасьев, Ф.И.Буслаев, О.Ф.Миллер), Америка (Э.Чемберс, Г.Маррей, Ж.Харрисон, Ж.Уэстон, Ф.Корнфорд)да олиб борилган илмий тадқиқотлар “мифологик мактаб” назариясини такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан “мифологик мактаб” бир нечта йўналишга бўлинган ҳолда тараққий эта бошлади. Шулардан бири “мифнинг илк моҳиятини лингвистик таҳлил воситасида реконструкция қилиш” ёки “этимологик йўналиш” деб аталди. А.Кун, В.Шварц, В.Манхардт, М.Мюллер, Ф.И.Буслаев, А.Н.Афанасьев, А.А.Потебня каби олимлар ҳинд-европа тиллари материали асосида кенг кўламли қиёсий-лисоний ва этимологик таҳлил воситасида мифологиянинг архаик қатламини реконструкция-

лашга бағишланган асарлар яратдилар.

Тўғри, мифни қадимги одам томонидан ижод қилинган “лисоний ҳодиса” сифатида баҳолаш анъанаси XVIII асрдаёқ мавжуд бўлган. Масалан, мифни “лисоний белги” деб билган Ж.Виконинг фикрича, барча мифлар қуёшнинг чиқиши ва ботиши, нур ва зулмат билан боғлиқ. “Қадимги халқлар мифологияси ва символикаси” китобининг муаллифи Ф.Крейцернинг ёзишича, “илк диний эътиқод табиатни жонлантиришдан келиб чиққан, шу боис, тилдаги айрим рамзий тимсолларнинг моҳияти ҳам шу билан изоҳланади”.

Мифшуносликдаги “лингвистик таҳлил методи”ни чуқур ўзлаштирган А.Кун (1812-1881) ўзининг “Олов ва илоҳий шарбатнинг келтирилиши” (1859) асарида “этимологик йўналиш”нинг асосий назарий қарашлари ва методини ёритиб берди. Прометей ҳақидаги юнон мифини таҳлил қилган тадқиқотчи мазкур асотир қаҳрамони номининг келиб чиқишини қадимги санскрит тилидаги “*pramathyas*” – “пармаловчи” маъносини билдирувчи сўзга боғлайди. Бу лингвофольклористик хулоса қанчалик баҳсли бўлишидан қатъий назар, мифонимларни тадқиқ этиш борасидаги дадил қадам ҳисобланади.

А.Кун ўзининг “Мифларнинг шаклланиш босқичлари” номли асарида (1873) мифларни палеолингвистик аспектда ўрганишга доир изланишларини давом эттирди. У “кўпгина мифлар момақалдироқ, чақмоқ, ёмғир, шамол, булут каби табиат ҳодисаларининг илоҳийлаштирилиши натижасида юзага келган” деган қарашни илгари суриш орқали “мифологик мактаб”нинг “метеорологик назария” номли янги илмий концепциясини яратди.

Мифларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ “лингвистик концепция” тарафдорларидан яна бири М.Мюллер (1823-1900) ҳам А.Кун назариясини қўллаб-қувватлади. Асосан, санскрит ва қадимги юнон тилларини қиёсий тадқиқ этиш

билан шуғулланган бу олим ўз методикасини мифологияга ҳам татбиқ этди ва фольклоршуносликдаги “**қиёсий мифшунослик**” йўналишини бошлаб берди. Унинг “Қиёсий мифология бўйича тажрибалар” (1856) номли асарида этимологик асоси ҳинд-европа бобо тилидаги ўзак лексемаларга бориб тақаладиган мифонимлар таҳлил қилинган. У мифларнинг қадимий илдизларини анимизм, магик ритуаллар ёки тотемизм билан эмас, балки ибтидоий одам тилининг лексикасидан излади. Унинг фикрича, мифологиянинг юзага келишига қадимги одамлар дунёқараши ва интеллектининг соддалиги эмас, балки ибтидоий тилнинг ўзига хос табиати асос бўлган. Ибтидоий одам тилида нарса-ҳодисаларни ифодаловчи сўзларнинг кўплаб синонимлари мавжуд бўлган ва даврлар ўтиши билан ана шундай синонимлардан баъзиларининг асл маъноси унутилган. Архаик тилга мансуб сўзларнинг кейинги авлодлар учун тушунарсиз бўлиб қолиши, яъни семасиологик ўзгаришлар (М.Мюллер таъбири билан айтганда, “тилнинг касаллиги”) эса мифларнинг келиб чиқиши учун замин ҳозирлаган.

Палеолингвистика ва қиёсий филология методларидан унумли фойдаланган М.Мюллер мифлар моҳиятини осмон ёритқичларининг илоҳийлаштирилиши анъанаси билан боғлаб талқин қилиш асосида қадимги мифологияни ўрганишга киришди. Натижада “мифологик мактаб” тарихида “солляр назария”, яъни “**шамсий назария**” деб номланган йўналиш юзага келди.

Бу йўналиш тарафдорлари мифни табиат ҳодисалари ҳақидаги қадимги тасаввурлар мажмуи, деб тушунадилар. Баъзан “**астраль-мифологик назария**” деб ҳам юритиладиган бу илмий қарашга кўра, қадимги одамнинг табиат ҳақидаги ибтидоий инончлари дастлабки мифологик тасаввурлар тизимининг асосини ташкил этган.

“**Метеорологик назария**”ни Шимолий Германия аҳоли-

сининг афсона, эртак, урф-одат ва тасаввурларини тадқиқ этиш асносида ривожлантирган этнограф ва фольклоршунос В.Шварц (1821-1899) “мифологик мактаб” тарихида “**демонологик назария**” номи билан юритиладиган концепцияни асослаб берди. У “Мифологиянинг келиб чиқиши” (1849) асарида ёвуз кучлар билан боғлиқ халқ қарашлари ва ирим-сиримларга алоқадор асотирларни “қуйи мифология” деб атади ва бу атама фольклоршунослик амалиётидан ўрин олди.

“Мифологик мактаб” халқ оғзаки бадий ижодиётининг пайдо бўлиши ва тараққиёти масаласини тадқиқ этиб, фольклорнинг илк замини диний-эътиқодий характер касб этган мифология ҳамда тилнинг образлилиги билан алоҳида ажралиб турган қадимги шаклларидадир, деган муҳим назарий хулосага келдилар. Фольклор асарлари таркибидаги мифологик образ, сюжет ва мотивларни тарихий-қиёсий ўрганган мифологлар узоқ давом этган тарихий-фольклорий жараён натижасида мифологик образлар эртак, афсона, топишмоқ ва бошқа фольклор жанрларига трансформациялашишини аниқладилар.

Халқ оғзаки ижоди асарларини қиёсий метод асосида ўрганиш ва фольклорни “халқ оммасининг ижодкорлиги натижасида яратилган қадрият” сифатида талқин қилиш (яъни фольклорга хос “коллектив ижод маҳсули эканлик” белгиси) анъанаси фольклоршунослик тарихида биринчи марта “мифологик мактаб” тадқиқотларида амалга оширилди.

Миф, афсона, эртакларни системали тўплаш ва таҳлил қилиш ишлари бевосита “мифологик мактаб”нинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда бошланди. Бу илмий мактаб вакиллари мифларни миллий қадриятлар тизими ва анъанавий маданиятнинг ибтидоси сифатида талқин қилдилар.

“Мифологик мактаб”нинг ривожланиши натижасида XIX асрнинг ўрталарига келиб фольклоршуносликда бир қатор янги назариялар юзага келди. Жумладан, мифларни ас-

трономик ёхуд табиий ҳодисаларнинг аллегорияси тарзида тасаввур қилишга асосланган “**соляр-метеорологик назария**” ёки “**шамсий-метеорологик назария**” (немис олимлари - А.Кун, М.Мюллер ва рус олимлари - Ф.Н.Буслаев, Л.Ф.Воеводский, О.Ф.Миллер), мифларни халқнинг ёвуз кучлар ва руҳлар олами тўғрисидаги тасаввурлари тизими сифатида тушунтирувчи “**қуйи мифология**” ёки “**демонологик назария**” (немис олимлари - В.Шварц, В.Минхард), руҳ ҳақидаги қарашларни табиатга татбиқ этиш асосида юзага келган “**анимистик назария**” (инглиз олимлари - Э.Тайлор, Г.Спенсер, Э.Ланг, немис олими – Л.Фробенус, рус олими – В.Клингер), мифларни тадқиқ этишда адабиётшунослик ва тилшунослик методларини қўллашга асосланган “**тарихий-филологик назария**” (немис олимлари – Г.Узенер, У.Вилламовиц-Мёллендорф, рус олимлари – Ф.Ф.Зелинский, Е.Г.Кагаров, С.А.Жебелев, Н.И.Новосадский, И.И.Толстой) ўзига хос тадқиқ усуллари билан алоҳида ажралиб туради.

“Мифологик мактаб”нинг назарий қарашлари рус олимлари Ф.И.Буслаевнинг “Рус халқ оғзаки ижоди ва санъати тарихидан очерклар” (1861), А.Н.Афанасьевнинг “Славянларнинг табиат билан боғлиқ поэтик қарашлари” (1866-69), В.Н.Пипиннинг “Рус халқ эртаклари” (1865), А.Н.Веселовскийнинг “Қиёсий мифология ва унинг методи” (1873), Е.М.Мелетинскийнинг “Происхождение героического эпоса” (1963), “Поэтика мифа” (1976) каби асарларида янги материаллар ва илмий хулосалар билан ривожлантирилди.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам мифларни тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, мифологиянинг ўзбек халқ дostonлари сюжет қурилиши ва образлар силсиласида тутган ўрни Ф.Акрамов томонидан чуқур тадқиқ этилди. Унинг “Ўзбек халқ дostonларида мифология” (1980) мавзуидаги йирик тадқиқоти миф ва эпос муносабати масаласини “Гўрўғли” туркумига мансуб дос-

тонлардаги мифологик образлар таҳлили мисолида ўрганишнинг ажойиб намунаси ҳисобланади. Эртақ ва дostonларда мифологиянинг сақланиб қолиши дostonларнинг қадимийлиги ҳамда халқ тасаввурида мифологик тушунчаларнинг яшовчанлиги билан белгиланишини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган тадқиқотчи тотемистик, анимистик ва манистик (аждодлар ҳомийлиги тўғрисидаги) мифологиянинг ўзбек фольклоридеги талқинларини кенг қўламда ўрганди. Ф.Акрамовнинг “Аниматик мифология” (1977), “Манистик мифология” (1979), “Гўрўғли” туркумида мифологик образлар” (1978), “Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати” (1981), “Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир” (1996) каби асарларидаги таҳлилий мулоҳазалар ва хулосалар ўзбек халқ эпоси ўзининг кўп асрлик бадиий-эстетик тараққиёти давомида мифологиядан озиклангани ҳолда, унинг инкори сифатида юзага келганлигини исботлаб берганлиги билан фольклоршунослик тарихида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабий тафаккури тараққиётидаги тарихий-фольклорий жараённинг муҳим қонуниятларидан бири – жанрлар диффузияси, яъни турли-туман жанрларнинг бир-бирига сингиб кетишини тадқиқ этган Б.Саримсоқов мифнинг эпик жанрлар тизимидаги ўрнини миф ва эртақ, миф ва дoston муносабати таҳлили орқали кўрсатиб берди. У ўзбек мифологияси архаик, классик ҳамда ўрта асрларга хос мифларни ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.¹

Бизнингча, ўзбек мифологиясининг тараққиёти қадимги аждодларимизнинг тотемистик, анимистик, дуалистик ва магик инончлари; ибтидоий одамлар турмушида ритуал-рамзий аҳамият касб этган маросимлар; Ўрта Осиёда яшаган қадимги қавмлар дунёқарашида алоҳида ўрин тутган оташпа-

¹ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. 97-148-бетлар.

растлик ақидалари; ўлкамизда шаклланган қадимги деҳқончилик маданияти анъаналари билан боғлиқ ҳосилдорлик культлари; ислом дини таълимоти ва у орқали Ўрта Осиёга кириб келган Шарқ, хусусан, араб фольклори анъаналари; мўғул ва бурят, чин ва ҳинд, эрон ва юнон мифологиясининг ижодий таъсири билан бевосита алоқадордир.

Шу боис, биз ўзбек мифларининг юзага келиши ва шаклланиш босқичларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1) **Ўрол-олтой қабилаларининг мифологик тасаввурлари.** Маълумки, тилшуносликда “олтой тиллари оиласи”, “проолтой тили” каби тушунчалар мавжуд. «Олтойшунослик назарияси» тарафдорларининг фикрича, туркий, мўғул-бурят, тунгус-маньчжур (баъзилар корейс ва япон тилларини ҳам шу таркибга киритадилар) халқларининг қадим аجدодлари аслида ягона бир қабилага мансуб бўлиб, улар “проолтой тили” ёки “проолтой шеваси”да сўзлашганлар.

Биз ҳам ана шу назариянинг асосий хулосаларига суянган ҳолда туркий-мўғул-бурят-тунгус-маньчжур тилларида сўзлашувчи халқлар фольклоридаги типологик муштаракликни ташкил этадиган эпик қатлам бу халқлар оғзаки ижодиёти тарихининг олтой даврига мансуб қадимий сюжетлар силсиласидан иборат, деб ҳисоблаймиз. Ана шу муштарак эпик анъананинг асосий қисми архаик мифларнинг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишлари бўлиб, бу асотирлар тарихан “проолтой фольклори” ёки “проолтой мифологияси”нинг таркибий қисмини ташкил этган. Муштарак вариантлари ёки ўхшаш намуналари мўғул-бурят ва тунгус-маньчжур халқлари оғзаки ижодида ҳам мавжудлиги аниқланган ўзбек мифлари (ёки муайян сюжет элементи, образ, мотив тарзида сақланиб қолган миф қолдиқлари) “проолтой мифологияси”га мансуб асотирлар сирасига киради. Ўзбек мифологияси ривожининг бу даврига оид фольклор асарларидан энг характерлиси бўри

тўғрисидаги тотемистик мифлардир.

2. **Қадимги туркий қавмлар мифологияси.** Ўзбек фольклорида сақланиб қолган архаик мифларнинг асосий қисми қадимги туркий мифологиянинг эпик диффузияси натижасида етиб келган. Қадимги туркий қабилалар оғзаки ижодиётида оламни мифологик англаш асосида яратилган космогоник, тотемистик, анимистик, этиологик ва этногенетик мифлар асосий ўринни эгаллаган.

3. **Зардўштийлик билан боғлиқ мифологик тасаввурлар.** Халқ оғзаки ижодида анъанавий тарзда қўлланилувчи аждар, дев, пари, Семурғ, Жўмард, Аранжа бобо, Ахриман, аранглар, Заҳҳок, Сиёвуш, Хубби, Ашшадарози, Сушт хотин, Ҳайдар каби кўплаб асотирий образларнинг тарихий асослари зардўштийлик мифологиясига бориб тақалади.

“Авесто” мифологияси ва зардўштийлик ритуаллари негизида кейинчалик ўзбек маросим фольклоридаги айрим жанрлар шаклланган. Ёмғир чақириш мақсадида ўтказиб келинган Сушт хотин маросими, Амударё сувининг мўл бўлиши ҳамда тошқин ҳалокатининг олдини олиш мақсадида Оролча авлиё деган жойда шу ном билан аталувчи афсонавий ҳомий шарафига ҳўкиз сўйиб қурбонлик қилиш, наврўз байрамини ўтказиш, сумалак пишириш, баҳор фаслида анъанавий гул сайллари (бойчечак сайли, лола сайли, гули сурх сайли, қизил гул сайли кабилар)га чиқиш, сафар қочди ва охир чоршанба маросимларини ўтказиб, оловдан ҳатлаш, шамол пири сифатида эътироф этилган Ҳайдар ёки Аждар бобога мурожаат қилиб, шамол чақириш, сумалак пишираётганда Ашшадарози ўйинини ташкил этиш, келинкуёвни олов атрофидан айлантириш, марҳумлар мазорига “қушлар ҳақи” деб буғдой сепиб қўйиш, дарёдан ўтаётганда Хуббига сизиниш ва сувга туз ташлаш, далага биринчи қўш чиқаришдан аввал ҳўкизларнинг шохини мойлаш каби анъанавий маросим ва думларимизнинг тарихий асослари бе-

восита зардуштийлик ҳамда “Авесто” мифологиясининг эътиқодий инончлар тизимидаги талқинларига боғланади.

4. **Араб-ислом мифологияси анъаналари.** Маълумки, VII аср охирида Мовароуннаҳр араблар томонидан фатҳ этила бошланган бўлиб, бу жараён VIII аср ўрталарида ниҳояланган. Натижада бу ўлкага ёйилган ислом дини Ўрта Осиёга Шарқ халқлари мифологияси ва фольклорининг эпик анъаналарига мансуб сюжет, мотив ва образларни ҳам олиб келди. Гарчи ислом мифологиясининг таркиби кўпқатламли бўлиб, ўзак мифлар (араб асотирлари) ҳамда ўзлаштирма асотирлар (яъни кейинчалик фатҳ этилган халқлар фольклори ва бошқа диний қарашларга алоқадор мифлар)ни ўз ичига олган бўлса-да, унинг асосини қадимги араб қавмларининг оғзаки ижоди намуналари ташкил этган.

Араб халқ китоблари, ривоят ва асотирлари сюжетининг эпик таъсири натижасида Ўрта Осиё халқлари фольклорида кўплаб янги асарлар яратилган. Аждодларимизнинг мифологик тасаввурлари араб-ислом асотирларига оид персонажлар тизими билан бойитилган. Хусусан, анқо, жин, фул, Одами Од, морут, лот, манот, Кўҳи Қоф, Эрам каби мифологемаларнинг илк манбаи аслида араб фольклоридадир.

Демак, ўзбек мифологиясининг тарихий асослари аждодларимиз ўтмишининг энг қуйи босқичларига мансуб эътиқодий қарашларга бориб тақалади. Мифологик инончларнинг илк қатлами қадим замонларда яшаган боболаримизнинг тотемистик, анимистик ва дуалистик тасаввурлари, магик инончлар асосида келиб чиққан эътиқодлари, шунингдек, табиатни асотирий англаш ва ҳосилдорлик ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадимги культлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Қадимги мифларнинг асрлар давомидаги тадрижий тақомили натижасида эзгулик ва ёвузлик курашини акс эттирувчи дуалистик мифлар, оламнинг яратилиши ва интиҳоси ҳақидаги халқ қарашларини ўзида ифода этган космо-

гоник мифлар, осмон ёритқичлари тўғрисидаги астраль мифлар, вақт ҳисоби амалларининг пайдо бўлиши ҳақида баҳс юритувчи тақвимий асотирлар, уруғ-қабилаларнинг келиб чиқишини изоҳлашга бағишланган этногенетик мифлар, ғайриоддий қаҳрамонларнинг саргузаштларини баён этувчи антропогенетик мифлар тизими шаклланган.¹

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши қадимги тасаввурлар билан боғлиқ фольклор асарлари, жумладан, мифологик сюжет ва мотивларни кенг кўламда ўрганишга катта имкониятлар яратди. Хусусан, ўзбек фольклорида мифология ва мифологик тасаввурларнинг маросим фольклори генезисида тутган ўрни М.Жўраев (Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. 1. Ялли момо култи - 1997; 2. Ҳайдар култи - 1997; 3. Аждар култи - 1998; 4. Ялонғоч ота култи - 2005; “Миф ва унинг “Алпомиш” достонидаги ўрни” - 1999), Т.Раҳмонов (“Миф - ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида” - 1996), Ш.Шомусаров (“Араб мифологиясининг юзага келиши ва унинг ўзбек фольклорига таъсири” - 1996) томонидан тадқиқ этилди. Фольклоршунос олим Т.Ҳайдаров мифологиянинг ўзбек халқ эпосидаги ўрни ва миф диффузиясига оид тадқиқотларни давом эттириб “Гўрўғли” ва мифология синкретизми” (1994) номли илмий ишини яратди.

Ўзбек фольклори мифологик образлар тизимига ғоят бой бўлганлиги боис, мифшуносликда бу йўналишда бажарилган тадқиқотлар алоҳида силсилани ташкил этади. Бу борада М.Жўраев (“Алпомиш” достонида мифологик образлар” - 1999), Ж.Эшонқулов (“Ўзбек фольклорида дев образи” - 1996; “Фольклор: образ ва талқин” - 1997; “Эпик тафаккур тадрижи” - 2006), Б.Жуманиёзов (“Ўзбек фольклорида ялмоғиз образи” - 1996), О.Қаюмов (“Ўзбек фольклорида пари образи-

¹ Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. 22-48-бетлар.

нинг генезиси ва бадиий талқини” - 1998), Д.Файзиёва (“Ўзбек фольклорида илон-аждаг образининг эпик талқини” - 2004), Ф.Нурмонов («Ўзбек фольклорида Хизр образининг бадиий талқини» - 2007)лар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар фольклоршуносликда илгари ўрганилмаган муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги, янги фактик материални таҳлил объектига киритганлиги ва муҳим назарий умумлашмаларга олиб келганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фольклоршуносликка “Ўзбек мифологияси” тушунчаси олиб кирилди ва у туркий мифологиянинг таркибий қисми бўлиб, Ўрта Осиёда истиқомат қилган қадимги аҳолининг эътиқодий қарашлари, тасаввур ва инончларини ўзида мужассамлаштирганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Бу масалалар бизнинг “Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар” (1994), “Ўзбек халқ самовий афсоналари” (1995), “Бўри ҳақидаги қадимги туркий мифлар ва ўзбек фольклори” (1998) каби тадқиқотларимиз, шунингдек, фольклоршунос Ш.Шомусаров билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори (2001)” китобимизда атрофлича ёритилди.

Мамлакатимизда яратилган муҳташам ёзма обида - “Авесто”нинг М.Исҳоқов ва Асқар Маҳкам томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллиги Республикамизда жаҳоншумул даражада кенг нишонланганлиги бу қадимий манбани ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилишга йўл очди. Бу кўҳна ёдгорликни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар орасида “Авесто” мифологияси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқинларини ёритишга қаратилган изланишлар (Т.Мирзаев, М.Жўраев. “Авесто” ва халқ оғзаки ижоди” - 2001; Жўраев М. “Авесто” ва ўзбек фольклори” - 2006) алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, мифология халқимиз дунёқарашининг энг қадимий шаклларида бири бўлганлиги учун ҳам бадиий тафаккурнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шунинг

учун ҳам мифологиянинг фольклор ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишидаги аҳамиятини ўрганиш адабиётшуносликнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган. Ўзбек адабиётшунослигида бу йўналишдаги дастлабки тадқиқотлардан бири Н.Маллаевнинг “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти” (1974) асари бўлиб, унда космогоник мифологиянинг улур шоир дostonларидаги бадиий талқини ҳақида қизиқарли илмий кузатишлар баён қилинган. Юртимиз истиқлолдан кейин ўзбек фольклоршунослигида мифларнинг ёзма адабиётга таъсири ва мифологик образларнинг бадиий матндаги поэтик табиати каби масалалар М.Саидов (“Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир”, 1996), Ф.Акрамов (“Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир”, 1996), М.Жўраев (“Миф ва унинг Алишер Навоий ижодиётидаги ўрни”, 2001), Т.Хўжаев (“Мифик образ ва ёзма адабиёт”, 1991; “XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор”, 1996), М.Нарзиқулова (“Сабъаи сайёр” ва “Баҳром ва Гуландом” дostonларининг қиёсий таҳлили”, 2006); М.Жўраев, М.Нарзиқулова (“Миф, фольклор ва ёзма адабиёт”, 2006) каби олимларнинг асарларида тадқиқ этилди.

“Мифологик мактаб” вакиллариининг илмий тадқиқотлари архаик мифлар ҳақидаги илмий тасаввурларни бойитиш, қадимги туркий, ҳинд, эрон, герман, кельт, славян ва бошқа халқлар мифологиясини кенг кўламда ўрганиш ҳамда халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ кўпгина назарий муаммоларнинг ҳал қилинишига асос бўлди. Бевосита “мифологик мактаб” концепциялари асосида мифология, фольклор ва адабиётни қиёсий ўрганиш йўналиши шаклланди. Шунинг учун ҳам бу мактаб илмий концепциялари қадимги мифларни тадқиқ этишда бугунги кунга қадар муҳим назарий асос вазифасини ўтаб келмоқда. Фольклоршуносликдаги “мифологик мактаб”нинг тад-

қиқотларида айрим чалкашликлар ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, фольклорни ҳаддан зиёд архаиклаштиришга уриниш; халқ оғзаки бадиий ижодиётининг келиб чиқишида тарихий воқеликнинг ролини эътиборга олмаслик, фольклор санъатининг барча турларига миф асос бўлган, деган қарашни илгари суриш; тарихий шахслар образи талқинидан ҳам мифологик тасаввурларнинг изларини излаш каби хатоликлар шулар жумласидандир.

“Мифологик мактаб”нинг методологияси ва, айниқса, унинг “қиёсий мифшунослик”ка оид тадқиқотларида акс этган назарий қарашлар, шунингдек, бу йўналиш вакилларининг илмий изланишлари натижасида тўпланган кенг кўламли фактик материаллар кейинчалик фольклоршуносликда “сюжетларнинг кўчиб юриши” ёки “сайёр сюжетлар назарияси” номини олган “миграцион мактаб”нинг шаклланишига асос бўлди.

“ФИН МАКТАБИ” НАЗАРИЯСИ

Фольклор асарларини ўрганиш, айниқса, эпик сюжетлар ва мотивларнинг генезиси ҳамда тарқалиш ареали хусусида фикр юритиш, халқ эпоси, оғзаки насрий асарлар бўйича каталог ва кўрсаткичлар тузишда “фин фольклоршунослик мактаби”нинг илмий-назарий қарашлари, хусусан, унинг “тарихий-жўғрофий методи”дан фойдаланилади. Фольклоршуносликдаги “тарихий-жўғрофий метод”нинг юзага келиши ва илмий тадқиқотлар амалиётига жорий этилиши муайян фольклор асарини турли вариантлар асосида ёзиб олиб, нашр этиш ва илмий таҳлилда вариантларни қиёслаб ўрганиш усулининг қўлланилиши билан боғланади.

Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ишлари Финландияда XVII аср охиридан бошланган. Ўзининг бутун умрини подланд ва ирланд халқ кўшиқларини тўплашга бахш этган инглиз шоири Ж.Макферсоннинг асарларини севиб мутолаа қилган фин филологи Э.Г.Портан 1776-1788 йилларда

ўз халқининг қадимий кўшиқларидан айрим намуналарни ёзиб олган. Фин руналари эса илк бор Топелиус томонидан кашф этилган. 1831 йилда «Фин адабиёти» жамияти ташкил этилгач, ўлкада фольклор асарларини тўплаш билан қизиқувчи кишилар учун катта имкониятлар юзага келди. Дунё халқлари бадиий тафаккури тарихида муҳим ўрин тутадиган фин руналари – “Калевала”нинг ёзиб олинishi эса асли касби табиб бўлган фин фольклоршуноси ва тилшуноси Элиас Лёнрот (1802-1884) фаолияти билан боғлиқдир.¹ Э.Лёнрот талабалик йилларидаёқ халқ табобатига доир материаллар тўплаётганида ҳар хил хасталикларни даволаш мақсадида ижро этиладиган афсун-авраш матнларини ёзиб олган. Шу тариқа, у фин халқининг ота-боболари томонидан яратилган лиро-эпик кўшиқлар - руналарнинг сеҳрли оламига кириб борди. Оддий деҳқон кийимини кийиб олиб, фин руналарини тўплашга киришган ёш Э.Лёнрот 1828-1844 йилларда Шарқий Финландия ва Карелия бўйлаб сафар қилган. Ҳар бир ижрочи унга ўзи ёддан биладиган вариантни куйлаб берган. Аммо синчков олимга бу вариантларнинг ҳар бири мустақил асар эканлигини сезиб қолган. Шунинг учун ҳам Э.Лёнрот ўзи ёзиб олган руна намуналаридан фойдаланган ҳолда барча вариантлар асосида фин халқ эпоси – “Калевала” дostonини қайта тиклаган. У фин халқ кўшиқлари тўплами (“Кантелетар”, 1829-1831), фин мақол ва маталларини ҳам тўплаб, чоп эттирган.

Халқ кўшиқларини турли вариантлари билан бирга ёзиб олиш амалиёти аслида биринчи марта серб шоири ва фольклоршуноси В.С.Караджич (1787-1864) томонидан қўлланилган.² У ўзи ёзиб олган серб халқ кўшиқларини 1813-1815 йилларда Венада бир неча жилдлик китоб ҳолида чоп эттирган. Лекин Э.Лёнрот тадқиқотларининг аҳамияти шун

¹ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.287-288, 291, 499.

² Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.285-287.

да эдики, у фин руналарининг вариантларидан тарихий-реконструктив мақсадда фойдаланиб, аллақачонлар яхлит асар сифатида жонли ижродан тушиб қолган улкан халқ эпосини тиклашга эришди.

Таниқли фин адиби ва филолог олими, Гельсингфорсс университети профессори Юлиус Крон (1835-1888) ўз ижодий фаолияти давомида “Калевала” эпосини ўрганишга катта аҳамият берган. Фин миллий эпосининг ўзига хос сюжет қурилиши, бетакрор образлар таркиби ва бадиияти Ю.Кронни ёшлигида ноқ ўзига мафтун этгани боис, 1884 йилда “Калевала”нинг генетик илдизларига доир йирик илмий тадқиқотини нашр эттирди. У мазкур эпос сюжетининг генетик асосларини аниқлаш мақсадида дostonнинг турли даврларда ва турли ҳудудларда тарқалган вариантларини қиёсий таҳлил қилишга киришди. Унинг фикрича, “эпоснинг юзага келиши масаласини аниқлашга киришишдан аввал бу асарнинг барча намуналарини географик ва хронологик жиҳатдан бир тизим ҳолига келтириш лозим. Шундай қилинса, эпоснинг қадимий намунасига хос элементларни нисбатан кейинроқ қўшилган мотив ва бадиий унсурлардан ажратиш олиш мумкин бўлади”¹

Эпос генезисини ойдинлаштириш билан боғлиқ бу методни Ю.Крон ўзининг 1988 йилда чоп этирилган “Kalevalan toisinnot” асарида муваффақият билан қўллаган. У халқ эпоси вариантларини мавзу типлари ва мазмунига қараб таснифлаш билангина чекланиб қолмасдан, фольклоршуносликда биринчи марта дostonларни яратилиш даври ва тарқалиш ҳудудига кўра ҳам гуруҳлаштириш мезонларини ишлаб чиқди.

Ю.Крон фольклор асарларини ўрганишдаги тарихий-жўғрофий методни ишлаб чиқишда С.Грундтвиг тадқиқотлари ҳамда В.Рил гипотезаларига асосланди.

Ўзининг скандинавия филологиясига доир тадқиқотла-

¹ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.329-330.

ри билан фольклор асарларини ёзиб олиб, нашр этиш ва илмий ўрганиш соҳасида янги йўналишга асос солган даниялик профессор Свен Грундтвиг (1824-1883) узоқ йиллик фольклор тўпловчилик фаолияти давомида халқ эпоси ва қўшиқларининг кўплаб вариантларини ёзиб олди. У ўз мамлакатининг барча ҳудудларидан тўпланган ва шаклланиш тарихига кўра турли даврларда яратилган фольклор асарларини нашрга тайёрлаб, “Даниянинг қадимий халқ қўшиқлари” (1853-1899 йилларда чиқарилган етти жилдлик бу мажмуа “Danmarks gamle folkeviser” дейилади) номи остида чоп эттирди. Ўзидан аввалги фольклоршунослардан фарқли равишда С.Грундтвиг вариантлилик - қўшиқларнинг халқчиллигини белгилашдан ташқари, халқ поэтик ижодиёти анъанасининг тараққиётини кўрсатувчи бадиий қонуният ҳам эканлигини қайд қилган.

Немис ёзувчиси Вильгельм Риль (1823-1897) эса ўзининг немис халқи тарихига доир тадқиқотида мамлакатнинг жўғрофий тузилиши ва унда истиқомат қилувчи аҳоли орасидан тўпланган фактик материалларни тарихий-жўғрофий метод асосида тавсифлади. Унинг издоши В.Шварц эса немис деҳқонларининг урф-одат ва маросимларида сақланиб қолган қадимги тасаввурларнинг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишларини уларнинг тарихий-жўғрофий жиҳатдан тарқалиш доирасига кўра ўрганди. Шу тариқа, даниялик С.Грундтвигнинг фольклор асарларини барча вариантлар асосида илмий тавсифлаш усули ҳамда В.Рилнинг фактик материалларни тарихий-жўғрофий жиҳатдан тарқалиш доирасига кўра баҳолаш мезони Ю.Крон томонидан ишлаб чиқилган “тарихий-жўғрофий метод”нинг юзага келиши учун илмий-назарий асос вазифасини ўтаган.

Фин фольклоршунослигидаги “тарихий-жўғрофий метод”нинг шаклланишида қиёсий тилшунослик ва ҳинд филологияси бўйича йирик мутахассис, Гёттинген университети профессори, “сайёр сюжетлар” миграцияси, яъни

“Ўзлаштирма назарияси” (“теория заимствований”)га асос солган немис филолог олими Т.Бенфей(1809-1881)нинг “**тарихий-ориенталистик назарияси**” ҳам муҳим аҳамият касб этган. Жаҳон халқлари адабиёти ва фольклоридаги муштарак сюжетларни қиёсий ўрганган Т.Бенфей Европа халқлари оғзаки ижодидаги кўпгина асарлар Ҳинд адабиёти таъсирида шаклланган ва аксинча, Марказий Европада яратилган айрим фольклор намуналари Кичик Осиё орқали шарқ мамлакатлари халқлари орасида оммалашиб кетган, деб ҳисоблайди. Т.Бенфей оғзаки бадиий анъананинг эпик сюжетлар миграциясидаги ролини алоҳида эътироф этгани ҳолда, кўпинча адабий ёдгорликлар ёки фольклор асарларининг бадиий жиҳатдан қайта ишланган намуналарига таяниб иш кўрган. Фин олими Ю.Крон эса, Т.Бенфейдан фарқли ўлароқ, бадиий анъана тараққиётида халқ поэтик хотирасининг қадимий шакллари ўзида сақлаб келаётган фольклор асарларини қиёсий таҳлил учун манба қилиб олган. Аммо поэтик асарнинг илк матнларини тиклаш муаммоси ҳар иккала олим учун ҳам устувор илмий мақсад ҳисобланган.

“Тарихий-жўғрофий метод”нинг ривожланиши ва такомиллашишида Ю.Кроннинг ўғли, Хелсинки университети профессори, халқ оғзаки бадиий ижоди ва қиёсий фольклоршунослик бўйича йирик мутахассис, “Ўзлаштирма назария”нинг ўзига хос талқини ҳисобланган “**географик-тарихий метод**” муаллифи Каарле Крон(1863-1933)нинг хизматлари катта бўлди. К.Крон отасининг “Калевала”ни ўрганиш борасидаги илмий изланишларини давом эттиргани ҳолда ўз назарий қарашларини қуйидагича талқин қилган:

- 1) эпос ва халқ қўшиқларининг байналмилал характери фақат унинг ғоясида эмас, балки сюжетида ҳам акс этади;
- 2) сюжет муайян мотивлар тизимидан ташкил топади;
- 3) сюжетнинг илк манбаи унинг барча вариантларини қиёслаш натижасида аниқланади;

4) адабий анъанада мавжуд бўлган барча вариантлар жонли оғзаки ижро жараёнида ёзиб олинган бўлса жўғрофий жиҳатдан тасниф қилинади;

5) тадқиқотни тўла яқунлаш учун ҳар бир вилоят, ҳар бир провинция, ҳар бир қишлоқдан ёзиб олинган вариантлар керак бўлади. Муайян фольклор асарининг барча вариантлари таҳлил қилинганда унинг архетипи аниқланади.¹

К.Кроннинг бу таълимоти ўша пайтда Европа фольклоршунослигида ғоят кенг ёйилган эди. 1893 йилда “Золушка” (“Етим қиз”) типидagi халқ эртакларининг Ж.Куокс томонидан тавсифланган 350 та варианты нашр этилганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

К.Крон ўз ҳамкасблари – фин олими А.Аарне, швед олими К.В.фон Сидов ҳамда даниялик фольклоршунос Аксел Ольрик билан биргаликда 1907 йилда “Халқаро фольклоршунослар жамияти” (“Folklore Fellows Communications”) ёки қисқартма шакли “FFC”)ни тузди. Ана шу жамият нашри ҳисобланган журналда ҳар йили эртак сюжетларининг кўрсаткичларини тузиш борасидаги изланишларнинг натижалари чоп этирила бошланди.

К.Крон фин фольклоршуносларининг “муайян фольклор асарининг қадимий шакли содда кўринишга эга бўлади” деган қарашини ривожлантириб, афсона ёки эпик ривоянинг илк шаклини белгилаш тарихий-жўғрофий тадқиқотнинг бош масаласи эмас, деган хулосага келди. Унинг фикрича, бу метод илк бадиий шаклнинг турли даврлар ва турли ҳудудларда тарқалган вариантларидаги ўзгаришларни аниқлашда яхши самара беради. Олим бу назарий қарашини ўзининг қиёсий адабиётшуносликка оид ишларида, одам ва тулки ҳақидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотида, шунингдек, “Кадевала” ва эстон халқ қўшиқлари ҳақидаги асарларида, айниқса, 1926 йилда нашр

¹ Юқоридаги манба. 331-бет.

этирилган “Фольклорни ўрганиш методи” (“Die folkloristische Arbeitsmethode”) асарида янада такомиллаштирди.

“Тарихий-жўғрофий метод” кейинчалик Ю.Крон ва К.Кронларнинг шоғирди, фин фольклоршунослик мактабининг йирик намояндаси Антти Ааматус Аарне (1867-1925)нинг ишларида давом этирилди. Унинг 1910 йилда нашр этилган “Эртақ типларининг кўрсаткичи” (“Verzeichnis der Marchentypen”), 1913 йилда чиқарилган “Қиёсий эртақшунослик асослари” (“Leitfaden der vergleichenden Marchenforshung”) каби асарлари тарихий-жўғрофий метод асосида яратилган. А.Аарне дунё халқлари эртақларини “мотивлар силсиласидан ташкил топган сюжет”лар бўйича таснифлаб, муайян типларга ажратган. Бу асар ҳозирга қадар фольклоршуносликда эпик сюжетлар ва мотивларни системалаштиришнинг илмий-назарий асоси сифатида фойдаланиб келинмоқда.

А.Аарненинг “Кўрсаткичи” асосан Европа халқлари эртақлари асосида тузилган бўлиб, унда эртақлар қуйидагича таснифланган: I. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар; II. Соф эртақлар: а) сеҳрли эртақлар; б) афсонавий эртақлар; в) новеллистик эртақлар; г) лақма шайтон (ёки “паҳлавон”) ҳақидаги эртақлар; III. Латифалар.

Бу гуруҳларга мансуб эртақлар мавзу типлари бўйича тавсифланган бўлиб, ҳар бир эртақ ўзининг алоҳида тартиб рақамига эга. Олим “Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар”ни 1-299, “Соф эртақлар”ни 300-1199, “Латифалар”ни эса 1200-1999 рақамлари билан белгилаган.

“Фин фольклоршунослик мактаби”нинг асосий ютуғи - таҳлилга жалб этилаётган фактик материалнинг қамрови кенглиги, сюжетларнинг вариантлари имкони борича географик ва тарихий-хронологик нуқтаи назардан кўпроқ бўлишига эришишдан иборат эди.¹ Бу мактаб методикаси ўрганилаётган эпик

¹ Жирмунский В.М. К вопросу о международных сказочных сюжетах // Русская фольклористика. – М: Высшая школа, 1970. С.312.

сюжетнинг жаҳон халқлари фольклорида мавжуд бўлган ва аниқланган барча вариантларини қамраб олиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам фин фольклоршунослик мактабининг илмий методи баъзан “жўғрофий-статистик метод” деб ҳам аталади. Мавжуд барча вариантларни қиёсий ўрганиш асосида муайян эртақнинг архетипини реконструкция қилиш ҳамда мазкур сюжетнинг илк шаклланиш жойи ва манбаини аниқлаб, унинг кейинги тарқалиш ареалини эртақ мотивлари, сюжетлари ва сюжет элементларини формал таҳлил қилиш асосида кўрсатиб бериш фин фольклоршунослик мактабининг ўзига хос хусусияти бўлган. Шунинг учун ҳам бу мактаб методикаси фольклоршунослар томонидан “статистик-схематик таҳлил” деб баҳоланди ва А.И.Никифоров, Р.М.Волков, Д.К.Зеленин, К.С.Конкка каби фольклоршуносларнинг баҳс-мунозарали чиқишларига ҳам сабаб бўлди.¹

А.Аарне томонидан ишлаб чиқилган “Кўрсаткич” эса жаҳон халқлари эртақларини яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш ва сюжетларни қиёсий ўрганиш моделини тақдим этганлиги билан фин фольклоршунослик мактабининг кучли жиҳатини акс эттиради.

Шу билан бир қаторда, “фин мактаби” томонидан фольклорни тадқиқ этишга татбиқ қилинган метод муайян камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Эртақшуносларнинг 1932 йилда Лунде (Швеция) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конгрессда сўзга чиққан швед олими К.В.Сидов бу мактабнинг асосий назарий хатоларини шундай баён қилди: “агар Антти Аарненинг айрим эртақларга бағишланган монографияси ҳамда “фин мактаби”нинг бошқа мамлакатлардаги тарафдорлари томонидан ёзилган худди шунга ўхшаш ишлар билан танишиб чиққан киши эртақшунослик боши берк кўчага кириб

¹ Бу ҳақда қarang: Волков Р. Финская школа перед кризисом // Этнография. 1934. №4. С.141-144; Конкка У.С. “Финская школа” о сказке // Этнография. 1934. №4. С.17-26.

қолганлиги, энди бу йўл билан ҳеч қаёққа бора олмаслигига амин бўлади. “Фин мактаби”да ишлаб чиқилган метод шу қадавр содда, схематик ва бунинг устига, кўпинча ноаниқ ва юзаки маълумотларга асосланган. Ҳар бир монографик тадқиқотнинг вазифаси мазкур эртакнинг илк сюжет асосларини топиш ва у юзага келган жойни аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда эртакнинг барча вариантлари бир хилда баҳоланади ва таҳлил схематик-статистик усулда олиб борилган. Бундай тадқиқот натижасида эса эртакнинг дастлаб пайдо бўлган энг содда сюжет ўзаги эмас, балки мукамал мотивлар таркибига эга бўлган яхлит матн, яъни эртак тараққиётининг энг кейинги маҳсули аниқланган. Ўзининг сюжет қурилишига кўра тадқиқотчилар аниқлаган ана шу “праформа”га энг яқин деб топишган эртак ёзиб олинган жой эса эртакнинг просюжети юзага келган тахминий ҳудуд деб белгиланади”¹.

Тарихий-жўғрофий методнинг “схематизм” билан боғлиқ хатолари америкалик профессор Стиф Томпсон томонидан тўғриланди. У 1926-1927 йилларда К.Крон раҳбарлигида А.Аарненинг “Эртак типлари кўрсаткичи”ни қайта нашрга тайёрлаш борасида бошлаган ишларини давом эттирди ва уни инглиз тилига таржима қилиб 1928 йилда нашр эттирди. Орандан бир йил ўтгач, “Folklore Fellows Communications”, яъни “FFC” йиллик илмий тўпламида румин, венгер, исланд, испан эртакларининг сюжет кўрсаткичлари чоп этирилди.

Эртакшуносларнинг 1935 йилда Лунде шаҳрида ўтказилган навбатдаги халқаро анжуманида А.Аарне кўрсаткичининг бойитилган ва тўлдирилган намунасини тайёрлаш лозим, деган хулосага келинди. Аввалги изланишлардан фарқли ўлароқ, янги кўрсаткични яратишда фақат эртаклар билан чекланиб қолмасдан, дунё халқлари фольклоридаги миф, афсона, латифа ҳамда бадиий жиҳатдан қайта ишлан-

¹Иктибос қуйидаги манбадан олинди: Зеленин Д. Международная конференция фольклористов-сказковедов в Швеции // Этнография. 1934. №1-2. С.224.

ган адабий эртаклар материални ҳам жалб қилиш тавсия қилинди. Бу ғоят машаққатли ва кўламдор тадқиқотни амалга ошириш эса С.Томпсон зиммасига тушди.

С.Томпсон жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп этирилган ва Фольклор архивларида сақланаётган улкан ҳажмдаги фактик материални таҳлил қилишга киришар экан, “фин мактаби” асосчилари томонидан қўлланилган “типларга ажратиш методи” бу даражадаги катта материални системалаштира олмаслигини сезиб қолди. Ўз салафларидан фарқли ўлароқ, С.Томпсон сюжетларни типларга ажратишнинг энг кичик рубрикатив бирлиги сифатида сюжетни эмас, балки мотивни танлади ва шу асосда иш олиб борди. Шунинг учун ҳам 1936 йилда нашр этилган 6 жилдлик каталог “Эртак мотивларининг кўрсаткичи” деб аталган бўлиб, илк жилднинг аввалидаги сўзбошида “Кўрсаткич”нинг моҳияти ҳақида маълумот берилган эди.

С.Томпсон ўзининг мазкур “Кўрсаткич”ига киритилган мотивларни қуйидаги тартибда гуруҳлаштирилган:

- 1) қадимги космогоник миф мотивлари;
- 2) тотемизм, магия, инонч-эътиқодлар, халқ қарашлари, файриоддий кучлар ҳақидаги тасаввурлар ҳамда жониворларнинг рамзий образлари билан алоқадор мотивлар;
- 3) “инсон тақдири ва характерининг индивидуал сифатлари” тасвири билан боғлиқ мотивлар;
- 4) қироллар, шаҳзодалар, шоҳона урф-одатлар, ижтимоий табақалар ва касб-ҳунарлар билан боғлиқ насрий асарлар мотивлари (С.Томпсон бу гуруҳни “ижтимоий тизимга оид мотивлар” деб номлаган);
- 5) тақдирлаш ва жазолаш билан боғлиқ мотивлар;
- 6) қочиш, жоҳиллик, шаҳвоният, уйланиш ва туғилишга оид мотивлар;
- 7) диний мотивлар;
- 8) юмористик мотивлар.

Халқ насри асарларини сюжет типлари бўйича эмас, балки сюжет қурилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар силсиласи асосида таснифлашнинг С.Томпсон томонидан таклиф қилинган усули фольклоршунослар томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки аввалгисига нисбатан мукамалроқ бўлган бу усулнинг афзаллиги - эпик сюжетлар миграциясининг ҳудудий қамровини янада аниқроқ белгилаш, таҳлил қилинажак фактик материал қамровини кенгайтириш ҳамда фольклорнинг эртақдан бошқа жанрларига ҳам татбиқ этилиш имкониятига эғалигида эди.

С.Томпсон 1946 йилда Индиана университети (АҚШ) ҳузурида Фольклор институтини ташкил этди ва фольклоршуносликдаги “антропологик мактаб” вакилларининг баҳс-мунозараларига қарамай,¹ «тарихий-жўғрофий метод» асосидаги илмий тадқиқотларни изчил давом эттирди. Натижада Полинезия ва Микронезия, Европа мамлакатлари ва Америка халқлари эртақларининг мотивлар кўрсаткичлари нашр этилди. 1955 йилдан бошлаб эса С.Томпсон томонидан тузилган “Мотивлар кўрсаткичи”нинг қайта ишлаб, тўлдирилган нашри чиқарила бошланди.

Жаҳон халқлари фольклорининг эртақ, миф, афсона, ривоят, нақл, масал, латифа ва бошқа жанрлари материаллари асосида тўлдирилган мазкур “Кўрсаткич” фольклоршуносликда “байналмилал йиғма каталог” сифатида юқори баҳоланди. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткич “Халқаро фольклоршунослар жамияти” (FFC) томонидан 1961 йилда Хелсинкида нашр этирилди. Илмий изоҳлар, тузатишлар ва аниқликлар киритилган кейин 1964, 1973 йилларда қайта чоп этилди ва “**Аарне-Томпсон кўрсаткичи**” номи билан аталди. А.Аарне ишлаб чиққан тизим ва методикани қўллаб иш кўрган С.Томпсон каталог яратишда ўша давргача нашр этирилган барча

¹ Землянова Л.М. Современная американская фольклористика. – М: Наука, 1975. С.122-125.

эртақ тўпламларидаги материаллар, илмий тадқиқотларда таҳлил қилинган сюжетлар ва фольклор архивларида сақланаётган матнлардан фойдаланган. Бу каталог эртақларни системалаштиришнинг асосий илмий кўрсаткичига айланди ва эртақ сюжетларининг миллий каталогларини яратишга бел боғлаган фольклоршунослар ана шу манбадан фойдаланиб, сюжет типларини “АТ” белгиси асосида тасвифлайдилар.

Фин фольклоршунослиги мактаби вакили В.Винерт эса антик маданиятга мансуб масалларнинг «миқдорий-статистик кўрсаткичи»ни яратди (1925).

“Фин фольклоршунослик мактаби”нинг методи асосида чех фольклоршуноси Ю.Поливка немис олими И.Больте билан ҳамкорликда “Ака-ука Гримм эртақлари кўрсаткичи”(1913)-нинг беш жилддигини чоп эттирди. Европа фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутувчи бу “Кўрсаткич”да ҳар бир эртақ сюжетининг дунё халқлари орасида тарқалган вариантлари ҳамда аниқ манбаи берилган. Шунингдек, профессор В.Андерсон, В.Н.Андреев, В.Тилле, Р.Т.Христиансен ва бошқа олимларнинг XX аср бошида яратилган илмий тадқиқотларида “тарихий-жўғрофий метод” кенг кўламда қўлланилди. Бу метод асосида А.Шуллерус 1928 йилда румин халқ эртақларининг сюжет кўрсаткичини тузди.

Рус олими В.Н.Андреев А.Аарне “Кўрсаткичи”ни рус тилига таржима қилди ва уни 1929 йилгача ёзиб олиб, нашр этилган ҳамда илмий манбаларда таҳлилга тортилган рус халқ эртақлари сюжет тизимига оид материаллар билан тўлдириб, “Эртақ сюжетларининг Аарне-Андреев системаси бўйича кўрсаткичи” (1929) номи билан нашр эттирди. Шу тариқа рус фольклоршунослигида эртақ сюжетларини илмий тавсифлаш ва таснифлашда юқоридаги нашрни асос қилиб олиш ҳамда ҳар бир сюжет типини “АА” белгиси остида гуруҳлаштириш анъанага айланди.

“Тарихий-жўғрофий метод” асосида эртақ сюжетларини

системалаштириш ва қиёсий жиҳатдан тадқиқ этишга Л.Г.Бараг катта ҳисса қўшган. У XVIII-XX асрларда ёзиб олиниб, нашр этилган рус, белорус, украин халқ эртақларининг сюжет таркибини таҳлил қилиб, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, В.Н.Новиковлар билан ҳамкорликда “Сюжетларнинг қиёсий кўрсаткичи. Шарқий славян эртақлари” номли йирик каталогни тайёрлади. 1979 йилда нашр этилган бу “Кўрсаткич” Аарне-Томпсон системасига асосланган. Китобдан “Шарқий славян эртақлари учун хос бўлган сюжет-мотивлар контаминацияси”, “Томпсон ва Аарне-Андреев кўрсаткичидаги рақамлар билан қиёсий жадвал”, “Шарқий славян эртақларига доир энг муҳим тадқиқотлар”, “Эртақ ва бошқа эпик жанрлар сюжетларининг кўрсаткичлари рўйхати”, “Географик кўрсаткич” каби иловалар ҳам жой олган. Кенг қамровли материал асосида қурилган ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган мазкур кўрсаткич “СУС” атамаси билан фольклоршуносликда катта шухрат қозонди.

XX асрнинг 50-йилларига келиб, «тарихий-жўроғий мактаб» вакиллари ҳар бир эпик сюжет ёки мотивнинг тарқалиш ареалини аниқлашни эмас, балки муайян фольклор асарлари илк бор юзага келган, яъни сюжетларнинг архаик шакллари яратилган жойни аниқлашга асосий диққатни қарата бошладилар. Фин олими В.Андерсоннинг илмий излаишлари фикримиз далили бўла олади.

Бундан ташқари, А.Аарне системаси асосида испан (Ж.Е.Келлер, 1949), серб (П.Недо, 1956), Куба, Доминикан Республикаси ва Шимолий Америка (Т.Л.Хансен, 1957), венгер (К.Ковач, 1958), хорват (М.Бошкович-Стулли, 1959), ҳинд (С.Томпсон, В.Робертс, 1960), поляк (Ю.Кшижановский, 1962-63), инглиз (Е.В.Боунгман, 1966), Марказий Африка (В.А.Ламбретт, 1967), япон (Х.Икеда, 1971), осетин (А.Х.Бязи-ров, 1972), словак (В.Гашпарикова, 1974), грузин (Т.О.Курдованидзе, 1977), латиш (К.Араис, А.Медне, 1977; “Араис-Медне каталоги” дейилади), абхаз, авар (И.Левин, У.Мазинг, 1965-

1975), белорус (Л.С.Бараг), чечен-ингуш (Б.С.Сагдуллаев, 1980), адиг (А.И.Алиева, 1986) ва бошқа халқлар эртақларининг сюжет кўрсаткичлари ва мотив-индекслари кўрсаткичлари тузилди.

Кейинги йилларда фольклорнинг эпик жанрларига мансуб асарларнинг сюжет ва мотивлар кўрсаткичини тузишда компьютер технологиясининг имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, Россия Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотлар дастурининг “Евросиёда маданий мулоқотлар” йўналиши асосида 2004 йилда ФАнинг Санкт-Петербург бўлими томонидан берилган 04-06-80238 рақамли грант асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борган рус олими Ю.Е.Березкин “Америка ва Евросиё халқлари фольклоридаги мифологик мотивлар каталоги”ни тузди. Бу каталог Осиё ва Америка қитъаларининг 208 ареалидан тўпланган 35 минг матннинг аннотацияси асосида аниқланган 1164 та мотивни ўз ичига олган. Евросиё, Австрало-меланезия, шимолий Америка халқлари фольклоридаги мифологик мотивлар икки типга, яъни «космологик ва этиологик мотивлар» (525 та) ва «қолган барча мотивлар» (639 та)га бўлиб таснифланган. Ю.Е.Березкин Америка ва Евросиё халқлари мифологиясидаги параллелликлар илк глоцен даври, яъни бундан 8-10 минг йиллар бурунги жараёнлар билан боғлиқ, деган хулосага келган. Бу каталогнинг электрон версияси муаллиф томонидан муттасил тўлдириб борилмоқда.¹

Эртақларни каталоглаштириш ва уларнинг сюжет кўрсаткичларини тузиш юзасидан туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам анча ишлар амалга оширилган. 1953 йилда турк халқ эртақларининг немис олими В.Эдэрханд ва П.Т.Боратов томонидан тузилган сюжет кўрсаткичи нашр этилган эди.

¹ Березкин Ю.Е. Южно-сибирско-североамериканские связи в области мифологии // Археология, этнография и антропология Евразии. - 2003. - №2 (14). С.94-105; Его же. О путях заселения Нового Света: некоторые результаты сравнительного изучения американских и сибирских мифологий // Археологические вести. - 2003. - Вып.10. С.228-285.

Туркман олими А.Баймирадов “Ҳайвонлар ҳақидаги туркман эртаклари” (1986) номли тадқиқотида А.Аарне, С.Томпсон, Н.П.Андреев методини туркман фольклоридаги мажозий эртакларга татбиқ этган.¹

Бошқирд фольклоршуноси А.М.Сулаймонов ўзининг “Бошқирд халқ маиший эртаклари” (1994) номли асарида туркий халқлар фольклоршунослигида биринчи бўлиб маиший эртаклар туркумини халқаро сюжет кўрсаткичлари ва каталоглар (“АТ”, “СУС”)га қиёслаш асносида тадқиқ этди. Натижада халқаро каталогларда қайд қилинган сюжет типларининг деярли барчаси бошқирд фольклорида мавжудлиги аниқланди.²

«Тожик фольклори куллиёти» силсиласида 1981 йили нашр этилган «Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ва масаллар» номли китобда 419 та тожик халқ эртаклари ҳамда масаллари А.Аарне-С.Томпсон, В.Эдэрҳанд-П.Т.Боратов каталоглари асосида системалаштирилган.³ Тўпламга фольклоршунос Мирра Явич томонидан тузилган «Тожик мажозий эртакларининг асосий мотивлар кўрсаткичи» ҳам илова қилинган.

Ўзбек фольклоршунослигида тарихий-жўғрофий метод асосига қурилган йирик тадқиқотлар яратишга эндигина киришилаётган бўлса-да, халқ эртакларининг сюжетини Аарне-Томпсон, Аарне-Андреев кўрсаткичларига солиштириб ўрганиш тажрибаси анчадан буён қўлланилмоқда. Хусусан, профессор Ф.Жалоловнинг “Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси” (1976) асарида ўзбек фольклоридаги оригинал сюжетли эртаклар мавжудлигини илмий далиллаш мақсадида Аарне-Андреев каталогига “300” рақами билан белгиланган “Илонни енгувчи” сюжет типининг ўзбеклар орасида тарқалган миллий версиялари таҳлил қилинган. Аарне-Андреев ката-

¹ Баймирадов А. Ҳайвонлар ҳақидаги туркман эртекилери. – Ашхабад, 1986. 49-78-бетлар.

² Сулейманов А.М. Башкирские народные бытовые сказки. – М: Наука, 1994. С.208.

³ Свод таджикского фольклора. Т.1. Басни и сказки о животных. Составители: И.Левин, Дж. Рабиев, М.Явич. – М: Наука, 1981.

логигади 301-сюжет типини ўзбек фольклоридаги уч оға-инининг сафарга чиқиши ва гўзал қизни олиб қайтаётган кенжага акаларининг душманлик қилиши ҳамда кенжа кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, ўз уйига келиши ҳақидаги эртакка ўхшашлиги аниқланган. 301-сюжет типига хос мотивлар “Абулқосим”, “Миср подшоиси”, “Сеҳрли олма” каби эртакларда ҳам учрашини, шунингдек, “300, 313, 325, 400, 403, 450, 465, 511, 513-эртак сюжетларининг рус ва бошқа халқлар фольклоридаги талқинлари билан ўзбек эртаклари орасида баъзи бир умумийлик” мавжудлигини қайд қилган тадқиқотчи ўзбек халқ эртакларининг сюжети халқаро эртак сюжетларига монанд бўлса-да, бу эртаклар ўзбек халқининг қадимий маданияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, деб ҳисоблайди.¹

Фольклоршунос Т.Раҳмонов ўғайлик мавзусидаги халқ эртакларининг ўзбек фольклорида оммалашган сюжет типларини аниқлашга доир илмий ишида² шартли равишда “беғуноҳ жабрланганлар” деб аталган мавзу гуруҳининг “Ўғай она ва ўғай қиз” (АТ-403, 480, 510); “Сохта келин” (АТ-425,533); “Опа ва ука”(АТ-450); “Кўлсиз қиз” (АТ-706); “Билмасвой” (АТ-532); “Ўғай она ва ўғай ўғил” (АТ-511); “Ғаройиб болалар” (АТ-707); “Ўғай онам ўлдирди мени” (АТ-720); “Ўлик малика ёхуд сеҳрли ойна” (АТ-709); “Тухматга учраган хотин” (АТ-712); “Тухматга учраган қиз” (АТ-883) каби сюжет типлари мавжудлигини аниқлади.

Филология фанлари номзоди М.Содиқованингни ўғай қиз типигади эпик сюжетларнинг ўзбек фольклоридаги талқинларига бағишланган “Ўғай қиз типигади туркум эртакларнинг генезиси, спецификаси ва поэтикаси” мавзуидаги диссертация ишида (2001) бу йўналишдаги изланишлар изчил давом эттирилди. А.Аарне, С.Томпсон, А.П.Андреев,

¹ Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. 40-бет.

² Раҳмонов Т. “Беғуноҳ жабрланганлар” тематик туркумининг сюжет таркиби // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 6-сон. 61-63-бетлар.

Л.Г. Бараг каби олимлар томонидан қўлланилган тадқиқот методи асосида иш олиб борган ёш олима ўғай қиз ҳақидаги туркум эртақларнинг ўзбек фольклорида тўққиз хил сюжет типи мавжудлигини аниқлади. Ўзбек фольклоридаги ўғай қиз ҳақидаги эртақларни муайян типларга ажратиб тавсифлашга бағишланган мазкур тадқиқот натижалари ўзбек халқ эртақларининг сюжет ва мотивлар кўрсаткичини тузиш учун материал бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотчи ўзбекларнинг ўғайлик мавзусига доир эртақларини жаҳон халқлари фольклоридаги ўғай қиз ҳақидаги эпик сюжетлар билан қиёслаб, уларнинг ўзига хос ва фарқли жиҳатларини аниқлади.

Масалан, Аарне-Андреев ва Аарне-Томпсон кўрсаткичларида “Ўғай она ва ўғай қиз” деб номланиб, АТ-480 рақами билан белгиланган сюжетнинг беш хил кўриниши берилган: 1) АА480*А рақамли сюжет типи талқинича, қудуқдан сув олаётганда бехосдан челакни тушириб юборган ўғай қиз онасининг қаҳридан кўрқиб, челак ахтариб йўлга тушади. Сехргар унга яхшилиги учун бир сандиқ тилла совға қилади. Ўғай онанинг қизи ўзининг уқувсизлиги туфайли оловда куйиб ўлади; 2) ўрмонга адаштириб келинган ўғай қизни Аёзбобо (ялмоғиз кампир, алвасти ва ҳ.к.) синаб кўриши ва совға бериши ҳақидаги эртақ сюжети АА480*В деб белгиланган; 3) АА480*С рақамли сюжет талқинича, ўрмонга адаштириб келинган ўғай қиз айиқ билан бекинмачоқ ўйнайди ва ўша айиқ ёрдамида бахтга эришади; 4) мазкур сюжетнинг АА480*Е рақамли вариантыда эса ўрмонга адаштириб келинган ўғай қизга мушук, олма, берёза дарахти ва печка ёрдам берадилар; 5) АА480*Д рақамли сюжет типи эса ўғай она қистови билан ўрмонга юборилган етим қиз шайтонни алдаб, тонг оттириши воқеалари ҳикоя қилинади.

М. Содиқованинг тадқиқотлари натижасида ўзбек эртақчилари репертуарида мазкур эпик сюжетнинг ўзига хос типи мавжудлиги аниқланди. “Подавоннинг қизи” деб номлан-

ган бу эртақ Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи 55 яшар Иқлим Абдуллаевдан 1975 йилда С. Умаров томонидан ёзиб олинган бўлиб, тадқиқотчи ана шу сюжет типини АА480*F деб тавсифлаганлиги жаҳон халқлари эртақлари сюжети ва мотивлар тизимининг каталогини мукамаллаштиришга қўшилган катта ҳиссадир.

Бу эртақда етим қизнинг ўғай она қистови билан бадарға қилинишига боғлиқ воқеалар мазкур типга мансуб эртақлар сюжетининг анъанавий мезоний шаклига монанд ҳолда тасвирланган. Аммо эртақ қаҳрамони Нордонхоннинг шундан кейинги саргузаштлари, айниқса, каптар кўринишидаги афсонавий ҳомийларнинг унга ёрдам бериши воқеалари бошқа халқлар эртақларида учрамайди. Демак, «тарихий-жўғрофий метод» асосида олиб бориладиган изланишлар фольклор асарларини жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижодиёти контекстида таҳлил қилиш ва ўзига хос жиҳатларни белгилаш учун қимматли маълумотлар беради.

“Тарихий-жўғрофий метод” фольклорнинг эпик жанрларига хос сюжет ва мотивларнинг тарқалиш ареалини аниқлаш, у ёки бу сюжетнинг турли вариантларини қиёсий таҳлил қилиш асносида бирламчи эпик ўзак – архетипларни белгилаш, сюжетларнинг юзага келиш жараёни ва тарқалиш кўламига доир илмий кузатишлар олиб бориш имконини беради.

“САЙЁР СЮЖЕТЛАР” НАЗАРИЯСИ

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, фольклоршунослар мифларни қиёсий ўрганиш мақсадида жуда бой фактик материал тўпладилар. Бу эса жаҳоннинг турли жойларида истиқомат қилувчи халқлар оғзаки бадиий ижоди ва ёзма адабиётида кўплаб ўхшаш сюжет, мотив ва образлар мавжудлигини кўрсатди. Аниқланишича, тарихий-этник келиб чиқишида умумийлик бўлмаган халқларнинг эртақлари орасида сюжет қурилиши ва мотивлар тизимида кўра бир-би-

рига жуда ўхшаш асарлар кўпчиликни ташкил этар экан. Дунё халқлари фольклоридаги бундай муштаракликларнинг сабабини ўша давр фольклоршунослигидаги асосий йўналиш ҳисобланган “мифологик мактаб”нинг “ҳинд-европа бобосюжетлари”ни ўрганишга асосланган “қиёсий-филологик” методи ёрдамида аниқлашнинг имкони бўлмади. Чунки эпик сюжетларида ўхшашлик мавжудлиги аниқланган халқлар бир-биридан жўғрофий ўрни, этник мансубияти, диний-этиқодий қарашлари ва турмуш тарзига кўра жиддий фарқланиб турарди. Шу тариқа, фольклорнинг бу ўзига хос хусусиятини янги илмий концепция ва назария асосида тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилди ва турли-туман халқлар фольклоридаги ўхшашликларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган “сайёр сюжетлар назарияси” юзага келди.

Ҳар хил халқлар сўз санъатидаги муштарак эпик ҳодисаларни фольклоршуносликда “миграцион назария”, “ўзлаштириш назарияси”, “кезувчи сюжетлар назарияси”, “сайёр сюжетлар назарияси” каби турли хил номлар билан аталувчи мазкур илмий йўналиш XIX асрнинг 50-йилларидан эътиборан Ғарбий Европа фольклоршунослигида “миграцион мактаб” номини олди.

Турли халқлар эпик сюжетларининг ўхшашлиги биринчи марта “Калила ва Димна” масалларини тадқиқ этган француз олими Сильвестер де Саси томонидан аниқланган эди. У узоқ йиллар мобайнида “Панчатантра” устида илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва 1816 йилда “Калила ва Димна” ёки араб тилидаги «Бидпай масаллари» номли китобни чоп эттирди.¹ С.Саси буддавийлик ақидаларини тарғиб этувчи адабиётларни, хусусан, будда қоҳинларининг афсона, ривоят, нақл ва масалларини ўрганиб, буддизм инқирозидан кейин бу таълимотнинг маърифий-адабий меросидан брах-

¹ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.317-318.

манлар фойдаланиши ва “Панчатантра”нинг шаклланиш тарихига доир қимматли фикрлар билдирди.

Гарчи бу тадқиқотда эпик сюжетларнинг кўчиши хусусида фикр юритилмаган бўлса-да, С.Сасининг илмий қарашларини давом эттирган Л.Делоншаннинг “Ҳинд масаллари ва уларнинг Европага тарқалишини ўрганиш тажрибасидан” (1848), В.Вагенернинг “Ҳинд ва юнон апологлари орасидаги ўзаро алоқалар ҳақида очерк” (1852) асарида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг оммалашишида ўзаро таъсир ва маданий алоқалар муҳим роль ўйнаганлиги эътироф этилди. Бу икки тадқиқотчи қадимги юнон масалларининг маълум бир қисми Осиё халқлари фольклорининг таъсирида юзага келганлигини асослаб, ҳинд адабиётининг маърифий характердаги адабий жанри – апологларнинг юнонлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида масал жанри келиб чиққан, деган қарашни илгари сурдилар.

Л.Делоншаннинг ҳинд апологлари ва юнон масаллари орасидаги алоқадорлик тўғрисидаги гипотетик қарашлари таниқли немис филолог олими, қиёсий тилшунослик ва ҳинд филологияга доир кўплаб илмий асарлар муаллифи, Гёттинген университети профессори Теодор Бенфей (1809-1881) томонидан яратилган “миграцион назария”нинг келиб чиқишига асос бўлди.

Т.Бенфей “мифологик мактаб” вакилларининг фольклор асарлари ғоят қадимий асосларга эгаллиги ҳақидаги илмий қарашларини маъқуллагани ҳолда, “халқ оғзаки бадиий ижодиётининг тараққиёти ўзаро маданий ва адабий таъсир жараёни билан чамбарчас боғлиқдир”, - деган хулосага келди. У фольклорнинг ривожланишида миллий менталитет ва тарихий омилларнинг аҳамиятини эътибордан соқит қилганига қарамай, ўзининг ҳинд адабиёти сюжетларининг бошқа халқлар фольклорига “кўчиб ўтиши” ҳақидаги илмий қарашлари билан фольклоршунослик тарихида бурилиш ясади.

Т.Бенфей қадимги ҳинд эртақлари, нақл ва масаллари тўплами “Панчатантра”(милодий I аср)ни немис тилига таржима қилди ва 1859 йилда нашр эттирди. Олимнинг ана шу нашрга сўзбоши сифатида илова қилинган қарийиб 600 саҳифалик тадқиқотида санскрит эртақлари жаҳондаги бошқа халқлар фольклорида мавжуд бўлган эпик сюжетлар билан ўхшашлигига кўплаб далиллар келтирилган. Шунинг учун ҳам Т.Бенфейнинг ана шу сўзбоши-тадқиқоти фольклоршунослик тарихидаги “миграцион мактаб” назариясининг бошланғич нуқтаси бўлди.

Чунки Т.Бенфей “Панчатантра” ва Европа халқлари эртақлари сюжет тизимидаги ўхшашликнинг сабабини ҳинд-европа халқларининг этник тарихидаги муштарақлик (яъни “мифологик мактаб” тарафдорлари таъбири билан айтганда, “ҳинд-европа бобосюжетлари”)дан эмас, балки, бу халқлар ўртасидаги ўзаро маданий-тарихий алоқалардан излаш лозим, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, Шарқ маданиятининг Ғарбий Европа халқларига таъсири бир неча тарихий босқичларни ўз ичига олади. Искандар Зулқарнайннинг юришлари ва эллинизм даври(милоддан бурунги VIII асрлар)да амалга оширилган савдо-иқтисодий, маданий алоқалар “эпик сюжетларнинг кўчиши” жараёни рўй берган биринчи босқич бўлса, араб истеълочиларининг хуружи ва салб юришлари даври иккинчи босқич деб талқин қилинади. Т.Бенфейнинг тахминича, Осиё халқлари адабиётининг Европа фольклорига таъсири сезиларли даражада кучайиши билан характерланган ана шу “иккинчи босқич”да Шарқ адабиёти Европага асосан уч йўналиш бўйлаб кириб келган: 1) Ўрта ер денгизи соҳиллари мамлакатлари, шунингдек, Испаниянинг араблар томонидан истеъло этилиши ҳамда “мавритания маданияти”нинг юзага келиши; 2) Шарқ маданиятининг Юнонистон архипелаги орқали Сицилия ва Италияга кириб келиши; 3) фольклор асарлари ва адабий сюжетларнинг Ўрта ва Ки-

чик Осиёдан Византия ҳамда Болқон ярим ороли орқали Шарқий Европага “Буюк ипак йўли” бўйлаб кириб келиши.¹

Т.Бенфейнинг ёзишича, “X асрдан эътиборан Ҳиндистонга ислом динининг кириб бориши натижасида ёзма адабиёт оғзаки бадиий аъъана устидан устунлик қила бошлади. Ҳинд адабиёти намуналари араб ва форс тилларига таржима қилиниб, арабларнинг босқинчилик юришлари туфайли Осиё, Африка ва Европанинг турли мамлакатларида яшовчи аҳоли орасида кенг ёйила бошланди”. У ҳинд адабиёти сюжетларининг Европа халқлари орасида тарқалишида мўғуллар истеълоси муайян даражада аҳамият касб этганлигини ҳам эътироф этади: “милодий I асрда буддавийлик адабиёти билан бирга ҳинд масаллари, нақл ва афсоналари аввал Хитойга, сўнгра Тибетга кириб борган. Тибет орқали эса бу масал, нақл ва афсоналар буддавийлик ақидалари билан бирга Мўғулистон аҳолиси орасида тарқалган. Бизга маълумки, ҳинд адабиётининг кўпгина намуналари мўғул тилида таржима қилинган ва шу тариқа, ҳинд ҳикоятлари мўғулларнинг қарийиб икки юз йиллик ҳукмронлиги даврида Европага кенг ёйилган”.²

Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг ана шундай мураккаб тарихий-фольклорий тавсифини илмий жиҳатдан далиллаганлиги учун ҳам Т.Бенфей концепцияси фольклоршунослик тарихида “тарихий-ориенталистик метод” номини олди.

Т.Бенфей билан деярли бир вақтда фольклор аъъанасининг ривожланиши ва тараққий этишида “сайёр сюжетлар”нинг бир халқ оғзаки бадиий ижодидан бошқасига “кўчиб ўтиши” жараёни муҳим роль ўйнашини рус олими А.Н.Пипин ҳам кашф этган эди. Унинг 1858 йилда нашр этилган

¹ Соколов Ю. Русский фольклор. – М., 1941. С.63-64.

² Кокьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.320-321.

“Кўхна рус қиссалари ва эртақларининг адабий тарихидан очерклар” номли асари қадимги рус адабиётининг шарқ ва ғарб адабий анъаналари билан ўзаро алоқаларини ўрганишга бағишланган.

“Сайёр сюжетлар назарияси” XIX асрнинг охиридан бошлаб кўпгина фольклоршуносларни ўзига жалб этди. Жаҳон халқлари фольклорининг ўзаро таъсири ва алоқаларини ўрганишга Р.Кёлер, М.Ландау, Н.Вольте (Германия), Г.Парис, Э.Коскен (Франция), А.Клоустон (Англия), А.де Анкона, Д.Компаратти (Италия), И.Поливка (Чехия) каби олимлар “миграцион мактаб”нинг илмий-назарий қарашларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди.

Рус фольклоршунослигида “бенфеизм”, “компаративизм” номини олган “сайёр сюжетлар назарияси” В.В.Стасов, Ф.И.Буслаев, В.Ф.Миллер, А.Н.Велеловский, И.Н. Жданов, Г.Н.Потанин, А.Н.Кирпичников, А.М.Лободу сингари олимларнинг тадқиқотларида давом эттирилди. Эпик сюжетларнинг ўзлаштирилиши жараёни билан боғлиқ ўзига хос тарихий-филологик қонуниятларни очишга қаратилган “компаративистик” ёки “қийёсий фольклористик метод”, айниқса, В.В.Стасовнинг “Рус билиналарининг келиб чиқиши” (1868), А.Н.Веселовскийнинг “Шарқ ва Ғарбнинг адабий алоқалари тарихидан” (1872), “Жанубий рус билиналари” (1881-1884), В.Ф.Миллернинг “Рус халқ эпосига доир экскурслар” (1892), Г.Н.Потаниннинг “Ўрта аср Европа эпосида шарқ мотивлари” (1899) каби асарларида чуқурлаштирилди.

Ўзбек фольклоршуноси Ф.Жалолов ўзининг “Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси” (1976), “Ўзбек фольклорида жанрлараро алоқалар” (1979), “Ўзбек халқ эртақ эпоси” (1980) каби китобларида Шарқ халқлари адабиёти ва фольклорининг ўзбек фольклори эпик сюжетлари тараққиётига кучли таъсир кўрсатганлигини эътироф этади. Олим фольклордаги муштарак сюжетларнинг вужудга келиш сабабла-

рини қуйидаги икки жиҳат билан боғлаб изоҳлайди:

а) биринчидан, халқларнинг қадимдан бир-бирига яқин ҳудудда ёки қўшни бўлиб яшаши, тарихий-тадрижий ривож, яшаш тарзи ва дунёқарашидаги яқинлик эртақлар сюжетидаги ўхшашликни келтириб чиқаради;

б) иккинчидан, “эртақлардаги айрим машҳур сюжетларнинг бир халқдан иккинчисига, бир ўлкадан бошқасига кўчиб юриши, ўтиб туриш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу халқлар орасидаги...иқтисодий, савдо, маданий ва турлитуман ўзаро алоқалар билан боғлиқдир”.¹

Ф.Жалолов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб Шарқ халқлари ёзма адабиёти, хусусан, халқ китобларининг таржималари ўзбек фольклори эпик жанрларига катта таъсир кўрсатганлигини, хусусан, ўзбек эртақчилари репертуарида ҳинд, эрон, араб халқлари фольклоридан ўзлаштирилган сюжетлар асосида яратилган асарлар мавжудлигини аниқлаган. Унинг эпик сюжетларни қийёсий таҳлил қилиш борасидаги изланишлари натижасида “Калила ва Димна”, “Веталининг йигирма беш ҳикояси”, “Минг бир кеча”, “Тўтинома” каби Шарқ адабиётининг мумтоз асарлари ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимини бойитишга катта ҳисса қўшганлиги маълум бўлди. Масалан, “Қумурсқа”, “Овчи, Кўкча ва доно”, “Илоннинг иши заҳар солмоқ”, “Ҳийлагар бедана” эртақлари сюжети “Калила ва Димна” ҳикояларига ўхшаб кетса, милонинг I асрида вужудга келиб, Марказий Осиё, Мўғулистон ва Тибет халқлари орасида жуда машҳур бўлган “Веталининг йигирма беш ҳикояси” китобидаги бешинчи ҳикоя уч оға-ини ботирлар ҳақидаги ўзбек халқ эртақларини эсга солади.

“Сайёр сюжетлар” ёки “кўчиб юривчи сюжетлар”нинг ўзбек халқ эртақлари сюжет силсиласини бойитувчи манбалардан бири бўлганлигини тўғри эътироф этган Ф.Жало-

¹ Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. 41-бет.

лов қадимги ҳинд адабиёти намуналарининг Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида тарқалиши интерпретация йўли билан амалга ошган, деб ҳисоблайди: “эртаклар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинмайди, балки уларнинг баъзи мотивлари қабул қилиниб, жуда катта ўзгаришлар(интерпретация)га учради. Халқимиз бу эртаклар мотивларини ўз ҳаёти, маданияти, психологияси, дунёқараши, урф-одатлари, орзу-истаклари заминидан қайта ишлаб чиқди, ўз талабига жавоб берадиган ўринларни қолдириб, баъзиларини эса батамом қайта ишлаб, оригинал эртаклар даражасига кўтарди”.¹

Эртақ сюжетларининг шаклланишини асосан “сюжетларнинг кўчиб ўтиши” жараёни билан боғлиқ, деб ҳисоблаган “миграцион мактаб” вакилларида фарқли ўлароқ Ғ.Жалоловнинг фикрича, эпик сюжетлар қуйидаги икки омил асосида юзага келган: “ўзбек халқ эртаклари сюжетининг халқимиз ҳаёти, дунёқараши, урф-одати, миллий хусусияти ва яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқлиги унинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шунинг учун ҳам бу эртакларнинг сюжети халқаро эртақ сюжетига монанд бўлиши, кўчиб юрувчи сюжет деб номланишидан қатъи назар, улар ўзбек халқининг узоқ асрли жуда қадимий маданияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келган”.²

Ўрта Осиё туркий халқлари эртақчилик анъаналари тарихини қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этган фольклоршунос олим Х.Эгамовнинг “Сайёр сюжетлар” (1975), “Ранг-баранг олам” (1979), “Туркий халқлар эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар” (1980) каби асарларида ўзбек халқ эртаклари сюжет силсиласи қардош туркий халқлар фольклори материаллари билан қиёсан таҳлил қилинди. Унинг фикрича, “бир халқ оғзаки ижоди-

¹ Ўша асар, 43-бет.

² Ўша асар, 40-бет.

дан иккинчи халқ оғзаки ижодига ўзлашган, яъни мазкур халқ идеологик, фалсафий, эстетик ва этик қарашларидаги ўзига хосликлар ёрқин акс этган, интерпретацияга учраган мотивлар” “кўчиб юрувчи ёки халқаро мотивлар” дейилади.¹ Туркий халқлар эртакларида юнон, араб, ҳинд ва эрон мифологияси ҳамда фольклорига хос “кўчиб юрувчи сюжет” ва мотивлар мавжудлигини эртакларнинг қиёсий таҳлили воситасида аниқлаган Х.Эгамов “бир халқ ижодидаги мотив ёки эпизод иккинчи халқ учун бутун бир эртақ сюжети бўлиб хизмат қилиши ёки аксинча, бир сюжет иккинчи халққа ўтганида миллий интерпретацияга учраб, шу халқ эртагида маълум мотивларга айланиши” қонунияти мавжудлигини аниқлади.

Ўзбек фольклори эпик сюжетлари тизимининг шаклланиши ва бойиб боришида араб адабиёти, айниқса, “Минг бир кеча” (“Алф лайла ва лайла”)нинг таъсири кучли бўлган. Шу боис, ўзбек фольклоридаги “ўзлаштира сюжетлар”нинг манбалари ҳақида сўз юритганда араб-ўзбек фольклор алоқалари масаласига ҳам тўхталиш керак бўлади. Фольклоршунос олим Ш.Шомусаровнинг “Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили” (2002) номли тадқиқоти худди шу муаммо таҳлилига бағишланган. Олим араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимидаги муштаракликларнинг юзага келишига қуйидаги икки омил асос бўлган, деб ҳисоблайди: а) эртақ сюжетларининг жонли оғзаки ижро орқали тарқалиши; б) китобат қилинган адабий эртаклар, биринчи навбатда, “Минг бир кеча” мажмуасининг Ўрта Осиё халқлари орасида оммаланиши.²

Дарҳақиқат, “Минг бир кеча”нинг таржима қилиниши

¹ Эгамов Х. Ранг-баранг олам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 42-43-бетлар.

² Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. 252-бет.

ва халқ оммаси орасида тарқалиши натижасида араб эртақчилигига хос бўлган кўплаб сюжетлар ўзбек эртақчилари репертуарига кўчган. Проф. Ф.Жалолов “Вафо”, “Гулжамол”, “Камбағал хотиннинг ҳийласи”, “Тухматчилар жазоси”, “Тадбирли аёл”, “Сўлмас гул ёки вафодор хотин” каби эртақлар, шунингдек, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедияси сюжети “Минг бир кеча”нинг 593-596-кечаларида Шаҳризода томонидан сўзланган араб эртагига жуда яқинлигини қайд қилган эди.¹ Ш.Шомусаров эса “Минг бир кеча”даги “Сеҳрланган йигит ҳикояси” эртагида айёр хотин билан боғлиқ воқеалар тафсилоти (1-жилд, 66-70-бетлар) “Сирли гиламча” номли ўзбек эртагидаги Гул ва Қаҳрамон саргузаштларини ёдга тушириши; “Бир мирилик ҳикмат” номли араб эртаги “Сирли туш”, “Уч оғиз ўғит” номли ўзбек эртақларининг яратилишига асос бўлганлиги; “Туз” номли араб эртагидаги воқеалар ўзбекларнинг “Доно хотин” эртагига яқинлигини аниқлаган. Зеро, араб халқ оғзаки бадиий ижодиётининг китобат қилинган адабий манбалари орқали Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар орасига тарқалган “сайёр сюжетлар” ўзбек эртақчиларининг бадиий-эстетик қарашлари ва эпик билими доирасида узоқ йиллар мобайнида қайта ишланиши натижасида янги эртақлар силсиласи юзага келган.

“Сайёр сюжетлар назарияси”ни илгари сурган “миграцион мактаб” ўзига хос ютуқларга эришганлиги билан фольклоршунослик фани тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу мактабнинг асосий ютуғи, “мифологик мактаб”нинг фольклор асарлари генезисига доир бир ёқлама концепцияси (“барча эпик асарлар сюжетининг ягона бобосюжет ёки ҳинд-европа боботилида сўзлашувчи этнос мифологиясига бориб тақалиши”) хато эканлигини исботлаганлиги ҳамда халқ оғзаки бадиий ижодининг тараққиётида мада-

¹ Жалолов Ф. Ўзбек фольклорида жанрлараро алоқалар. – Тошкент: Фан, 1979. 153-154-бетлар.

ний алоқалар ва ўзаро адабий таъсир муҳим ўрин тутишини илмий асослаганлиги билан белгиланади.

“Миграцион мактаб” тадқиқотлари натижасида жаҳоннинг турли-туман халқлари фольклорида муштарак мавзудаги асарлар, ўхшаш сюжет ва мотивлар тизими мавжудлигини тасдиқловчи жуда катта фактик материал тўпланди ва қиёсий таҳлилга тортилди. А.Н.Веселовский таъбири билан айтганда, “бу назария тарафдорлари сюжетларнинг ўзлаштирилиши ҳодисасини икки жиҳатдан, яъни “маданий ҳодиса” ўзлаштирилган халқ фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўша ҳодисани ўзлаштирган халқ адабиётининг миллий спецификаси нуқтаи назаридан ўргандилар”¹.

Шу билан бирга, “миграцион мактаб” тадқиқотларида муайян даражада чекланишлар ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу мактаб вакилларининг энг катта хатоси, турли халқлар фольклоридаги “ўзаро ўзлаштириш” ва адабий таъсир ҳодисасининг тарихий-фольклорий жараёндаги ролини ҳаддан ортиқ даражада бўрттириб кўрсатишга берилиб кетишда кўзга ташланади. Улар ҳар бир халқ оғзаки бадиий ижодиётида унинг миллий менталитети, маънавий маданияти, эстетик қарашлари, руҳий табиати, этник мансубияти ва турмуш тарзининг ўзига хослиги ҳам акс этишини назардан соқит қилишган. Қолаверса, фольклорнинг асосий ғоялари бевосита унинг ижодкори бўлган халқ оммаси томонидан яратилар экан, у ёки бу эпик сюжетнинг ўзлаштирилиши фольклор тараққиётининг асосий шарти эмас, балки ижодкорликдаги иккиламчи ҳолат ҳисобланади.

“Миграцион мактаб” вакиллари (мас.: В.В.Стасов, В.Ф.Миллер ва бошқ.) турли халқлар фольклоридаги учрайдиган муштаракликларнинг барчасини “адабий ўзлаштириш маҳсули” деб қарайдилар. Аммо фольклорда типологик муш-

¹ Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М: Высшая школа, 1983. С.404.

тараклик ҳам мавжудлиги ҳар қандай ўхшашликни “сюжетларнинг кўчиши” ёки «фольклор элементларининг миграцияси натижасида юзага келган ҳолат», деб баҳолаш тўғри эмаслигини кўрсатади. XIX асрнинг охирларигача фольклоршуносликда етакчи йўналиш ҳисобланган бу илмий мактабнинг шу каби камчиликлари кўзга ташлангач, халқ оғзаки бадий ижодиётини тадқиқ этишнинг янги методларига эҳтиёж сезила бошлади. “Миграцион мактаб”нинг тарихий-фольклорий жараён ривожда реал ҳаётнинг воқелик ролини ҳисобга олмаслик натижасида келиб чиққан назарий камчиликлар “антропологик мактаб” таълимоти томонидан тўғриланди.

«АНТРОПОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

XIX асрнинг 60-йилларига келиб халқ оғзаки бадий ижодиётини ўрганишда етакчи мавқе эгаллаб турган “миграцион мактаб” вакиллари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўлами кенгайганлиги сабабли изланишлар учун фақат Европа ҳамда Шарқ - Ўрта ва Кичик Осиё ҳудудига оид материалларнинг ўзи кифоя қилмас эди, албатта. Натижада “сюжетларнинг кўчиб юриши” назарияси таъсирига берилиб кетган этнограф, фольклоршунос, географ, тилшунос ва сайёҳлар жаҳоннинг турли-туман мамлакатларида яшовчи аҳолининг фольклорини тўплашни авж олдирдилар. Ўша даврда амалга оширилган этнографик экспедициялар ва жўрофий кашфиётлар ҳам янгидан-янги фольклор материалларининг тўпланишига сабаб бўлди. Шу тариқа жаҳоннинг деярли барча ҳудудларида, хусусан, Африка, Жанубий Америка, Австралия, шарқий ва жанубий Осиё, Океанияда яшовчи аҳолининг фольклор материаллари жамланди.

Мутахассислар турли ҳудудларда истиқомат қилувчи ва муҳими, бир-бири билан этногенетик ва тарихий-маданий алоқада бўлмаган халқлар фольклоридаги фаройиб даража-

даги муштаракликларга дуч келдилар. Бундай лингвофольклористик ва этнофольклористик муштаракликнинг сабабларини “мифологик мактаб”нинг “умумий аجدодлардан мерос қилиб олинган просюжетлар” назарияси билан ҳам, “миграцион мактаб”нинг “сайёр сюжетларнинг бир халқдан бошқа халқ фольклорига ўзлаштирилиши, кўчиб ўтиши” натижасида этнофольклорий муштаракликларнинг юзага келишига доир илмий қарашлари билан ҳам изоҳлаб бўлмас эди. Бошқача қилиб айтганда, дунё халқлари фольклоридаги айрим ўхшашликлар ва муштаракликларнинг келиб чиқиш қонуниятларини ўша давр фольклоршунослигида амал қилаётган назарий қарашлар доирасида тушунтиришнинг имкони бўлмади. Фольклоршунослик тараққиётидаги ана шундай мураккаб бир вазият юзага келган даврда “антропологик мактаб” номли янги назария вужудга келди.

“Антропологик” ёки “этнографик мактаб”нинг назарий қарашлари ибтидоий маданият ва қадимги диний эътиқодларнинг йирик тадқиқотчиси, этнография ва моддий маданият тарихини ўрганишдаги «эволюцион назария» тарафдорларидан бири, “антропологик мактаб”нинг асосчиси, инглиз этнологи Э.Тайлор (1832-1917) ва унинг изодошлари – В.Вундт (Германия), Ж.Фрезер (Англия), А.Н.Веселовский (Россия) томонидан илгари сурилган.

XIX асрнинг 30-йилларидаёқ фольклор асарларини инсоният тарихининг энг қуйи босқичидан то юқори тараққиёт даражасигача бўлган даврлардаги бадий-эстетик тафаккур тизимининг ривожланиш қонуниятлари асосида тадқиқ этиш ғоясини кўтариб чиққан “антропологик мактаб”нинг шаклланиши учун зарур бўлган муайян илмий база яратилган эди. Европалик табиатшунослар орасида «эволюцион назария» кенг ёйилган ўша даврда тафаккур ривожининг тадрижийлик мезони асосида ўсиши ғояси инсоният тарихини ўрганишга ҳам татбиқ этила бошлан-

ди. 1836 йилда Копенгагендаги Қадимий осори-атиқалар миллий музейи директори Карл Юргенсен Томсен археологик материалларни илмий тавсифлаш асосида инсоният тарихининг энг қуйи қатламига оид топилмаларни “тош, бронза ва темир даврлари”га бўлиб таснифлади. Унинг шогирди Йенс Якоб эса археологик топилмаларнинг қайси даврга мансублигини аниқлаш усулини кашф этди. Орадан озгина вақт ўтгач, франциялик ҳаваскор археолог Буше де Перт мамонт ва бошқа шунга ўхшаш аллақачонлар қирилиб йўқ бўлиб кетган жониворлар билан бир даврда яшаган ибтидоий одам томонидан ясалган тош қуролларни топишга муваффақ бўлди. Бу эса эволюцион таълимотда янги бир йўналиш – қадимги одам ва ўша давр маданиятини тадқиқ этишга йўл очиб берди. Инсоният томонидан яратилган урф-одатлар, маросимлар, ирим-сирим ва инонч-этиқодлар, фольклор асарларини тарихий-тадрижий жараён сифатида ўрганиш анъанасини бошлаб берган инглиз этнологи Э.Б.Тайлорнинг илмий қарашлари ҳам аслида ана шу «эволюцион назария» асосида шаклланган.

Э.Тайлорнинг 1861 йилда чоп этирилган “Анахуак ёки Мексика: ўтмиши ва бугуни” номли биринчи китоби кубалик ҳаваскор археолог-этнограф Г.Кристининг 1856 йилда Мексика бўйлаб қилган саёҳати мобайнида тўпланган қадимий ёдгорликлар ҳамда этнофольклористик материаллар асосида ёзилган эди. 1865 йилда эса унинг “Инсониятнинг қадимги тарихига доир тадқиқотлар” номли асари босилиб чиқди. Э.Тайлор эволюционистик назария ёки “қийёсий-этнографик метод” тамойилларига суянган ҳолда, ўзининг бу китобида башарият маданиятининг ибтидоий даврдан цивилизациягача бўлган ривожланиш босқичини ўтаганлиги; айрим халқлар маданияти ва турмуш тарзидаги фарқли жиҳатлар уларнинг ирқий мансубиятига эмас, балки эришилган тараққиёт даражасининг бир хилда эмаслиги билан боғ-

лиқлиги; ҳар бир этноснинг маданий бойликлари бевосита ўша халқнинг ўзи томонидан яратилиши, аجدодларидан мерос қилиб олинishi ёки ёнма-ён, қўшни бўлиб яшовчи миллатларнинг маданий қадриятларидан ўзлаштирилиши мумкин, деган ғоят муҳим хулосаларни¹ баён қилган.

Э.Тайлор ўз салафларидан фарқли равишда “*homo sapiens*” (“ақлли одам”) биологик индивид сифатида эмас, балки руҳий нуқтаи назардан баҳоланиши керак, деган қарашни илгари сурди ва антропологик тадқиқотлар доирасига маданий-ижтимоий фактларни ҳам жалб қилиш лозим, деб ҳисоблади. Шу йўналишда ўз илмий тадқиқотларини давом эттирган олимнинг 1871 йилда “Ибтидоий маданият” номли машҳур китоби, 1881 йилда эса “Антропология” номли фундаментал асари босилиб чиқди.

Маълумки, “антропология” атамаси Аристотель томонидан “инсон ҳақидаги фан” маъносида қўлланилган. XIX асрнинг ўрталарида эса Европада этнография ва фольклоршунослик фанлари ягона фанний атама - “антропология” доирасида умумлаштирилган эди. Э.Тайлор ўзининг “Ибтидоий маданият” асарини ёзишга киришар экан, немис антропологи Т.Вайц(1821-1864)нинг кенг кўламдаги этнографик материалларни системалаштириш натижасида яратилган “Халқларнинг табиий антропологияси” (1959) ва этнография фанида “элементар тафаккур” ёки «инсоният тафаккури тараққиётининг муайян бир даврида турли халқлар орасида бир хил ижтимоий ва маънавий тушунчаларнинг келиб чиқиши назарияси»га асос солган немис этнолог олими А.Бастиан(1826-1905)нинг “Одамнинг тарихи” (1959) номли асарларини кунт билан ўрганиб чиққан.² Бу китоблар маълум маънода, фольклор ва этнографик мате-

¹ Першиц А.И. Предисловие // Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М: Политиздат, 1989. С.8.

² Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.399.

риалларни “антропологик назария” асосида қиёсий тадқиқ этиш методикасини ишлаб чиқишга асос бўлган.

Дунё халқларининг маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари, диний, ахлоқий-этик, бадиий-эстетик қарашлари ва поэтик тафаккурида жуда кўплаб ўхшашликлар мавжудлигини аниқлаган Э.Тайлор бундай умумий жиҳатларларнинг келиб чиқишини инсониятнинг ўзига хос табиати, унинг руҳияти ва тафаккурининг муштараклиги ҳамда башарият маданияти тараққиёти босиб ўтган йўлнинг бир хиллиги билан боғлаб изоҳлайди. Бу - турли халқлар фольклоридаги муштарак сюжет элементлари ва мотивларнинг мавжудлигини бир халқ оғзаки бадиий ижодиётида яратилган эпик сюжетларнинг бошқа халқлар томонидан ўзлаштирилиши натижасига юзага келган ҳолат, деб баҳолаган “миграцион мактаб” таълимотига қараганда анча илғор ва янги назария эди. Чунки Э.Тайлорнинг “қиёсий-этнографик метод”и фольклор тараққиётида тарихий-фольклор жараён динамикасининг роли ва ўрни муҳим аҳамият касб этади, деган янги қарашни ўзида мужассамлаштирган эди.

Э.Тайлор тараққиётнинг юқори босқичларига эришган халқлар маданияти, фольклори ва этнографиясида сақланиб қолган кўплаб қадимги тасаввурлар изларини топиб, уларни ибтидоий давр кишиларининг кўҳна мифологик қарашлари, ритуал ва маросимлари билан қиёслаб “инонч-этиқодларнинг қолдиқ ҳолда сақланиб қолиши қонуни”ни очиб берди.

Қадимги ирим-сирим ва инончларнинг халқ турмуш тарзида қолдиқ ҳолда сақланиб келишига “акса уриш” билан боғлиқ халқ қарашлари ва у билан боғлиқ айтим ҳамда аломатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Э.Тайлорнинг “Ибтидоий маданият” асарида ёзилишича,¹ Африкадаги зулус қабиласида бирор киши акса урса “Менга “идхлози” (яъни “аждодлар руҳи”)дан дуо-олқиш келди. Ота-бобола-

¹Тайлор Э. Первобытная культура...С.82-84.

римнинг арвоҳлари менинг ҳузуримга келдилар, энди мен уларни алқаб, дуо ўқишим лозим. Чунки улар акса урдириш орқали мендан дуо талаб қилмоқдалар” деб, мол-ҳолига барака, болалари ва аёлига соғлик тилар экан. Уларнинг назарида хаста одамнинг акса уриши – унинг ҳомий руҳлар мададида касалликдан фориғ бўлаётганлигидан далолат беради. Зулус қоҳинлари эса одамни акса уришга мажбур қиладиган кучни “Итонго” дейдилар. Халқ қарашларига кўра, бирор одамнинг ичига Итонго кириб олса акса урдирар ва шу боис, акса урган киши дарҳол “Итонго!” деб унинг номини тилга олиши керак эмиш. Гвинеяда эса қабила оқсоқоли аксирса, унинг қавмдошлари дарҳол чўкка тушган куйи ерни тавоф қилганлар ва кафтларини бир-бирига уриб чапак чалиб оқсоқолнинг соғ-саломат бўлишини тилашган. Полинезияликлар орасида эса ёш гўдак аксирса “Соғ бўл!”- дейилади. Э.Тайлор “аксириш” билан боғлиқ бу каби ирим-сиримлар жаҳоннинг кўпгина халқларида мавжудлигини қайд қилади ҳамда унинг тарихий асосларини эзгу ва ёвуз руҳлар тўғрисидаги мифологик тасаввурларининг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишларидан бири, деб ҳисоблайди.

Чиндан ҳам “акса уриш” билан боғлиқ бу каби этиқодлар ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан сақланиб келганлиги боис, бирор киши аксирганда унинг ёнидагилар “Соғ бўлинг!” дейдилар. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Тангачар қишлоғида эса ёш бола бехосдан акса урса “Пир бўлсин! Бува бўлсин!” - дейдилар. Бу билан бола соғ-саломат униб-ўссин деган эзгу ният ифодаланади. Ана шуларнинг барчаси умумжаҳоний миқёсда кенг тарқалган ва қадимий негизга эга бўлган этиқодий қарашлар тизимида дахлдор тасаввурлар сирасига киради.

Э.Тайлор томонидан илмий асосланган “антропологик назария”нинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири этнография фанига “ибтидоий анимизм” тушунчасининг олиб кирилган-

лиги билан белгиланади. “Анимизм” атамаси латинча “анима” (“жон”) ёки “анимус” (“руҳ”) сўзи асосида ясалган термин бўлиб, Э.Тайлор талқинича, “нарсаларнинг жонли деб тасаввур қилиш ёки ибтидоий даврдаги илк диний қарашларнинг ўзагини ташкил этган эътиқодий қараш”дир.

Ибтидоий тасаввурларни ўрганиш асосида “анимистик назария”ни яратган Э.Б.Тайлорнинг ёзишича, қадимги одам инсон тушига кирган воқелик жоннинг танадан ташқарида бўлган пайтида кўрган-кечирганларининг ифодаси, деб тушунган. Унинг фикрича, қадимги одамлар туш кўриш ёки ўлимнинг моҳияти ҳақида ўйлаганда, ҳар бир кишида алоҳида субстанция, яъни жон мавжуд бўлади ва у ўзининг тана қобиғидан вақтинчалик ёки бутунлай чиқиб кетиши мумкин, деб тасаввур қилган.¹ Бу тасаввур жаҳон халқлари фольклоридан бир қатор “анимистик характерга эга анъанавий мотивлар”нинг яратилишига асос бўлган.

Одам ухлаётган пайтда унинг жони бирор жонивор кўринишида танани тарк этиши ва унинг танадан ташқарида бўлган вақтда кўрган-кечирганлари ухлаётган кишига тушда рўй берган ҳодисалар бўлиб намоён бўлиши мотиви «Малик чўл», «Кўкалдош» каби ўзбек халқ ривоятлари сюжетида ҳам учрайди.

Э.Тайлорнинг таълимотича, одам жони тўғрисидаги қадимги тасаввурлар асосида табиат ҳодисалари, наботот ва ҳайвонот оламининг жонлантириб тасаввур қилиниши ҳақидаги мифологик қарашлар шаклланган. Политеистик динлардаги табиат кучларини ўзида мужассамлаштирган маъбуд ва илоҳалар пантеони билан боғлиқ халқ қарашлари ҳам ана шундан келиб чиққан. Олим “мифологик мактаб” вакиллари фарқли равишда мифни ҳам анимистик назария асосида ўзига хос тарзда изоҳлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, миф – ўзини турли-туман руҳлар томони-

¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М., 1989. С.218-219.

дан бошқариладиган табиатнинг бир бўлаги, деб тасаввур қилган ибтидоий одам ҳаётининг ҳаёлий уйдирма орқали тасвирланган талқини. Шунинг учун ҳам бугунги одамга уйдирма бўлиб туюладиган мифик тасаввур қадимги одам учун реал ҳаётини воқелик ҳисобланган.

“Антропологик мактаб” назариясининг такомиллашишида инглиз олими Эндриу Ланг (1844-1912)нинг алоҳида ўрни бор. У 1884 йилда нашр этилган “Урф-одат ва миф” номли китобига киритилган “Фольклор методи” номли мақоласида ўзининг халқ оғзаки бадиий ижодиётини тадқиқ этишдаги назарий концепциясини шундай баён қилади: а) фольклорни ўрганишда “антропологик метод”ни қўллаш; б) фольклор ўз таркибига инонч-эътиқодлар ва урф-одатларнигина эмас, балки афсона ва қўшиқларни ҳам қамраб олишини назарда тутиш; в) фольклорни ўрганишда антропологиянинг ёрдами жуда зурурлигини эътироф этиш; г) халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганишда этнологиядан фойдаланган ҳолда муштарак этнофольклорий ҳодисаларни аниқлаш; д) аналогия усули воситасида ҳозирги ривожланган халқлар маданияти, қадимги ҳинд-европа халқларининг классик ва архаик маданияти, шунингдек, тараққиётнинг қуйи босқичида бўлган “ибтидоий одамлар” урф-одатлари, тасаввурларидаги ўхшаш жиҳатларга оид материалларни тўплаш; ж) бундай айнанлик ва ўхшашликлар этник келиб чиқишидаги муштараклик ёки ўзаро мулоқот натижаси сифатида эмас, балки тафаккур тарзининг бир хиллиги туфайли юзага келган, деб талқин қилиш.¹

Кўринадиги, Э.Ланг фольклорни тадқиқ этишнинг, бир томондан, мифологиянинг келиб чиқишини қадимги сюжетларга боғлаб тушунтирувчи “мифологик мактаб” назариясига мутлақо ўхшамаган, иккинчи тарафдан эса турли

¹ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.452-458.

халқлар фольклоридаги ўхшашликларнинг сабабларини “сюжетларнинг кўчиб ўтиши” ёки “сюжетларнинг бошқа халқлар томонидан ўзлаштириши” назариясини илгари сурган “миграцион мактаб” қарашларига зид бўлган айрича усул ва методларини қўллашни тавсия этган. Бу методлар эса Э.Тайлорнинг халқ ижодини ўрганишдаги “антропологик мактаб” назариясининг туб мағзини ташкил этар эди.

Э.Лангнинг фольклористик қизиқишлари доираси кенг бўлиб, асосан мифнинг этнологик табиати, урф-одат ва маросимлар, магия, тотемизм, дин тарихини тадқиқ этишдан иборат эди. У ўзининг “Миф, ритуал ва дин” (1887), “Тотем сирлари” (1888), “Мифология” (1901), “Маросим ва миф” (1904) каби асарларида мифларни ибтидоий давр турмуш тарзининг ўзига хос ифодаси сифатида талқин қилиб, миф ижодкорлигининг руҳий-психологик сабабларини аниқлашга ҳаракат қилган.

Ўша давр фольклоршунослигида «миграцион мактаб»нинг сюжет кўчиши жараёни билан боғлиқ назарий қарашлари ҳукмронлик қилаётган бир пайтда Э.Ланг турли халқлар фольклоридаги ўхшашликларни башарият тараққиётининг муайян бир босқичида бир неча халқлар дунёқараши ва тафаккур тарзининг бир хиллиги билан боғлаб тушунтириши халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганишнинг янги илмий концепцияларидан бири – «сюжетларнинг ўз-ўзидан юзага келиши» назарияси яратилишига асос бўлди.

“Антропологик назария” тез орада Европанинг кўпгина мамлакатларида фольклоршунослар ва этнографлар томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, аслида “мифологик мактаб” тарафдори бўлган немис фольклоршунос олими Вильгельм Мангарднинг “Герман мифлари”, “Германларда дарахт култи”, “Немис ва скандинавияликларда тангрлар олами”, “Дала ва ўрмон култилари” каби асарларида ва, айниқса, 1884 йилда нашр этилган “Мифологик тадқи-

қотлар” номли китобида Э.Тайлорнинг назарий қарашлари таъсири яққол сезилади.¹ В.Мангард ўз изланишлари давомида халқнинг эътиқодий қарашлари, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва болалар ўйинларида мифология қолдиқлари сақланиб қолганлигини “антропологик тадқиқ усули” воситасида аниқлаган.

В.Мангардт қадимги германлар ва уларга қўшни қабидаларда мавжуд бўлган дарахт култи билан боғлиқ мифологик эътиқод ва ритуалларни тадқиқ этиш орқали ўсимликларнинг “қайта тирилиши” билан боғлиқ маросим ва удумлар генезисини ўрганган. Одам жонининг ўсимлик(дарахт)да мавжуд бўлиши ёки “дарахт руҳлари” ҳақидаги инонч-эътиқодлар мавжудлигининг илмий асосланганлиги В.Мангардт анимистик концепциясининг асосини ташкил этади. Бу концепциянинг моҳиятини тадқиқотчи қуйидаги тўрт узв, яъни а) мифларда одам образини дарахт билан боғлаш анъанаси талқин қилинганлиги; б) одам тақдирини дарахт билан боғлиқ деб тасаввур қилиш; в) дарахтда фақат “ўрмон руҳи” эмас, балки ўсимликлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча эзгу ва ёвуз руҳлар макон тутади деган ибтидоий қараш мавжудлиги; г) жиноятчиларни дарахт тагида жазолаш удуми таҳлили орқали очиб берган.²

Классик мифология ва турли халқлар фольклор анъаналаридан яхшигина хабардор бўлган В.Мангардт ўзининг “Қадимги германларда дарахт култи” асарида Шимолий Европа халқларининг аграр култилари ва маросим фольклори материалларини ўрганиш асосида “ҳар йили ўсимликлар “ўлади” ва баҳорда ҳаётнинг янгиланиши, серҳосилликнинг қайта тикланиши жараёни рўй беради. Ўсимликларнинг

¹ Коккъяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.413-414.

² Коккъяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.418.

муттасил равишда «ўлиши» ва яна қайтадан ўсиб чиқиши қадимги деҳқончилик маданияти билан боғлиқ эътиқодий қарашлар тизимида ҳосилдорлик маъбудларининг ўлиб, қайта тирилишини англатар эди” деган жуда муҳим назарий умумлашмани чиқарган эди. Бу илмий мулоҳаза кейинчалик жаҳон халқлари фольклоридаги “ўлиб-қайта тирилувчи худолар” ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг генетик илдизларини ойдинлаштиришга йўл очиб берди.

“Антропологик мактаб” назариясининг давомчиларидан яна бири - немис олими Эрвин Роде(1855-1898)нинг “ҳар қандай диний эътиқодларнинг асосида аждодлар култи ётади”, - деган қарашни фольклоршуносликка қўшилган муҳим янгилик бўлди.

Бонн ва Берлин университетларининг профессори, дин тарихи, классик филология ва антик фалсафа билан шуғулланган немис олими Герман Узенер (1834-1905) “антропологик мактаб” методларидан фойдаланган ҳолда қиёсий мифологиянинг тадқиқот усулларини этнофольклористикага татбиқ этган.

Э.Тайлорнинг “анимистик назария”сини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган немис фольклоршуноси Вильгельм Макс Вундт (1832-1920) ўзининг “Халқ психологияси” (1912) асарида турли халқларнинг мифлари ва поэтик мотивларини ўрганиш асносида айрим диний эътиқодлар ва бадий-эстетик қарашлар инсон руҳий кечинмасининг муайян ҳолатида юзага келганлиги ҳақидаги фаразни илгари сурди. Бу – фольклоршунослик фанидаги «қадимги мифлар ибтидоий одамнинг онгсиз ижодий фаолияти маҳсули» деган илмий қарашнинг илк куртаги эди. В.М.Вундтнинг “Миф ва дин” (1905-1909) номли уч жилдлик асарида мифологиянинг келиб чиқиши билан боғлиқ анимистик, натуралистик, “тадрижий” ва переанимистик назариялар таҳлил қилинган. Асарнинг “ибтидоий анимизм”нинг ўзига хос хусусиятлари таҳлилига ба-

ришланган фаслида эса жон ва руҳ, туш ва унинг анимистик талқини, жон култи, анимизм ва фетишизм, анимизм ва тотемизм, анимизм ва магия, аждодлар култига ишониш ва қурбонлик маросими ҳақида кенг кўламли таҳлилий мулоҳазалар баён қилинган.¹ Мифология ва қадимги маросимлар “психологик жараён” маҳсули сифатида тадқиқ этилган бўлсада, В.М.Вундтнинг “руҳий-таҳлил методи” ўша пайтда фольклоршунослар орасида унчалик шуҳрат топмади.

“Антропологик мактаб” таълимотида фольклор ва маросимларнинг келиб чиқиши қадимги мифология ҳамда ибтидоий ритуалларга бориб тақалади, деган қараш устуворлик қилар эди. Шу боис, бу йўналишдаги тадқиқотларда катта қамровдаги этнофольклористик материаллар қамраб олинар ва тадқиқотлар асосан “қиёсий-этнографик метод” асосида амалга оширилар эди. Бу метод Кембридж университети профессори Жеймс Жорж Фрезер (1854-1941) тадқиқотларида, айниқса, жиддий тараққий эттирилди. Қадимги тасаввурларни ибтидоий одам дунёқараши ва эътиқодий инончлари тизимидан иборат деб тушунган Ж.Фрезер ўз этнографик изланишларини 1884 йилда нашр этилган “Тотемизм” номли асар билан бошлади. Тотемизмни ибтидоий одамнинг табиат билан ўзи орасида қон-қардошлик алоқалари бор, деб тасаввур қилиши натижасида юзага келган мифик қарашлар силсиласи сифатида баҳолаган олим бу мавзуга доир тадқиқотларини давом эттириб, 1892 йилда тўрт жилдлик “Тотемизм ва экзогамия” номли асарини чоп эттирди. Ж.Фрезернинг “қиёсий-этнографик” тадқиқотлари “Олтин бутоқ” асарининг 1890 йилда чиқарилган икки жилдлик ва 1900 йилда босилган уч жилдлик нашрида ўз аксини топди. Ҳозирги замон фольклористикасида ҳам ғоят муҳим назарий ва методологик манба сифатида қадрланадиган бу тадқиқот устида олим узоқ йиллар давомида изчил

¹ Вундт В.М. Миф и религия. – СПб., 1911.

иш олиб борди. Ниҳоят 1911-1915 йилларда “Олтин бутоқ”нинг 20 жилдлик фундаментал нашри босилиб чиқди.

Ўзининг тадқиқотчилик фаолиятида фольклоршунослик, этнология ва классик филологияни фаройиб тарзда синтезлаштира олган Ж.Фрезер узлуксиз этнографик ва фольклористик экспедициялари давомида тўпланган улкан қамровдаги фактик материаллар ҳамда 50 йил мобайнида (ҳар куни 12 соатлаб!) Кембридж университетининг кутубхонасидаги адабиётларни ўрганиш натижасида “Абадий барҳаётликка ишонч ва марҳумлар култи” (1912), уч жилдлик “Кадда Аҳдда фольклор” (1918-1919), икки жилдлик “Табиат култи” (1926), “Оловнинг пайдо бўлиши ҳақидаги миф” (1930), “Ибтидоий динда ўлган одамлардан қўрқиш” (1933), “Ибтидоий космогонияда яратилиш ва эволюция” (1935), уч жилдлик “Антропологик антология” (1938-39) сингари фольклористика ва этнология фани тарихида алоҳида ўрин тутадиган йирик асарларини яратди.

Ж.Фрезер ўзининг “Олтин бутоқ” асарида фольклоршунослик учун жуда муҳим бўлган ва айни пайтда, аввал айрим тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган кўпгина илмий қараш ва назарияларни чуқурлаштирди. Хусусан, эътиқодий қараш ва маросимларнинг ўзаро муносабати ёки “миф ва ритуал” (илк бор семитолог Робертсон Смит томонидан таҳлил қилинган), тотемизмнинг этнофольклорий моҳияти (Ж.Ман-Леннан асарларида ёритилган), аграр культлар, буғдой дала-сининг зооморф ва антропоморф руҳлари (В.Манхардт тадқиқотларида ўрганилган), олов култи (биринчи марта А.Кун томонидан аниқланган), жоннинг танадан ташқарида мавжуд бўлиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар (Э.Тайлор назарияси) янги факт ва маълумотлар асосида тадқиқ этилган.¹

Ж.Фрезер ўз изланишлари давомида назарий қарашла-

¹ Токарев С.А. Послесловие // Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М: Политиздат. 1989. С.672-674.

рини узлуксиз такомиллаштира борди. Масалан, “Олтин бутоқ”нинг 1890 йилги биринчи нашрида тотемизм “қадимги одамнинг ўз жонини (унинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳимоялаш мақсадида) у ёки бу жонивор танасига яшириши ҳақидаги тасаввурлари асосида келиб чиққан инонч бўлиб, жон яширинган жонивор ўша одам учун тотем саналади” дейилган. 1899 йилда Марказий Австралия қабилаларининг тотемистик маросимлари тасвирланган адабиётлар билан танишиб чиққан олим бу қабилаларда ҳомиладор аёлга айрим овқатларни ейиш таъқиқланганлигига алоҳида эътибор берди ва тотемистик тасаввурларнинг илдизини ҳомиладорлик билан боғлиқ қадимий инончлардан излаш керак, деган хулосага келди. Натижада тотемизмни «аёл танасига овқат билан бирга кириб, унинг ҳомиладор бўлишига сабаб бўлган нарса бола туғилгандан кейин унинг тотемига айланади», - деган қараш билан изоҳлаш аънанаси шаклланди.

Шунингдек, Ж.Фрезернинг илк тадқиқотларида оловнинг маросим ва удумлардаги аҳамияти “мифологик мактаб”нинг “соляр (шамсий) назария”си асосида ёритилган эди. Кейинроқ эса ибтидоий эътиқодларга доир янги фактларни таҳлил қилган олим оловнинг “поклаш, тозалаш” хусусиятига эга бўлган нарса деб тасаввур қилинганлигини аниқлади.

Инсоният тафаккури ривожининг тадрижийлигини кўрсатувчи “магия – дин - фан” триадаси ёки тараққиётнинг уч қисмли структураси Ж.Фрезер илмий концепциясининг асосини ташкил этади. Магияни ижобий (“сеҳргарлик”) ва салбий (табу) типларга бўлиб таснифлаган олим ўз тадқиқотларида магия ва диний эътиқодларнинг архаик шакллари ҳақидаги илмий қарашларни янгича талқин эта бошлади. У фольклор асарлари ва маросимларда муҳим ўрин тутадиган магик инончларнинг келиб чиқишига қуйидаги икки омил сабаб бўлган деб кўрсатади: а) ўхшашлик ўхшашликни келтириб чиқаради ёки натижа сабаб билан ўхшаш бўла-

ди; б) ўзаро алоқадор, яъни дахлдор бўлган нарсалар улар орасидаги бевосита жисмоний боғлиқлик узилгандан кейин ҳам бир-бирига масофадан таъсир этишда давом этади. Ж.Фрезер биринчи омилни «ўхшашлик ва мутаносиблик», иккинчисини эса “зарарланиш” қонуни деб атайди ҳамда магияни “гомеопатик”, “имитатив”, (“тақлидий”) ва “контагиоз” (“зарар етказувчи”) каби типларга ажратади.

Ж.Фрезернинг “магия ва дин” ҳақидаги бу концепцияси магик маросим ва удумлар, фольклордаги магик қарашлар ва у билан боғлиқ мотивларнинг илмий моҳиятини асослашда устувор назарий қараш бўлиб хизмат қилмоқда. Магиянинг таснифи кейинчалик Е.Г.Кагаров (1928), С.А.Токарев (1990) каби олимлар томонидан мукамаллаштирилди. Энди фольклоршуносликда магиянинг “катартик” (“ҳимоя магияси”), “сўз магияси”, “апокретик” (“ҳайдовчи магия”), “имитатив” (“тақлидий”), “инициал” (“бирор муддатнинг биринчи куни амалга ошириладиган магик ҳаракат”) кўринишлари ва “зарар етказувчи магия”, “ҳарбий магия”, “севги магияси”, “даволовчи-муҳофаза қилувчи магия”, “метеорологик магия”, “магиянинг иккиламчи турлари” каби типлари борлиги аниқланган.

Польшяк олими К.Мошинский эса Ж.Фрезер концепциясидан келиб чиқиб, магик маросимларни қуйидаги беш типга бўлган: 1) “бир объектга хос хусусиятларнинг бошқа объектга кўчишини намойиш этувчи ҳаракатлар” ёки “маросимнинг трансляцион типи; 2) “олисда жойлашган объектга ўша тарафга юборилган предметлар воситасида масофадан ёлгондакам таъсир кўрсатиш” ёки “маросимнинг трансмиссион типи”; 3) “бирорта предметга бевосита таъсир кўрсатиш орқали бошқа объект ёки предметга фиктив таъсир ўтказиш” ёки “маросимнинг симпатик типи”; 4) “унга ўхшаш предметни ясаш ёки унга ўхшатиш орқали ўша предметнинг ўзини яратишга бўлган фиктив уриниш” ёки “маросимнинг креацион

типи”; 5) “бирор воқеанинг ибтидосида унинг тақдирига таъсир кўрсатиш” ёки “маросимнинг инцепцион типи”.¹

Демак, Ж.Фрезернинг қадимги эътиқодий қарашлар ва урф-одатлар силсиласига доир илмий кузатишлари ўзбек фольклоридаги сўз магиясига асосланган жанрлар генезиси ҳамда поэтикасини тадқиқ этишда ҳам муҳим назарий асос вазифасини ўтайди. Зеро, Э.Тайлорнинг “Ибтидоий маданият”, Ж.Фрезернинг “Олтин булоқ” асарлари фольклоршуносликдаги “антропологик мактаб”нинг назарий асоси сифатида эътироф этилган.

Рус фольклоршунослигида “антропологик мактаб” назариясининг бевосита давомчилари етишиб чиқмаган бўлсада, Н.Ф.Сумцов тадқиқотларида ва, айниқса, А.Н.Веселовскийнинг “Тарихий поэтикага кириш” (1894), “Эпитет тарихидан” (1895), “Эпик такрор хронологик момент сифатида” (1897), “Психологик параллелизм” (1898), “Тарихий поэтикадан уч боб” (1899) сингари асарларининг юзага келишида муҳим роль ўйнаган.

«ТАРИХИЙ МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида фольклоршуносликда мавжуд бўлган барча илмий мактаблар халқ оғзаки бадиий ижодиётини тадқиқ этишдаги ўзига хос, кўпинча бир томонлама ёндошувга асосланганлиги сабабли фольклорнинг табиатини тўла-тўқис ёритиб беришга ожизлик қилар эди. Айниқса, “антропологик мактаб” таъсирида ижод қилган А.Н.Веселовскийнинг тарихий поэтикага доир илмий тадқиқотлари фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини кўрсатди. Шу тариқа, рус фольклоршунослигида “тадқиқот стратегиясининг кенг қўламлилиги ва методологик синтезга интилиши”¹ билан бошқа илмий мактаблардан фарқла-

¹ Токарев С.А. Ранние формы религии. – М: Политгиздат, 1990. С.425.

ниб турадиган “тарихий мактаб” юзага келди.

Фольклоршунослик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу мактабнинг асосий тарихий-филологик концепцияси халқ оғзаки бадиий ижодини бевосита уни яратган халқнинг тарихи билан боғлиқликда тадқиқ этиш; фольклор асарларининг муайян тарихий-фольклорий жараён маҳсули сифатида яратилиши, ривожланиши ва вариантлашган ҳолда халқ бадиий хотирасида яшаш қонуниятларини очиб бериш; халқ ижоди табиатини тавсифлашда фольклор асарларининг асосий манбаи халқ турмуш тарзи эканлигидан келиб чиқиш каби илмий мезонларда ўз ифодасини топган. Тарихий мактаб назариясининг юзага келиши туфайли фольклоршуносликда ҳаётий воқелик, тарихий давр, тарихий шахс ва тарихий фактларнинг фольклор генезисида тутган ўрни ҳамда бадиий талқини масалалари атрофлича ўрганилди. Бошқача айтганда, фольклоршуносликдаги бу янги илмий мактаб тарихий-фольклорий жараённинг халқ бадиий тафаккури тараққиётидаги роли ва ўрнини ҳисобга олиш зарурлигини биринчи бўлиб эътироф этди.

Фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлаб тадқиқ қилиш анъанаси рус олими Л.Н.Майковнинг “Владимир туркуми билиналари ҳақида” (1863) номли иши билан бошланди. Рус фольклоршунослигида “мифологик концепция” устуворлик қилаётган ва “миграцион назария” таъсири эндигина намоён бўлаётган (В.Стасовнинг “Рус билиналарининг яратилиши”) бир даврда эпос генезисини ўша вақтда урф бўлгани каби, мифологик манбага эмас, балки тарихий воқеликка боғлаб таҳлил қилиш фольклористик изланишларнинг янги босқичга кўтарилишига йўл очди. Халқ эпосининг тарихий-тадрижий тараққиётини чуқур ўрганган олим географик кўлам, халқ маиший ҳаёти ва тарихий ҳақиқатнинг эпосдаги талқинига асосланиб билиналар-

¹ Емельянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики. – Л: Наука, 1978. С.126.

ни тўрт туркумга, яъни “Владимир туркуми, Новгород туркуми, Москва туркуми ва Степан Разин, Иван Грозный ва Ермак ҳақидаги эпик асарлар туркуми”га бўлиб таснифлади. Л.Майковнинг ана шу тадқиқотида кейинчалик шаклланажак “тарихий мактаб”нинг ютуғи (эпоснинг тарихий асосларини аниқлашга интилиш тамойилининг устуворлиги) ҳам, камчилиги (фольклор асарининг тарихий моҳиятини бадиий-эстетик аҳамиятидан устун қўйиш) ҳам ўз ифодасини топган эди. Шунинг учун ҳам бу иш Илья Муромец ҳақидаги эпик асарларнинг мифологик асосларини аниқлашда “тарихий қатлам”ни ажратиб олиш зарур, деб ҳисоблаган мифолог О.Миллер, Алеша Попович тўғрисидаги билиналарда “рус баҳодирларининг жангу жадаллари” ақс этганлигини исботлаган Н.И.Дашкович асарлари сингари, рус фольклоршунослигидаги “тарихий мактаб”нинг шаклланишига асос бўлган илк тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этилган.¹

Аммо рус фольклорининг тарихий асосларини ўзига хос илмий метод ва усуллар тизими асосида ўрганиш ишлари таниқли фольклоршунос олим В.Ф.Миллер(1848-1913)нинг тадқиқотлари билан бошланди. Унинг қарийиб 20 йил давомида рус фольклорининг тарихий асосларини ўрганиш борасида олиб борган илмий изланишлари уч жилдлик “Рус халқ оғзаки сўз санъати очерклари” (1987-1924) номли тадқиқотининг юзага келишига асос бўлди. В.Ф.Мюллер ана шу фундаментал тадқиқотнинг биринчи жилдига ёзган сўзбошисида фольклорни тарихий нуқтаи назардан ўрганиш усулининг моҳиятини шундай баён қилган:

“Назаримда, эпосимизнинг ҳозирги илмий ўрганилиши унинг тарихий асосларига доир айрим саволларга жавоб топиш ва барча илмий талабларга жавоб берадиган қарашларни шакллантириш имконини бермайди. Эпоснинг олис қат-

¹ Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М: Высшая школа, 1983. С.406.

ламлари асрлар қаторининг қалин пардаси остида яширинган бўлиб, ёзма манбаларнинг камлиги ёки мутлақо йўқлиги сабабли, илк эпик сюжетларни ҳозиргача кўпчилик томонидан тан олинмаётган дадил гипотеза ва тахминлар орқалигина тасаввур қилишимиз мумкин, холос. Эпоснинг мифологик асослари хусусидаги қарашлар ҳам, архаик даврдаги ҳинд-европа ва умумславян бобосюжетлари назарияси ҳам, билиналаримиз сюжетларининг келиб чиқишини Шарқ манбаларига боғлайдиган гипотеза ҳам билина эпосининг юзага келиши ва тараққий этишини қониқарли даражада тушунтириб бера олмади. Билиналардаги тарихий қатламлар ва тарихий воқелик изларининг аниқланиши ҳамда цивилизация жараёнида билина кўшиқлари таркибига сингиб кетган сайёр сюжетлар ва адабий манбалар таъсирининг ойдинлаштирилганлиги эпос моҳиятини тўғри баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинги ўн йилликда Европа ва Осиё халқлари фольклорига оид улкан миқёсдаги адабиётларни ўрганиш асосида билиналарни қиёсий методда тадқиқ этиш учун зарур бўлган “параллел”ларни топишга алоҳида аҳамият берилди. Аммо бундай “параллел”ларга ҳаддан ортиқ ишониш ҳам тадқиқотчини чалғитади: чунки ҳар хил эпик сюжетларни деталлаштириб таҳлил қилиш, уларнинг генетик таснифини яратиш муайян сюжетнинг бир халқдан бошқасига ўтганлигини ҳаммаша ҳам аниқ кўрсатиб беради, деб ишониш тўғри эмас... Шунинг учун ҳам мен кўпроқ билиналар тарихи ва эпосда тарихий воқеликнинг ифодаланиши масаласини дастлабки - қуйи босқичлардан тортиб энг сўнгги намуналаргача, яъни қуйидан юқорига мезони асосида ўрганиш билан шуғулланаман”¹

В.Ю.Мюллернинг ана шу мулоҳазалари фольклоршуносликдаги “тарихий мактаб”нинг асосий мақсади, методологияси ва илмий тадқиқ йўналишини кўрсатиб берди.

¹ Мюллер В.Ю. Очерки русской народной словесности. Предисловие // Русская фольклористика. Хрестоматия. – М.: Высшая школа, 1971. С.128-129.

Бу эса фольклоршунос Ю.Соколов тўғри қайд қилганидек, “мифологик мактаб” ёки “миграцион концепция” билан солиштирганда “тарихий мактаб” фаннинг умумий тараққиётини бир босқич юқори кўтарди. “Мифологик туманлик” ҳамда “сайёр сюжетлар” ортидан беҳуда қувишдан” чарчаган фольклоршунослик тарихий фактларнинг мустаҳкам заминига томон интила бошлади”¹

Рус халқ эпосининг шаклланиши масаласини изчил ўрганишга киришган В.Ю.Мюллер эпос қачон юзага келганлигини аниқлаш, эпик сюжетлар яратилган жўғрофий ҳудуд қамровини белгилаш ҳамда халқ ҳаёти ва реал тарихий воқеликнинг билиналардаги изларини тадқиқ этишни асосий мақсад қилиб олган эди. У эпоснинг мавжуд барча вариантларини қиёсий текшириш натижасида нисбатан қадимий вариантни аниқлаб, унда тарихий воқелик ва халқ маиший ҳаётига оид фактларнинг ифодаланишига асосланиб билиналарнинг шаклланиш даври ва жойига оид муҳим назарий хулосалар чиқарди.

Фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанаси А.В.Марков (“Билина эпосининг тарихидан”, 1905), С.К.Шамбиного (“Подшо Иван Грозний даври кўшиқлари”, 1914), Б.М.Соколов ва Ю.М.Соколов (“Данила Ловчанин ҳақида билиналар”, 1910)лар томонидан давом эттирилди. Улар фольклорни халқнинг тарихи билан боғлаб таҳлил қилиш йўлидан бордилар ва фольклор асарлари замирида тарихий воқелик ётади, деган концепцияни илгари сурдилар.

“Тарихий мактаб” тарафдорларининг фольклоршунослик фани тараққиётига қўшган ҳиссаси қуйидагилардан иборат бўлди:

1) улар фольклор асарларининг миллий-тарихий табиатига етарлича баҳо бера олмаган “мифологик мактаб” ва

¹Соколов Ю.М. Русский фольклор. – М., 1941. С.91.

“миграцион назария”нинг таъсир доирасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлиб, халқ эпосининг генетик асосларини тарихийлик принципи нуқтаи назаридан таҳлил қилишдан иборат янги йўналишни бошлаб бердилар;

2) фольклоршунослик тарихида биринчи марта эпик сюжетлар системалаштирилди ва уларнинг миллий-этник ҳамда тарихий моҳияти ойдинлаштирилди;

3) эпос сюжетларининг шаклланиш жараёни ва тараққиёт босқичлари халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда текширилиб, эпик сюжетларнинг тарқалиш ареалига доир илмий кузатишлар умумлаштирилди;

4) фольклор асарларининг тарихий асосларини тарихий воқелик, даврнинг тарихий кўлами ва ҳаётий воқелик динамикаси тизимида текшириш орқали “тарихий-фольклорий жараён”га илк бор мукамал илмий баҳо берилди.

Шу билан бирга, “тарихий мактаб”нинг тадқиқотлари ва илмий-назарий концепцияларида муайян хатолар ҳам мавжуд эди. Бу нуқсон ва камчиликлар қуйидагилардан иборат:

1) “тарихий мактаб” тарафдорлари билиналарни ҳам, халқ қўшиқларини ҳам халқ тарихининг ўзига хос “оғзаки йилномалари” сифатида таҳлил қилиб, билина эпоси князь дружиналари даврасида яратилди, деган бир ёқлама хулосага келдилар. Фольклоршунослик тарихида “билиналарнинг яратилиши билан боғлиқ аристократик назария” номини олган бу концепцияга кўра, айрим тарихий воқеалар ва реал ҳаётий ҳодисаларнинг эпос матнида тасвирланган бадий лавҳаларга мос келмаслигини эса билина ёки тарихий қўшиқнинг “деҳқонлар орасида ижро этилиши жараёнида матннинг бузилиши” деб баҳоладилар;

2) “тарихий мактаб” вакиллари ҳар қандай фольклор асари замирида ўтмишда бўлиб ўтган реал воқеа-ҳодисалар тасвири ўз аксини топади, деб ҳисобладилар. Улар эпос матнидаги топонимик атамалар ва киши исмларининг ёзма ёдгор-

ликлар (йилномалар) талқинига мос келишига асосланиб, билиналарни тарихий манба даражасига кўтардилар;

3) фольклор асари матнининг бадий таҳлили, ижрочи маҳорати, эпос ва халқ қўшиқлари поэтикаси масалалари деярли тадқиқ этилмади;

4) фольклорнинг ижтимоий моҳияти ва поэтик табиатига нотўғри ёндошув оқибатида эпоснинг генезиси ва тарихий тараққиёти масалаларини ёритишда назарий хатоларга йўл қўйдилар.

Ўзининг бу каби методологик хатоларидан қатъий назар “тарихий мактаб” фольклор материалларини тўплаш ва системалаштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширганлиги билан фольклоршунослик фанида алоҳида ўрин тутади.

«РИТУАЛ-МИФОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

Фольклоршуносликдаги “ритуал мифологик мактаб” ёки “неомифологик мактаб” XX асрнинг 20-йилларида “мифологик мактаб” таркибидаги “ритуал-мифологик назария”нинг ўзига хос синтези сифатида юзага келган илмий йўналиш ҳисобланади.

Миф ва маросимларни қиёсий ўрганиш тажрибасини биринчи марта изчил амалга оширган Робинсон Смит, шунингдек, Жеймс Фрейзернинг тадқиқотлари фольклоршуносликда мифларни ритуалистик аспектда ўрганиш анъанасини бошлаб берди. Инглиз шарқшунос олими Р.Смит (1846-1894) ўзининг 1889 йилда чоп этирилган “Семит қабилалари динига оид маърузалар” номли асарида семит тилларида сўзлашувчи уруф-қабилалардан айримлари жониворлар номи билан аталиши, айрим ҳайвонлар гўштини истеъмол қилиш билан боғлиқ табу (таъқиқ) сақланганлиги ҳамда уларда табиат култи(юлдуз, тош, булоқ ва бошқаларга сифиниш)га алоқадор тасаввурлар мавжудлигига асосланган ҳолда, қадимги араб

қабилалари диний-этиқодий инончларининг асосини тотемизм ташкил этади, деган қарашни баён қилган. Р.Смитнинг фикрича, тотемизмнинг келиб чиқишида қурбонлик маросимлари муҳим рол ўйнаган, яъни “қурбонлик қилинаётган жонивор даставвал тотем-ҳайвон саналган”.¹

Ўзининг фольклористик қарашларида Б.Фонтенель, Э.Тайлор, А.Ланг, В.Манхардт каби антропологларнинг назарияларини чуқурлаштирган Ж.Фрейзернинг “Олтин бутоқ” номли асари жаҳон халқлари календарь мифлари, маросим, урф-одат, ирим-сирим ва ритуалларининг ўзига хос қомусий жамланмасидир. Ж.Фрейзернинг ёзишча, қадимги одам табиат кучларини ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилган ва бунда магиянинг турли хил усуллари ҳамда бу инончга асосланган ритуаллардан фойдаланган. Ўсимликлар олами, жониворлар, овчилик, табиий ҳодисалар ва фасллар об-ҳавоси билан боғлиқ ритуал ҳамда маросимлар муҳим аҳамият касб этган. Чунки қадимги одамнинг ҳаёти ўсимликларнинг баравж ўсиши, экиннинг серҳосиллиги, жониворлар туғининг кўпайиши, овнинг бароридан олиши ва фасллар об-ҳавосининг қулай келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган.² Мавсумий маросим ва ритуалларнинг миф билан боғлиқлиги масаласи аслида илк бор Г.Манхардтнинг “Қадимги германларда дарахт култи” асарида ёритилган эди.

Мифнинг келиб чиқишида маросимларнинг тутган ўрни ҳамда мифологик тасаввурларнинг урф-одат ва ритуалларда рамзий ҳаракатлар воситасида намоёиш қилинишига оид қизиқарли кузатишларни баён қилган Ж.Фрейзер Э.Тайлорнинг “анимистик назарияси” ҳамда “қадимги тасаввурлар қолдиқлари” ҳақидаги илмий қарашларига суянган ҳолда “миф ва ритуал” муносабати масаласини кенг

¹ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960. С.440-441.

² Козлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. – М: Высшая школа, 1984. С.21-24.

кўламда тадқиқ этди. Динларнинг келиб чиқишини анимизмга боғлаб тушунтирган Э.Тайлордан фарқли ўлароқ, Ж.Фрейзер дин юзага келгунга қадар турли хил маросим, ритуал ва мифларда ўз ифодасини топган магия ёки магик инончлар тизими мавжуд бўлган, деган қарашни илгари сурди. Бинобарин, Ж.Фрейзер фольклорни ўрганиш деганда – қадимги этиқодлар, ритуал ва мифларда сақланиб қолган кўҳна магик дунёқараш изларини тадқиқ этишни назарда тутади.

Ж.Фрейзер қадимги одам дунёқарашининг ўзагини анимизм эмас, балки магия ташкил этади, деган фикри билан “антропологик мактаб”нинг миф ҳақидаги илмий қарашларини янгича ўзанга буриб юборди. Бу илмий концепцияга кўра, миф - қадимги одамнинг ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари йиғиндиси эмас, балки унутилиб бораётган магик ритуалнинг акс-садосидир. Бинобарин, олимнинг ритуал асосида миф шаклланганлиги, қадимги мифларнинг “ўлиб” яна “қайта тирилувчи” маъбудлар билан боғлиқ аграр культлар ва “тақвимий” (“календарь”) маросимларга алоқадорлиги¹ ҳақидаги хулосалари фольклоршунослик фани тарихида муҳим илмий қимматга эга.

Ж.Фрейзернинг миф ва ритуалларни қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотлари мифшуносликда “ритуалистик назария” деб аталди. XX асрнинг 20-йилларида эса “атропологик мактаб”нинг “ритуалистик назария”си негизда фольклоршуносликдаги “ритуал-мифологик” ёки “неомифологик мактаб” юзага келди.

“Ритуал-мифологик мактаб” назарияларининг такомиллашишида “Кембридж классик филология мактаби” номи олан илмий мактаб вакиллари – Д.Харрисон, Ф.М.Корнфорд, А.Б.Кук, Г.Маррей, Ф.Раглан каби олимларнинг та-

¹ Мелетинский Е.М., Токарев С.А. Мифология // Мифы народов мира. Т.1. – М., 1992. С.17.

дқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз тадқиқотларида маросим ва ритуалларнинг мифдан қадимийлигини исботлашга ҳаракат қилган бу олимларнинг барчаси диний эътиқодлар ҳамда қадимги давр санъатининг ибтидоси архаик ритуаллардан бошланади, деган қараш тарафдори эдилар.

Д.Харрисоннинг “Қадимги санъат ва ритуал” (1913) асарида ўсмирларни бир ёш-табақа мансубиятидан бошқасига ўтказиш билан боғлиқ қадимги ритуаллар асосида келиб чиққан “мономиф” ҳақидаги концепция баён қилинган. Бу концепция Э.Т.Фарнеллнинг “Юнон мамлакатларида культлар” (1896-1909), А.Б.Кукнинг “Зевс” (1914-1919) асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳар икки тадқиқотчи қадимги юнон маросимлари ва мифологиясига оид фактларни қиёсий тадқиқ этиш орқали, культ ва ритуалларнинг моҳиятини фольклористик нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилишган. Ф.Корнфорд эса “Антик комедияларнинг шаклланиши” (1914) асарида қадимги юнон драмаларининг образлар тизимини Ж.Фрейзернинг “ўлиш - тирилиш” семантик модели асосида тадқиқ этган. У комедияларнинг биридаги кекса киши билан ўсмир йигит ўртасидаги конфликтда қадимги одамларнинг “эски ва янги йил алмашиши” билан алоқадор ритуал ва мифлари ифодасини кўради.

“Ритуал-мифологик мактаб” назарияси рус фольклоршуноси А.Н.Веселовскийнинг илмий тадқиқотларига ҳам муайян даражада ўз таъсирини кўрсатди. У қадимги маросим ва ритуалларнинг фольклорга таъсири масаласига бир қадар кенгроқ ёндошиб, ритуални бир қатор фольклор жанрлари, эпик сюжетлар, халқ қўшиқлари ва санъатнинг бирламчи замини сифатида талқин қилди.

XX асрнинг 30-40-йилларида “ритуал-мифологик мактаб” жаҳон фольклоршунослигининг етакчи илмий йўналишларидан бирига айланди. Бу даврда С.Хук, Т.Х.Гастер, Э.О.Жеймс, Ф.Раглан, С.И.Хайманларнинг фольклор мате-

риалларини “ритуалистик” таҳлил қилишга бағишланган қатор асарлари юзага келди. Хусусан, Ф.Рагланнинг “Қаҳрамон” (1936) асарида ритуал билан мифнинг фольклор асарлари ҳамда драма жанри тараққиётининг илк босқичларига кўрсатган таъсири хусусида сўз юритилади. У ўз асарининг сўзбошисида, “қадимги ҳикоятлардан таралаётган дуд тарихий воқелик эмас, балки мифологик гулханлардан ўрлаётган тутундир”¹ дея билан мифнинг сўз санъати тараққиётида тутган муҳим ўрнига юқори баҳо берган эди.

“Антропологик” ва “ритуал-мифологик мактаб” вакиллари тадқиқотларида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган миф ва ритуалдан қай бирининг бирламчилиги, яъни қадимийлиги масаласига Ф.Раглан ўзига хос тарзда ёндашди. Унинг фикрича, “миф маросим - ритуалда ўз аксини топган воқеликнинг сўз воситасида ифодаланган шакли”дир.²

Фольклор асарларининг яратилишини “ритуал-мифологик концепция” асосида талқин қилган олимлардан бири Стенли Эдгар Хаймен бўлиб, у ўзини “неоэволюционистик оқим” тарафдори деб ҳисоблади ва фольклорни ўрганишнинг “неофрейзерча умумлашма антропологик” вариантини таклиф қилди. Бу концепция, гарчи ўз моҳиятига кўра “ритуалистик назария” асосига қурилган бўлса-да, унинг таркибига фрейдизм ғоялари, функционализмнинг мифология ва фольклор асарлари замиридаги ижтимоий-психологик моҳиятини очишга қаратилган қарашлари, семантизм ва символизмнинг матн структурасини таҳлил қилишга доир илмий методлари ҳам сингдириб юборилган эди.

С.Э.Хайманнинг фикрича, “миф – қадимги маросимнинг бир парчаси”, “миф – маросимда тасвирланаётган

¹Козлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. – М: Высшая школа, 1984. С.39.

²Юқоридаги манба. 39-бет.

воқеликнинг ҳикоя қилинган шакли”дир.¹ Худди Ф.Раглан сингари мифларни ритуал матн намунаси, деб ҳисоблаган С.Э.Хайман ҳам мифнинг маросим ва ритуал билан бевосита алоқаси узилгач, эртак ва афсона жанрлари юзага келган, деган назарий қараш тарафдори бўлган.

“Мифологик мактаб”нинг кўпгина илмий қарашларини ўзида давом эттирган “ритуал-мифологик мактаб” вакиллари ритуалнинг мифдан устунлигини ёқлаб чиқдилар ва адабиёт, санъат, фалсафий тафаккур ҳамда фольклор жанрлари генезисини қадимги маросимларга боғлаб ўргандилар. Шу концепция асосида ритуал ва мифнинг қадимги юнон театри анъаналари, архаик эпос, фалсафа ҳамда қадимги Шарқ диний адабиётлари (Э.Миро, Ш.Отрана – Франция; Г.Р.Леви, Ф.Раглан – Англия), роман ва эртак жанрлари (П.Сентив – Франция) тараққиётида тутган ўрни чуқур тадқиқ этилди.

“Ритуал-мифологик мактаб” тадқиқотлари кейинчалик “ритуал-мифологик моделлар”ни халқ бадий тафаккурининг манбаи сифатида эмас, балки унинг поэтик қурилишини белгиловчи структурал асос тарзида таҳлил қилишга олиб келди. Швейцариялик руҳшунос К.Юнгнинг “руҳий-таҳлил методи”ни Ж.Фрейзер концепциялари билан уйғунлаштириш асосида илмий тадқиқот олиб борган М.Бодкин (Англия), Н.Фрай (Канада), Р.Чейз, Ф.Уотс (АҚШ) ва бошқа олимлар бадий тафаккур ибтидоси билан боғлиқ архетипларни аниқлаб, таҳлил қилишга киришдилар.

К.Юнгнинг “руҳий-таҳлил методи” сўз санъатининг энг қадимги даврларидан ҳозирги замон бадий адабиётигача бўлган намуналарини “ритуалистик ёндошув” асосида таҳлил қилиш имконини берди. Натижада, Ж.Жойс, Т.Манн, Т.Элиот ва бошқа адибларнинг асарларидаги мифологик образ ва мотивларнинг ритуаллар билан боғлиқ илмий тал-

¹Землянова Л.М. Современная американская фольклористика. – М: Наука, 1975. С.107-109.

қинлари юзага келди. “Ритуал-мифологик мактаб” вакиллари бадий матн таркибидан ўрин олган мифологик сюжет, мотив ёки образларни, қадимги тасаввурларга алоқадор тимсол ва метафораларни аниқлашдан ташқари, “ўлим” ва “тирилиш” тўғрисидаги инончларга эквивалент деб ҳисобланган қадимги ритуалларнинг, айниқса, “инициация”, яъни “синов маросими”нинг психологик архетипларини топишга алоҳида аҳамият бердилар.

Фольклоршуносликдаги бу илмий мактабнинг кўзга кўринган вакилларида бири Нортроп Фрай ритуал, миф ва архетипларни яхлит бир тизим ҳолида талқин қилди ва бадий образларнинг келиб чиқиш ибтидосини ана шу архетипик негизга боғлагани ҳолда “адабий антропология” назариясини яратди. У ўзининг “Адабиёт архетиплари” (1951) асарида мифологик тасаввурларнинг ҳозирги замон бадий адабиётидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали кўплаб структурал моделларни аниқлаган. Олим ўзининг “Миф ва адабиёт” (1961) номли асарида “мен мифни бадий ифоданинг ўзига хос типи, яъни сўз санъатининг қадимий шаклларида бири деб биламан”, - деб ёзади.¹

Н.Фрай таълимотича, ҳаётнинг биологик тараққиётида протоплазма қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, адабиёт ривожига “қаҳрамоннинг саргузашт излаб сафарга отланиши ҳақидаги мономиф” шунчалик муҳим ўрин тутди.²

“Ритуал-мифологик мактаб”нинг илмий ғояларини давом эттирган У.Баском, К.Клукхон, Ж.Фонтенроз (АҚШ) тадқиқотларида адабий асар бадий қурилиши бутунича қадимги анъаналар билан қиёсан таҳлил қилинди. Қадимги ритуал ва мифларнинг адабий жанр генезиси ва бадий матн структурасида тутган ўрни масаласи В.В.Пропп, О.М.Фрей-

¹Козлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. – М: Высшая школа, 1984. С.60-61.

²Юқоридаги манба. 62-63-бетлар.

денберг каби рус олимлари томонидан ҳам қисман ўрганилган. К.Леви-Строс, Э.Станнер асарларида эса “ритуал-мифологик назария”нинг айрим қарашлари танқидий нуқтаи назардан таҳлилга тортилган. Масалан, этнограф Э.Станнер шимолий Австралияда истиқомат қилувчи қабилаларда маросим ва мифларнинг бир-биридан мустақил ҳолатда мавжудлигини қайд қилади. Унинг ёзишича, бу қабилалар фольклорида маросимларга мутлақо алоқаси бўлмаган мифлар ҳамда, аксинча, миф билан изоҳланмайдиган маросимлар борлиги аниқланган.¹ Бу - “ритуал-мифологик мактаб”нинг «маросим бирламчилиги», яъни мифнинг ритуалдан ўсиб чиққанлигини ёқловчи назарий қарашлари қайта кўриб чиқилиши лозимлигини кўрсатадиган фоят муҳим маълумот эди.

“Ритуал-мифологик мактаб”нинг илмий қарашларича, қадимги одамлар томонидан амалга оширилган турли хил маросимлар мифология ва фольклорда ўз изини қолдирган. Дарҳақиқат, ўзбекларнинг жониворлар билан боғлиқ тасаввурлари тизимида аждоқларимизнинг қадимий ритуллари ва маросимларининг талқинларини кўриш мумкин. Масалан, олашақшақнинг сайраган овози эшитилса, ўша тарафга қараб “Хуш хабар, тўй хабар!” - дейдилар. Маълум бўлишича, олашақшақ шақиллаганда ана шу айтим айтилса, яхшиликка йўйиларкан. Агар бирор хонадонга бойўғли учиб келиб кўнса, уй эгалари бир ҳовуч ун олиб чиқиб қуш турган тарафга сепадилар. Кўнғирот қабиласида эса бир киши йўлга отланаётганда ёки тўй бошлаётганида бойўғли “сақирлаб” сайраса, буни ёмонлик аломати деб биладилар. Бунда ҳам “Эй жонивор, яхши сайра” деб бир сиқим ун олиб бойўғли томонга сепиб юборишади. Шунингдек, халқ орасида оқ илонни кўрганда устига ун сепиш, каптарларни қушга айланган парилар деб эъзозлаш, гўдакка кийгизиладиган би-

¹ Мелетинский Е.М., Токарев С.А. Мифология // Мифы народов мира. Т.1. - М., 1992. С.17.

ринчи либос - “ит куйлак”ни болага кийгизишдан аввал ит ёки от қозиги устидан айлангириш, “чақалоқ қўйдаи юввош бўлсин” деб бешик устига пўстак ёпиш, ёш болани илк бор тиши чиқаётганда “қўзи тиши чиқсин” деб қўйга миндириш, кўкйўтал бўлган кишиларга кўккаптар пати ботирилган сувни ичириш, болалар дўшписига бўри тиши, бургут тирноғи, укки патини тақиш каби одатлар замирида ҳам аждоқларимизнинг турли-туман жониворларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қадимий тасаввурлари ўз аксини топган.

Хуллас, фольклоршуносликдаги “ритуал-мифологик мактаб” назарияси халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларининг генезиси ва тадрижий ривожини қадимги маросим ва мифларга боғлаб ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этди.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ

ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК МЕТОД

Маълумки, қиёсий фольклоршунослик анъанавий компаративистика (яъни қиёсий адабиётшунослик)нинг таркибий қисмларидан биридир. Бундай тадқиқот методи асосида этник келиб чиқиши, лисоний мансубияти, жўғрофий ўрни ва маданий-иқтисодий анъаналарига кўра бир-биридан фарқланувчи халқлар фольклоридаги муштарак сюжетларнинг юзага келиш қонуниятлари ўрганилади. Турли халқлар фольклори ўртасидаги алоқаларнинг бир неча типлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам фольклор асарларини илмий тадқиқ этишнинг кенг тарқалган ва самарали методларидан бири “қиёсий-типологик метод” ҳисобланади. “Қиёслаш” деганда муайян фольклор жанри, эпик сюжет, мотив ёки образни бошқа халқлар оғзаки бадиий ижоди материаллари билан солиштириб, таққослаб ўрганиш асосида ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларни аниқлаш назарда тутилади.

Француз олими Арнольд Ван-Геннеп “Дин, одатлар ва афсоналар” номли беш жилдлик асарининг 1908 йилда чоп этирилган 2-жилдидаги этнографиянинг тарихий тараққиёти ҳақидаги мақоласида фольклоршуносликдаги тарихий ва қиёсий методларни бир-биридан фарқланувчи усуллар сифатида баҳолаган. У тарихий метод ҳодисаларни муайян хронологик тартиб асосида баҳолайди ҳамда ёзма материаллардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлилиқка таянади; қиёсий метод эса замоний ва маконий жиҳатдан абстракт ҳолатда иш кўради ҳамда оғзаки манбаларни ҳам жалб қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тадқиқот предмети ўзгармаслиги бу методлар муваффақиятли қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Жўғрофий ўрнига кўра бир-биридан олисда жойлашган

ва лисоний мансубиятига кўра турли хил тиллар оиласига кирадиган халқлар фольклоридаги поэтик элементлар муштараклиги типологик ўхшашлик намунаси ҳисобланади. Х.М. ва Н.К. Чадвиклар полинезияликларнинг маданий қаҳрамон ҳақидаги мифлари, Сибирда яшовчи туркий халқлар эртаклари, антик, қадимги герман ва кельт қаҳрамонлик дostonлари, рус ҳамда жанубий славян эпоси сюжетини ўзаро қиёслаб ўрганиш асосида, таҳлил этилган матнларнинг бадиий қурилмасида типологик муштараклик мавжудлигини аниқлашган. Уларнинг фикрича, турли халқлар фольклоридаги бундай типологик муштараклик “адабий анъананинг параллел ривожини”¹ ҳамда “турмуш тарзи ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг ўхшашлигини”² натижасида юзага келади.

Ўрта аср Европа эпоси сюжетини туркий ва мўғул халқлари фольклори билан қиёслаб ўрганган Г.Н. Потанин типологик алоқаларни тизим сифатида таҳлил қилиш муҳим назарий хулосалар чиқаришга асос бўлишини қайд қилган эди.³

Генетик-контакт алоқалар назарияси словак олими Д. Дюришин томонидан илгари сурилган бўлиб, миллий адабиётлардаги муштараклик бадиий тафаккурнинг тарихий ривожини ҳамда адабий анъаналарнинг ўзаро таъсири доирасида текширилади⁴.

Ўзаро адабий таъсир ёки адабий алоқаларнинг сюжет ривожини таъминлашдаги бадиий-эстетик ўрнини белгилаш ҳам қиёсий фольклоршуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. А.Н. Веселовскийнинг ёзишича, у ёки бу миллий фольклордаги муштарак мотивлар ўз-ўзидан юзага

¹ Chadwick H.M. and N.K. The Growth of Literature. 3 vols. Cambridge, 1932. p.XIII.

² Chadwick H.M. and N.K. The Growth of Literature...p.IX.

³ Бу ҳақда қараг: Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. - М., 1883.

⁴ Дюришин Д. Систематика межлитературного процесса. - Братислава, 1988.

келади. Аммо мотивлар тизимидан ташкил топган эпик сюжетлардаги ўхшашлик адабий ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлиши ҳам мумкин¹. Ҳар қандай адабий таъсир ва ўзаро алоқалар тарихан асосланган ижтимоий заминга эгадир. Икки халқ фольклорининг ўзаро бир-бирига таъсири муайян ижтимоий заруратдан келиб чиқадиган эстетик эҳтиёжга боғлиқ бўлади. Ана шу эстетик қонуниятларга суянган ҳолда дунё халқлари фольклори эпик сюжетларининг Ўрта Осиё туркий халқлари оғзаки ижодиётида оммалашиб жараённи таҳлил қилиш, образ ва мотивлар эпик табиатида рўй берган функционал-семантик ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

А.Н.Веселовский ўзининг ўзаро адабий таъсир ҳақидаги қарашларини ривожлантира бориб, адабиётлараро ижодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири - “қарши оқим назарияси”ни илгари сурган эди. Адабий жараённинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган “ўзаро ижодий ўзлаштириш деганда қандайдир бўшлиқда муайян бадиий элементнинг пайдо бўлишини эмас, балки ижодий анъаналарнинг “қарши оқими”ни, тафаккур усулининг ўхшашлиги ва оламни фантастик идрок этиш асосида туғилган образлар муштараклиги назарда тутилади”².

Бу назариянинг туб моҳияти (қолаверса, бу фикр компаративистларнинг асосий назарий хулосаларидан бири ҳам эди) жаҳондаги турли-туман халқлар фольклоридаги сюжетлар генетик жиҳатдан ягона эпик ўзакка бориб тақалишини асослашдан иборат эди. Демак, турли халқлар фольклоридаги эпик сюжетлар муштараклигининг юзага келишига мифологик тасаввурлар асосида шаклланган илк сюжетлар тизими асос бўлган.

¹ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. - Л., 1940. С.500-502.

² Веселовский А.Н. Разыскания в области русского духовного стиха. Вып.5. - СПб., 1899. С.115.

Қиёсий адабиётшунослик борасида олиб борилган изланишлар ўзаро адабий таъсир ва ижодий ўзлаштириш масаласини фольклор материаллари асосида текширишнинг кенг имкониятларини очади. Бинобарин, ўзбек фольклорининг дунё халқлари оғзаки ижоди анъаналари билан ижодий алоқалари, тизимида сюжет кўчиши ҳодисасининг юзага келиши, бу эпик жараённинг ўзига хос эстетик қонуниятлари ва тарихий-тадрижий ривож масалалари фольклоршунослар томонидан эндигина ўрганилмоқда.¹ Ҳолбуки, ўзбек халқ эртаклари, афсона ва ривоятлари, халқ китоблари ва мифологик тасаввурларида бопқа халқлар фольклоридан ўтган катта эпик қатлам мавжуд. Тарихан ўзга милат фольклорининг сюжет тизимида мансуб бўлган бу эпик қатламнинг ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди эстетик анъаналари доирасига трансформацияланиш қонуниятларини очиш эса тарихий-фольклорий жараённинг етакчи хоссаларини аниқлаш имконини беради.

Таниқли эпосшунос В.М.Жирмунский ўзининг мағрибу машриқ адабиётларининг қиёсий тадқиқига доир илмий асарларида миллий адабиётлараро алоқаларнинг тарихий илдизларини сиёсий-иқтисодий тараққиётнинг муштараклигига боғлаб ўрганган. У ўзидан бурунги адабиётшуносларнинг ижодий тажрибаларини умумлаштиргани ҳолда адабий компаративистикада янги бир йўналиш - системалитипологик алоқалар назариясини яратди.² Унинг фикрича, “қиёслаш”нинг ўзи фольклоршунослик методи бўла олмайди. Чунки метод – илмий тадқиқот ишининг ўзига хос назарий мезони бўлиб, у ёки бу илмий мактабнинг қарашлари-

¹ Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. 3-сон. 38-41-бетлар; Ўша муаллиф. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. Филол. фанлари докт. дисс. автореф. - Тошкент, 1997.

² Жирмунский В.М. Народный героический эпос. - М.-Л., 1962. С.5-74; Его же. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. - Л., 1979.

ни ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам “қиёслаш” нафақат фольклористик, балки тарихий йўналишдаги тадқиқотлар учун ҳам зарур бўлган усуллардан саналади. Олим ўзаро қиёсланаётган ҳодисаларнинг моҳияти ва мақсадидан келиб чиқиб, тарихий-қиёсий тадқиқотнинг қуйидаги аспекти-ни ажратиб кўрсатади:

1) адабий ҳодисаларни оддий солиштириш, таққослаб ўрганиш тарихий-қиёсий йўналишдаги ҳар қандай илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Масалан, тилшунос-ликда француз ва инглиз тилидаги феъл сўз туркумини ёки рус тилидаги феъл шакллари-ни ўзбек тилида ифодалашнинг грамматик воситаларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан қиёсий тадқиқот олиб боришни тақазо этади;

2) тарихий-типологик йўналишдаги қиёслаш ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичларидаги ўхшаш шарт-шароитлар ва тафаккур тарзидаги ўхшашлик туфайли юзага келган, яъни генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган муш-тарақликларни тадқиқ этади;

3) тарихий-генетик йўналишдаги қиёсий тадқиқот на-тижасида этногенетик жиҳатдан келиб чиқишида умумий-лик бўлиб, кейинчалик алоҳида-алоҳида ҳолда тараққий эт-ган этнослар маданияти ўрганилади;

4) дунё халқларининг ўзаро маданий алоқалари, бир-бирига таъсири ва адабий “ўзлаштирмалари” натижасида юзага келган муштарақликларни аниқлашга қаратилган қиёсий тадқиқот бу типдаги ўхшашликларнинг генетик ил-дизлари ҳамда бу ҳодисаларнинг шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий тараққиёт қонуниятларини ўрганади.¹

Ўзбек фольклоршунослигида қиёсий-типологик метод асосида бир қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Т.Зарифовнинг ўзбек халқ дoston-

¹ Жирмунский В.М. Эпическое творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса. — М: Наука, 1958. С.6-7.

ларининг тарихий асосларига доир тадқиқотларида, М.Аф-залов, Ф.Жалолов, К.Имомов, Х.Эгамовларнинг ўзбек халқ эртақларининг жанр хусусиятлари, генезиси ва бадииятига доир илмий асарларида, шунингдек, М.Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаевларнинг дostonчилик анъаналари, дostonлар сюжети ва образлар таркибини ўрга-нишга бағишланган ишларида ўзбек фольклори асарларини Марказий Осиё ва ҳатто, жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижоди намуналари билан қиёсий таҳлилга тортиш тажри-баси фаол қўлланилди. Ўзбек фольклоршунослигида қиёсий-типологик методни биринчилардан бўлиб изчил қўллаган тадқиқотчи Х.Эгамовдир. У ўзининг ўзбек сеҳрли-фантас-тик эртақларини ва уларнинг этник алоқаларини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганишга бағишланган монографияси-да Ўрта Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек фольк-лори асарларини (эртақларини) ўрганишнинг қуйидаги методларини тавсия этади:

а) маълум бир халқ фольклори, унинг алоҳида жанр-ларини қиёсий-типологик ўрганиш. Қиёсий-типологик йўналишдаги тадқиқотнинг бу методи маълум бир халқ фоль-клоридаги эпик жанрларга хос ўхшаш сюжет, мотив, образ каби эпик компонентларни ўзаро солиштириш асносида умумий ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш имконини беради;

б) халқаро қиёсий-типологик ўрганиш. Бу тадқиқот методи воситасида генетик келиб чиқиши муштарак ришта-ларга бориб тақалувчи, ўзаро қардош (масалан, туркий) ёки этник жиҳатдан қариндошчилик алоқалари мавжуд бўлма-ган бир неча халқлар (масалан, туркий ва славян, туркий ва форс-тожик) фольклоридаги ўхшашликларнинг юзага келиш сабаблари, бу халқлар ўртасидаги фольклор алоқаларини ўрганиш асосида муайян халқ оғзаки бадиий ижодининг миллий ўзига хос жиҳатлари ҳамда жаҳон халқлари фольк-лорига хос умумий белгилари аниқланади.

в) қиёсий-этнографик ўрганиш. Бу метод ёрдамида фольклор материалларини этнографик, археологик манбалар билан чоғиштириб ўрганиш натижасида халқ эртакларининг генезиси ва яратилиш даврини аниқлашга доир муҳим хулосалар чиқарилади.

г) фольклор асарларини маданий ёдгорликларга қиёслаб, лингвистик тадқиқ этиш. Бунда ҳар бир халқнинг фольклор асарлари ўша халқнинг қадим аجدодлари томонидан яратилган адабий-лисоний ёдгорликлар (масалан, “Авесто”, “Девону луғотит турк” каби) билан солиштириб, халқ оғзаки бадиий ижоди лексикаси тадқиқ этилади.

д) жанрлараро типологик ўрганиш. Фольклорнинг муайян бир жанрига оид асарларни, масалан, эртакларни бошқа жанрлар (достон, афсона, миф, ривоят, кўшиқ каби) билан қиёслаб тадқиқ этиш ана шу усулнинг моҳиятини ташкил этади.¹

Ўзбек халқ эртаклари билан дунё халқлари эртаклари орасидаги ўхшашликларни сюжет, мотив ва образлар ўхшашлиги доирасида кенг кўламда текширган Х.Эгамов типологик муштаракликнинг уч типи мавжудлигини аниқлаган эди. Улар қуйидагилар: а) маълум бир халқ фольклори(унинг муайян бир жанри)даги типологик ўхшашликлар; б) этник келиб чиқиши муштарак ёки бир тил оиласига мансуб бўлган халқлар фольклоридаги типологик ўхшашликлар; в) бир гуруҳ халқлар (масалан, славян, мўғул, ҳинд, туркий) фольклоридаги типологик ўхшашликлар. Олим бир халқ фольклоридаги муштаракликларни “монотип ўхшашлик” термини билан атаган бўлса, этник жиҳатдан қондош халқлар ва жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижодида қайд қилинган ўхшашликларни “интертип ўхшашлик” деб аташни маъқул топади.²

Шу асосда ўзбек халқ эртаклари билан туркий халқлар

¹Эгамов Х. Туркий халқлар эртакчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 25-27-бетлар.

²Эгамов Х. Кўрсатилган асар. 111-бет.

эртаклари орасидаги ўхшашлик асосан - эпик анъана мезонлари, эртакларнинг ички таснифи, сюжет силсиласи, мотивлар таркиби ва композицион қурилиш хусусиятлари, асосий персонаж талқини, ёрдамчи ва ҳомий персонажларнинг функциялари, қадимги никоҳ маросимлари (эндогамия, экзогамия, матрилокал никоҳ, полигамия ва ҳ.к.)га оид халқ қарашларининг эртак сюжетида акс этиши, архаик мотивлар, мифологик ва диний тасаввурларнинг талқини сақлашиб қолганлигида кўриниши аниқланди.

Ўзбек фольклорини қиёсий-типологик метод асосида ўрганишнинг мисоли сифатида «Сомон йўли» ҳақидаги афсоналар сюжетининг таҳлилини келтиришимиз мумкин. Маълумки, халқимизнинг Сомон йўли тўғрисидаги самовий мифологик қарашлари мавзу жиҳатдан серқирра ва кўпқатламли бўлиб, айрим афсоналарда бу осмон жисмлари мажмуининг пайдо бўлишига сабаб бўлган самовий ҳаракат Ангур билан Тангур номли самовий қаҳрамонлар томонидан амалга оширилганлиги тасвирланганлигини кўрамиз. «Ангур билан Тангур» номли астраль мифнинг қисқача мазмуни қуйидагича: «Ангур билан Тангур деган ғоятда улкан гавдали оға-инилар жуда қадим замонларда яшаб ўтишган экан. Иккови шерик бўлиб, ов қилиб, ов гўштларини бўлак-лаб, оилалари билан баҳам кўришар экан. Бир куни иккови овдан қайтиб келиб, ўлжани бўлишаётганда Ангурнинг оиласига тақсим бўлган гўшт Тангурнинг кўзига кўпроқ кўринибди. Шунинг учун у Ангурга қараб: «Менинг сенга озроқ ҳақим кетди!» - дебди. Ангур эса: «Бекор айтибсан! Мен доим ўлжани теппа-тенг бўлиб келганман. Менга бировнинг ҳақи керакмас!» - деб эътироз билдирибди.

Охирам шуйтиб, Ангур билан Тангур ёқалашиб қолишибди. Иккови қўлларига узун таёқ олиб, бир-бирларига сермашиб, дунёнинг у бошидан бу бошигача қувалашиб, тўбалашиб кетибдилар. Ангур билан Тангурнинг таёқлари

ҳар сермаганда осмонга қадалиб қолиб, осмонни яра қилиб, сидириб кетаверибди. Осмондаги Сомон йўли деган сидириқ аслида Ангур билан Тангур ёқалашганда пайдо бўлиб қолган экан. Шунда худо Ангур билан Тангурни тутиб олиб, «менинг осмонимни бузиб ташламоқчимисизлар?!» - деб, уларни денгизга ботириб юборган экан».¹

Бу миф уруғ-қабилачилик тузумининг емирилиши даврида яшаган аждодларимизнинг асосан овчиликдан иборат турмуш тарзини дуалистик тасаввурлар орқали изоҳлайди. Икки ака-уканинг ўлжа талашиб, урушиб қолишлари ибтидоий жамоа ҳаётида қулдорлик даврининг илк аломатлари - кишининг киши томонидан эзилиши, олинган ҳосил ёки овчи ўлжасини бўлишдаги ноҳақликлар кўрина бошлаганлигининг ифодасидир. Қадимги даврларда овчи овлаб келган жонивор гўшти бутун қабила аъзолари ўртасида тенг тақсим қилинмасдан, қабила оқсоқоли, сардорлар кўпроқ улуш олишлари синфий табақаланишнинг муайян уруғ ичиде ҳосил бўлган илк куртаклари эди. Ангур билан Тангур жанги мотивининг ҳаётий ришталар ҳам ана шу тарихий ҳодисаларга бориб тақалади. Фикримизча, жуда қадим замонларда яратилиб, космогоник миф сифатида шаклланган бу афсона ўзининг сюжет узварини деярли ўзгартирмаган ҳолда бизгача етиб келган. Гарчи қўлимиздаги матннинг сюжет тузилишини қиёслаш учун мазкур мифнинг минг йиллар бурун яшаган аждодларимиз нақл қилган варианты бўлмаса-да, сюжет тизимида нисбатан кейинги даврларга мансуб этиқодий қарашларнинг таъсири кўзга ташланмаслиги ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Миф сюжетининг охиридаги этиологик хулоса - Ангур билан Тангурнинг денгизга чўктириб юборилиши мотиви ҳам аслида дунё тўфони тўғрисидаги мифологик тасаввурлар билан боғ-

¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №1477/5. 1958 йил 21 декабрда Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.

лиқ бўлиб, фақат жазонинг худо томонидан белгиланиши эпик тафаккурнинг кейинги қатламларига мансуб сюжет элементи ҳисобланади. Аслини олганда, бу мифологик афсона иккита мустақил миф сюжетининг ўзаро синтези натижасида юзага келган. Чунки мазкур миф сюжетини таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилинса, воқеалар ривожини Сомон йўли сидириғининг пайдо бўлиши сабабларини изоҳлашдан иборат этиологик тугалланма билан яқунланганлиги маълум бўлади. Бу сюжет элементи Сомон йўли ҳақидаги архаик мифнинг шаклланишидаги дастлабки босқич ҳосиласидир. Ангур билан Тангурнинг ҳалокати билан боғлиқ космогоник мотивга асосланган самовий қарашлар унутилиб кетган бўлиб, унинг қолдиқ ҳолда сақланган рудиментлари мазкур миф сюжетига кейинчалик сингдириб юборилган.

Ангур билан Тангур димиург вазифасини бажарувчи Оланғасар типидеги самовий қаҳрамонлар сирасига кирадиган мифологик образлардандир. Уларнинг оғани деб таърифланиши ҳамда ўзаро олишуви дуалистик тасаввурлар маҳсули ҳисобланади. Ангур билан Тангурнинг Оланғасар образи билан генетик жиҳатдан яқинлигини қуйидаги қиёсий таҳлил орқали ҳам далиллаш мумкин: «Темир қозик» номли мифда айтилишича, Оланғасар осмонга қозик қоқиб, уни тешиб қўйганидан ғазабланган худо бир пуфлаганда ер юзидаги барча уммонларни музлатиб юборибди. Ўша пайтда Оланғасар тиззасигача сув кечиб юргани учун унинг оёқлари ҳам бўрбойгача яхлаб қолибди. Музга айланган оёқ улкан гавдани кўтаролмай, қирс этиб синибди-да, Оланғасар уммонга ағдарилиб тушиб, сувга фарқ бўлиб ўлиб қолибди.¹

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ангур билан Тангурнинг ўлими ҳам дунё уммони билан боғлиқ: миф талқинича, худо уларни денгизга ботириб юборибди. Ангур билан Тангур

¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №1443/1.

образи аждодларимиз мифологиясидаги илк космогоник қаҳрамон - яратувчи мифологик образ, яъни димург ҳақидаги халқ қарашлари ва унинг дуалистик эътиқодлар таъсиридаги талқини асосида келиб чиққан.

Энди Ангур билан Тангур образларининг генезиси ва мифологик тасаввурлар тизимидаги эволюцияси масаласига тўхталиб ўтайлик. Фикримизча, ака-укалардан бирининг оти, яъни Тангур атамаси аждодларимиз лаҳжасида «кўк», «самовий қаҳрамон», «олий руҳ», «ҳомий», «худо» маъноларида қўлланилган «тенгри//тангри» сўзларига алоқадордир. Қ.С.Қадирадженнинг маълумотларига қараганда, қадимги ёқутлар қабиллага ҳомийлик қилувчи муқаддас кучни «тангара» деб аташаркан. Шунингдек, худони тувалар «денгер», шумерлар эса «дингир» номи билан юритишган. Олим бу атамаларнинг барчаси «ибтидо», «уруғ», «қабилла» маъноларини билдирувчи умумтуркий сўз - «тег»//«тенг» ўзагидан келиб чиққан деб ҳисоблайди.¹

Қадимги турклар «тенгри//тангар» сўзларини «олий руҳ», «руҳ», «худо» маъноларидан ташқари, юқори олам - кўк билан боғлиқ самовий қаҳрамон номи сифатида ҳам қўллашган бўлишса керак. Шунга кўра, Тангур - кўкда яшовчи эзгу кучларнинг мифологик тимсоли сифатида тасаввур қилинган.

Тангур образининг юқори олам - само билан алоқадорлигини жаҳон халқлари мифологиясида қайд қилинган кўплаб типологик муштаракликлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Полинезия, Янги Зеландия, Гавайя оролларида яшовчи маҳаллий аҳоли мифологиясида олий руҳлар сирасида тасаввур қилинадиган Тангароа образи алоҳида ўрин тутади. Мифологик эътиқодларга кўра, Тангароа аслида оламни яратувчи самовий қаҳрамон бўлиб, у ҳақдаги қадимий асотирлар қолдиқ ҳолдагина

¹ Кадыраджен К.С. Структура и генезис кумыкских мифологических элементов палеотюркского происхождения // Мифология народов Дагестана. - Махачкала, 1984. С.132-133.

сақланиб қолган. У осмонда яшовчи самовий тангри, уммонлар эгаси ва ҳомийси сифатида талқин қилинган. Асотирларда қуруқликнинг рамзий эгаси деб таърифланувчи, деҳқончиликка асос солган ва айни пайтда уруш худоси Ранго эса Тангароанинг эгизаги дейилади. Миф ва афсоналарда улар ҳаммаша бир-бирларига қарама-қарши қўйилади. Бири кўкда, иккинчиси заминда турувчи бу ака-укалар оламни иккига бўлиб олишган эмиш. Ҳамма қизил рангли нарсалар Тангароаники, қолганлари эса Рангога қарашли деб таърифланади. Ҳатто қора сочли кишилар ўзларини Ранго авлодлари деб билишса, сариқ сочлилар Тангароани ўзларига уруғбоши ҳисоблашади. Муҳими шундаки, полинезияликлар ва микронезияликлар мифологиясида Тангароа ер билан осмонни бир-бирдан ажратган мифологик қаҳрамон сифатида тасвирланади.¹

Полинезия фольклоридаги Тангароа ва Ранго образлари ўзининг асотирий табиати, мифоэпик талқини ва вазифаларига кўра Ангур билан Тангурга ўхшаб кетади. Тангур осмон билан боғлиқ космогоник образ, яратувчи қаҳрамон, яъни димургдир.

«Ангур» эса замин ёки қуйи олам билан боғлиқ кучлар тимсолининг атамасидир. Этимологик жиҳатдан бу атама икки қисмдан ташкил топган бўлиб, «ан» (ёки «анг») ва «гур» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Зеро, шумерлар тилида «ан//ин» сўзи «тангри», «худо» маъноларида қўлланилган.² Бу сўз тоғли олтойликлар тилида «янг» шаклида ишлатилган бўлиб, «эътиқод», «судум», «руҳ» маъноларини англатар экан. К.С.Қадираджен телеутча «янгара» (биринчи, яъни улуғ шомон демакдир) ва Тоғли Олтойда яшовчи туркий элатлар тилидаги «янгара» («бегона» маъносини билдиради) сўзлари ҳам ана шу ўзакка боғлиқ деб ҳисоблайди.³

«Янгара» ва «Ангур» сўзларининг фонетик тузилиши-

¹ Мелетинский Е.М. Полинезийская и микронезийская мифология // Мифы народов мира. Т.2. - М., 1992. С.319.

² Крамер С.Н. История начинается в Шумере. - М: Наука, 1991. С.97.

³ Кадыраджен К.С. Структура и генезис кумыкских мифологических...С.145.

даги ўхшашлик бу иккала лексеманинг тарихий-этимологик асоси муштарак лисоний манбага боғлиқлигидан далолат беради. «Ангур» сўзининг биринчи қисми «илоҳий руҳ» ёки «худо» маъносини англатувчи «ан//ин» ўзагига алоқадор бўлса, атаманинг иккинчи қисми ер ости олами тўғрисидаги мифологик қарашларга боғлиқ қадимий сўздан келиб чиққан бўлиши керак. С.Н.Крамернинг фикрича, «шумер тилидаги «кур» сўзи дастлаб «тоғ» маъносида қўлланилган бўлиб, кейинчалик «ўзга юрт», «ёт эл» тушунчаларини англатадиган бўлган. Чунки тоғ ортида жойлашган ўзга ўлкалар Шумерга ҳаминша хавф солиб турган. Шумер мифологияси талқинига кўра, Кур Замин билан дунё уммони ораллигидаги бўшлиқ атамаси ҳамдир. Ўликларнинг соялари ҳам ўша жойда тўпланади дейдилар». ¹

Кўринадикки, тилимиздаги «гўр» (қабр), «қир» (тепалик), «қўр» (чўғ, яъни илгари ўликларни ёқиш удуми бўлган), «ғор» (тоғдаги ковак жойлар, мифологияда ер остидаги ўзга оламга ўтиш йўли) сўзлари ҳам аслида шумерча «кур» лексемаси билан тарихий-этимологик жиҳатдан ўзакдошдир. Бунинг устига қадимги туркий-мўғул-бурят қабилалари тилида ёзилган кўҳна ёзма обидаларда «мурда», «мозор» маъноларини англатувчи «хуур//гуур» сўзлари мавжудлиги ҳам қайд қилинган. ² Шунга кура, «Ангур» атамасини «қуйи олам» ёки «замин тангриси» маъноларини билдирадиган қадимги мифологегема деб ҳисоблаш мумкин.

Полинезияликлар мифологиясидаги афсонавий эгизаклар - Тангароа билан Ранго ўзаро тортишиб, осмон билан ерни (қизил ранг – қуёш – ёруғлик - осмон тимсоли бўлса, Рангога нисбат берилган қора ранг – тупроқ қуйи оламга алоқадорлик) бўлиб олишгани сингари, Ангур билан Тангур ҳам ана шу икки оламга мансуб самовий қаҳрамонлардир. Мифнинг қадимги архаик намуналарида Тангур осмон

¹ Крамер Н.С. История начинается в Шумере. - М: Наука, 1965. С.180.

² Чагдуров С.Ш. Происхождения Гэсэриады. - Новосибирск: Наука, 1980. С.142-143.

- юқори олам, Ангур эса замин - қуйи олам билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ангур билан Тангурнинг олишуви самовий борлиқнинг яратилиш жараёни тимсолидир. Чунки космогоник мифларнинг асосий мавзуларидан бири «рамзий баҳс» мифологиясидир. «Рамзий баҳс» мавзуси талқинига кўра, оламнинг ибтидоси эзгулик билан ёвузлик кучларининг ўзаро баҳси, кураш ёки ўзаро қарама-қаршиликлари натижасида рўёбга чиққан ҳосила сифатида баён қилинади. ¹ Ангур билан Тангур жанги ҳам ана шундай «рамзий баҳс»лардан бири бўлиб, ажодларимизнинг яратилиш тўғрисидаги самовий мифларидаги етакчи мавзулардан бири ҳисобланган. Бу олишув натижасида Ангур билан Тангурнинг қўлларидаги ибтидо қуроли – таёқларнинг осмонга қадалиб, сидириқ ҳосил қилишидан Сомон йўли пайдо бўлади. Сомон йўли сидириғининг ҳосил бўлиши - ибтидо қаҳрамонларининг фаолияти яратувчилик жараёнидан иборат бўлганлигини кўрсатади.

Ангур билан Тангурнинг қўлларига узун таёқ олиб тўбалашиб кетишлари ҳам шунчаки хаёлий уйдирма маҳсули бўлмасдан, қадимги туркийларнинг «ибтидо қуроли» тўғрисидаги мифологик қарашларига алоқадор қадимий асотирий мотивлардан биридир. А.М.Сагалаевнинг ёзишича, Фарбий Сибирда яшовчи ўрол-олтой тиллари оиласига мансуб халқларнинг космогоник мифларида қайд қилинган дастлабки ибтидо қуроли - ҳассадир. Ҳасса яратиб бўлинган оламнинг айрим кемтикликларини тузатувчи тангриларнинг асосий «иш қуроли» сифатида талқин қилинади. Ҳассанинг осмонга қадалиб қолиши – Юқори оламга йўл очса, унинг ерга санчилиши орқали қуйида жойлашган ер ости оламга ўтишга имкон туғдиради, деб тасаввур қилинган. ²

¹ Членов М. Малайского архипелага народов мифология // Мифы народов мира. Т.2. - М., 1982. С.94.

² Сагалаев А.М. Урадо-алтайская мифология. Символ и архетип. - Новосибирск: Наука, 1992. С.37.

Ҳатто Улган билан Эрликнинг «рамзий баҳси»га доир қадимги туркий мифларда ҳам «ҳасса» детали қайд қилинган. В.И.Вербицкий томонидан оммалаштирилган бир асо-тирда ҳасса билан боғлиқ космогоник ҳаракат тасвири қуйи-дагича ҳикоя қилинади: «Улган томонидан ер юзасидан си-қиб чиқарилган ёвуз Эрлик эзгулик тимсолидан омонлик ти-лаб, қўлидаги ҳассасининг учи ерга текканда қолдирган из-чалик жой сўрабди. Улган изн бергач, белгиланган ерга ҳас-сасини тикиб олибди, ҳассасни тортиб олганда ўша жойдан бир қанча жониворлар чиқиб кела бошлашибди: аввалига ҳас-санинг учини тишлаб олган тўнғиз, тўнғиз думига илакиш-ган илон, унинг кетидан қурбақа, яна турли-туман зиён-заҳ-матлар элакишиб чиқибдилар. Эрлик ер тагидан чиққан жон-зотларга қараб: «Сизлар одамзодга озор етказасизлар!» - деб амр қилибди. Шунда Улган: «Яхшиямки, озгина ер берибман, агар кўпроқ жой берганимда ер юзини бундай ярамас жон-зотлар билан тўлдириб юбораркансан!» - деб Эрликни ўша ўзининг ҳассаси билан тешган тешикка тикиб юборибди. Ўшандан буён Эрлик ер остида яшармиш».¹

Ангур билан Тангурнинг таёқлари ҳам «ибтидо қуро-ли» сифатида тасвирланган мифологема – ҳасса билан ало-қадор деталдир. Чунки қадимги туркий мифларда тангри-лар ҳасса билан самовотнинг ибтидодан кейинги «чала қол-ган» жойларини тузатиб, айрим осмон жисмларини яратиш-гани ҳикоя қилинган. Юқорида таҳлил қилинган ўзбек асо-тиридаги ака-укаларнинг бир-бирларига таёқ сермашиб, дунёнинг у бошидан бу бошигача қувалашиб-тўбалашиб кетишлари мифологик даврдаги илк ибтидо босқичида яра-тилган осмон гумбазининг тузилишини янада мукаммаллаш-тиришга, яъни ибтидонини охирига етказишга, самовий жис-мларни бино қилишдан иборат мифологик жараёнларни ту-галлашга қаратилган ҳаракатдир.

¹ Вербицкий В.И. Алтайские инородцы. - М.: 1893. С.100.

Қадимги туркий мифларнинг тоғли олтойликлар фоль-клори орқали етиб келган намуналаридан бирида ҳасса ер ости оламига йўл очган рамзий ашё сифатида талқин қилинган бўлса, «Ангур билан Тангур» номли мифда бу деталнинг мифозепик вазифадоши ҳисобланган «таёқ» об-рази самовий жисмларни яратиш қуроли ролини ўтайди.

«Ангур билан Тангур» асо-тири қадимги туркий қаби-лаларнинг космогоник мифологиясидаги ибтидо билан ало-қадор эътиқодий қарашлар ва анъанавий мавзуларнинг тад-рижий ривожини натижасида юзага келган.

КАРТОГРАФИК МЕТОД

Муайян нарса-ҳодисаларнинг маълум бир маконий қамров доирасида тарқалиши, ўзаро алоқалари, локал хусусиятлари, ўзига хос ва умумий қонуниятларини картографик метод асо-сида таҳлил қилиш фольклоршунослик, география, этнография, археология, тилшунослик (диалектология) фанларида кенг кўламда қўлланиладиган усуллардан бири. Бу метод халқнинг этник табиатини белгиловчи анъанавий моддий маданияти, урф-одат ва анъаналари, турли-туман шева хусусиятларини акс эттирувчи катта қамровдаги фактик материални тўплаб, сис-темалаштириш ҳамда этнолингвистик жараёнлар билан боғ-лиқ ўзига хос қонуниятларни очиб бериш мақсадида қўллани-лади. Картографик метод ёрдамида ҳозирга қадар кўпгина гео-график, этнографик ва диалектологик атласлар тузилган. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ўрганишга картографик ме-тодни татбиқ этиш анъанаси ҳам этнологик ва диалектологик тадқиқотлар орқали урф бўлган.

Европа фольклоршунослиги тарихи бўйича таниқли мутахассис, итальян олими Жузеппе Коккьяра фин фольк-лоршунослик мактабида ишлаб чиқилган “тарихий-жўвро-

фий” методни “географик-картографик усул” деб аташни таклиф қилган эди. Чиндан ҳам А.Аарне ишлаб чиққан эпик сюжетлар кўрсаткичининг яратилишида ўзига хос жўрофий-статистик таҳлилга асосланган умумлашмалар муҳим рол ўйнаган бўлса-да, “картографик метод” даставвал фольклоршуносликда эмас, балки этнографик тадқиқотлар амалиётида қўлланилган. Этнографик тадқиқотлар олиб боришда ўрганилаётган мавзулар бўйича тайёрланган сўровномалар, анкеталар, саволномалардан фойдаланиш ҳамда муайян этнофольклорий ҳодисанинг тарқалиш доираси ва қайд қилиниш даражасини картография усулида аниқлаш тажрибаси илк бор Фридрих Ратцель ва Вильгелем Пессер томонидан қўлланилган. Хусусан, Ф.Ратцелнинг “Антропогеография”, В.Пессернинг “Куйи Саксониянинг қиёсий этнографиясидан очерклар” (1910) номли асарларида фактик материалларни тўплаш ва таҳлилий умумлашмалар чиқаришда картографик методдан фойдаланилган.

Фольклоршуносликдаги “географик-картографик метод” ёки “картографик метод”нинг юзага келишига эса Швейцариядаги Нейшателе университети профессори, йирик француз фольклоршуноси ва этнографи Арнольд Ван Геннепнинг тадқиқотлари асос бўлган. У бутун умри давомида Франциянинг Бургундия, Оверия, Фландрия, Савойи ва бошқа провинцияларини кезиб чиқиб, француз халқининг урф-одатлари, маросимлари, удумлари, анъаналари ва фольклорини тўплаш билан шуғулланган. Ана шу изланишлар натижасида бир нечта фольклор тўпламлари ва илмий тадқиқотларни нашр эттирган А.Ван-Геннеп 1939 йилда “Ҳозирги француз фольклорини ўрганиш бўйича қўлланма” (“Manuel de folklore francais contemporain”) номли кўп жилдлик асарини чоп эттирди. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг иқтидорли тўпловчиси сифатида эътироф этилган А.Ван-Геннеп 1909 йилдан эътиборан материал тўплашда ўзи тузган

“Сўровнома”лардан самарали фойдаланган. Унинг “Сўровнома”лари олим иш олиб борган ҳудудлардаги тарихий-фольклорий жараённинг ҳолати, ҳар бир провинция фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби, фольклор асарларининг тарқалиш доирасини аниқлаш имконини берган. Олим ана шу “Сўровнома”лар воситасида тўпланган материалларни таҳлил қилиб у ёки бу фольклор асари, удум ва одатларнинг қайси ҳудудда тарқалганлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқарган.

А.Ван-Геннеп ўзининг 1934 йилда ёзилган фольклор методологияси ҳақидаги бир мақоласида «картографик методнинг афзаллиги тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва далилларнинг ишонарлигидадир», - деб ёзади. Бу метод ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлиги ёки йўқолиб бораётганлигини кўрсатувчи барча элементларни тўла қамраб олиш имконини беради. Картографик метод фольклоршунос томонидан ўрганилаётган жанр, сюжет, мотив, удум ва эътиқодий қарашларнинг барча элементлари: ижро ҳолати, тарқалиш доираси, ҳудудий ўзига хослиги ва локал фарқларини кўрсатишга хизмат қилади.

Чех фольклоршунос олими А.Брюнер халқ орасида сақланиб қолган мифологик тасаввурларни ўрганиш жараёнида чехларнинг сув билан боғлиқ асотирий персонажларига оид маълумотларни картографик метод асосида тўплаган. У 1918 йилда Краковда нашр этилган “Славян мифологияси” (“Mitologja slowianska”) китобида чех мифологиясидаги сув руҳлари ўзининг ташқи кўриниши, характери ва хатти-ҳаракатларига кўра турлича номлар билан аталишини картографик таҳлил натижасида аниқлаганлигини қайд қилади.

Картографик методни фин фольклоршунослари (масалан, В.Андерсон, 1931, 1955) эртак сюжетларининг тарқалиш ареалини аниқлаш мақсадида қўллаган бўлишса, болгариялик олимлар (М.Арнаутов, 1920; А.Ангелов, 1936)

қадимги тасавурларнинг халқ эпик шеърлятида реликт ҳолида сақланган кўринишларини ўрганиш мақсадида бу методга мурожаат қилганлар.

Картографик методнинг рус фольклоршунослигида қўлланилиши эса Россия географик жамияти “Эртақларни ўрганиш кўмитаси”нинг фаоляти билан боғланади. “Эртақларни ўрганиш кўмитаси” XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан фольклор ва этнография материалларига тизимли ёндошиш орқали, матнларнинг вариантлари, уларнинг ўзаро нисбати ва алоқадорлигини ўрганишда географик факторга асосланди. Фольклор асарларини картографик метод асосида тадқиқ этиш жуда катта назарий тайёргарликни тақазо этар эди. Бинобарин, А.И.Никифоров, П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский, Р.Р.Гельгардт каби олимларнинг бу масалага доир асарлари рус фольклоршунослигида картографик тадқиқот методикасини белгилаб берди.

Халқ оғзаки бадий ижодиётини географик-картографик метод асосида ўрганиш муаммоси 1958 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Славяншуносларнинг V халқаро съезди”да махсус муҳокама этилган. Мазкур анжуманда “Халқ оғзаки ижоди асарларининг яратилиши, шаклланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда фольклорни картографиялаш қандай аҳамиятга эга?” - деган савол фольклоршунослар муҳокамасига қўйилган. Бу масала юзасидан П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский ҳамда болгариялик фольклоршунос олим Ц.Вранска ўз мулоҳазаларини билдиришган. Шундай бўлса-да, XX асрнинг 70-йилларига қадар рус фольклоршунослигида картографик метод асосига қурилган жиддий илмий тадқиқотлар яратилмади.

Славяншуносларнинг 1974 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро конференциясида сўзга чиққан фольклоршунос олим К.В.Чистов “этнографияда самарали қўлланилаётган картографик метод фольклоршунослик фани амалиётига у қадар

сингиб кетмаётганлиги, холбуки, халқ ижодиётини бу метод тарихий-қийсий, тарихий-типологик, структурал ва бошқа усуллар билан баравар қўлланилганда фольклористикани бойитишга хизмат қиладиган материал ва хулосалар бериши мумкинлигини” қайд қилди. У ўзининг картографик усулни қўллаш методикасига доир назарий қарашларини ўша йили чоп этирилган “Маросим ва маросим фольклорини картографиялаш муаммолари” (“Проблемы картографирования в языкознания и этнографии”. – М.: Наука, 1974. – С.16-33) номли мақоласида тўй маросимига оид этнофольклористик манбаларнинг таҳлили мисолида баён қилди.

Шундан кейин Европа ва рус фольклоршунослигида картографик методни қўллаш асосида илмий тадқиқотлар яратишга қизиқиш кучайди. Этнология, археология, диалектологияда бўлгани сингари фольклоршуносликда ҳам “ареологик йўналиш” юзага келди. Айниқса, Н.И.Толстойнинг Полесье этнолингвистик атласини яратиш устида олиб борган тадқиқотлари, С.М.Толстаянинг халқ тақвимининг этнодиалектологик луғатини тузиш мақсадида олиб борган картографик текширишлари, А.В.Гуранинг тўй маросимлари фольклори ва терминологиясини тадқиқ этишга доир ишлари бу методнинг фольклоршуносликка кенг қўламда татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этди.

Картографик методнинг асосий мақсади анъанавий маънавий маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланган фольклор асарлари ёки муайян фольклор жанрини ареологик жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Бу усул асосига қурилган илмий тадқиқот муайян изчилликда амалга оширилади ва асосан тўрт босқични ўз ичига олади:

- 1) фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ёки муайян фольклорий ҳодисани ўрганиш учун алоҳида дастур, қўлланма, сўровнома ва анкета-саволномаларини тузиш;
- 2) тадқиқот олиб борилиши кўзда тутилган жўғрофий

ҳудуд ёки бир неча этнофольклорий ареалларда тузилган дастур асосида фактик материалларни тўплаш;

3) йиғилган фольклор материалларини картографиялаш;

4) ўрганилаётган ҳудуд фольклорининг картографик талқинини илмий таҳлил қилиш.

Картографик методда иш юритишнинг ана шу кўпбосқичли тизими муайян изчилликни талаб қилади. Чунки дастур, сўровномалар тузмасдан ёки таҳлил қамрови талаб қиладиган фактик материални тўпласдан туриб картографиялаш амалиётини амалга ошириб бўлмайди. Баъзан у ёки бу фактни аниқлаштириш, олинган этнофольклорий далилларни тўлдириш мақсадида қайта текширув олиб боришга тўғри келади. Шунинг учун, картографик метод узоқ муддатли изчил илмий изланишларда қўлланиладиган тадқиқ усули саналади. Картография усули учун ишланаётган тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мавзу танланади.

Ўзбек фольклоршунослигида бевосита картографик метод асосида яратилган илмий тадқиқот мавжуд бўлмаса-да, бу усулнинг айрим қирралари, яъни картографиялаш учун тегишли материаллар тўплашга имкон берадиган махсус қўлланма ва дастурлар тузиш амалиёти фольклористик изланишларда қўлланиб келинмоқда. Хусусан, “Маориф” журналининг 1918 йилги 1-сонидан чоп этирилган “Ўзбек халқ ижодини тўплаш учун қисқача қўлланма” фольклорни картографик метод асосида ўрганишни тарғиб этмаса-да, тўпловчилик ишига миллий зиёлиларнинг қатнашишига алоҳида эътибор бериш, фольклор асарларини ёзиб олиш билан алоқадор “дала ишлари”нинг бевосита халқ орасида олиб борилиши ҳамда халқ оғзаки бадий ижоди асарларини кўпроқ кекса кишилар ва аёллар оғзидан ёзиб олишнинг тавсия этилиши билан эътиборга моликдир. Ана шу “Қўлланма” ўзбек фольклори асарларини илмий асосда тўплаш ва системалаштириш йўлидаги илк қадам бўлди.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1926 йил 7-8-сонлари Ғози Олим Юнусов томонидан тузилган “Ўзбек эл адабиётига тегишлик маълумотларни тўплагувчиларга қўлланма” номли дастур босилди. Бу дастур ўзбек фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг илмий асосларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов томонидан 1934 йилда чоп этирилган «Луғат ҳам термин тўплагувчиларга қўлланма»да «Программалар» фасли мавжуд бўлиб, унда табиат ва жўғрофий маҳаллий отлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, метерология, астрономия, халқ турар жойлари, уй ва уй жиҳозлари, овқат ва ичимликлар, кийим-кечаклар, безаклар, нақлиёт воситалари, деҳқончилик, боғчачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, аричилик, товуқчилик, овчилик, кўкатчилик, кўчатчилик, гулчилик, ҳунармандчилик санъати, савдо-сотик, тиббиёт ва халқ табобати, уруғ-қабилла, оила ва қариндошлик, тўй, ўлим, дин, байрамлар, ўйинлар, чолғу, куй ва рақс, оғзаки адабиётга оид материалларни тўплаш учун саволнома-анкеталар илова қилинган. Ана шунинг ўзи ўзбек фольклоршунослигида картографик метод асосида материал тўплаш анъанасига Ҳ.Зарифов асос солганлигини кўрсатади.

Фольклор асарларини тўплашда махсус саволномалардан фойдаланиш ва тўпловчилик фаолиятини тадқиқот учун аввалдан танланган ҳудуд доирасида олиб бориш тажрибаси XX асрнинг 90-йилларида фаол қўлланила бошланди. Хусусан, Бухоро давлат университети Ўзбек филологияси факультети талабаларининг вилоят ҳудудида халқ оғзаки бадий ижоди асарларини тўплаш билан боғлиқ амалиётини ўтказиш методикасига бағишлаб ёзилган “Фольклор практикаси” (Муаллифлар: О.Сафаров, А.Турсунқулов, М.Жўраев, 1993 йил) номли қўлланмада маросим фольклори, эртақ, афсона ва ривоят жанрларига оид фольклор материалларини ёзиб олиш учун саволнома ҳам илова қилинди.

Ўзбекларнинг анъанавий вақт ҳисобини юритиш билан боғлиқ эътиқодий қарашлари, халқ тақвими ва унга алоқадор мифологик тасаввурларнинг сақланиш даражаси ҳамда ареологиясини картографик метод воситасида ўрганиш мақсадида биз махсус “Сўровнома” тузган эдик. Бу “Сўровнома” асосида 1989-90 йилларда Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот туманларида, 1991-2004 йилларда Самарқанд, Навоий вилоятларида, 2003 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида фольклор экспедициясини ўтказиб, ўзбек халқ тақвими ва у билан боғлиқ мифологик тасаввурларни ўргандик. Шунингдек, фольклоршуносликда картографик методни қўллашнинг ўзига хос шаклларида бири ҳисобланган бу саволнома-анкета Навоий давлат педагогика институти, Қарши давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети Ўзбек филологияси факультетининг турли қишлоқларда истиқомат қиладиган талабалари ёзги таътилга жўнаб кетиш олдида уларга ҳам тарқатилди. Талаба ўз қишлоғидаги кекса кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганида уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиши лозим эди:

1. Қишлоғингизда анъанавий вақт ҳисоби амалларини яхши биладиган кишилар борми ва уларни қандай ном билан аташади? (ҳисобдон, тўғал ва ҳ.к.). Ҳозир ҳаёт бўлган ёки илгари яшаб ўтган машҳур ҳисобдонлар ҳақида маълумот беринг.

2. Тўғал деб нимага айтилади? Тўғалнинг турлари ва маъноси нима?

3. “Деҳқон ҳисоби” деб нимага айтилади? Бу ҳисоб бўйича деҳқончилик ишларини бажариш муддатлари қандай белгиланган?

4. Аямажуз, аҳман-даҳман, хезим-хирмон, наҳси наврўз, оби раҳмат ҳақида қандай афсоналар ва халқ қарашлари бор?

5. Қадимда қишлоқдошларингиз наврўз-йилбоши келганлигини қандай аниқлаганлар? Йилбоши сайиллари қандай ўтказилган?

6. Илгари қишлоғингизда гул сайиллари (гули сурх, қизил гул сайли, лола сайли ва ҳ.к.) ўтказилганми? Бу сайиллар тўғрисида кенгроқ маълумот берсангиз.

7. Биринчи марта бойчечак чиққанда қандай маросим ва ирим-сиримлар бажарилган?

8. Баҳор қурғоқчилик келиб, ёмғир бўлмаганда ёмғир ёғдириш учун қандай маросим қилинган? Кўшиқ ва айтимларидан намуналар келтиринг.

9. Қуёш чиқиб турганда ёмғир ёғса нима деб ўйлаганлар?

10. Ёмғир кўп ёққанда уни тўхтатиш учун қандай иримлар қилинади?

11. Тўйда ёмғир ёғишининг сабабини нима деб ўйлайдилар ва ёғинни тўхтатиш учун қандай ирим-сиримлар бажарилади?

12. Баҳорда биринчи момақалди роқ бўлганда қандай иримлар қилинган? Момақалди роқ тўғрисида афсоналар борми?

13. Момақалди роқдан сақланиш ёки чақмоқ урмаслиги учун қадимда қандай ирим-сирим қилганлар?

14. Қушларнинг эрта баҳорда иссиқ ўлкалардан юртимизда учиб келиш тартиби қандай бўлади? Қалди роқ, кўкқарға, лайлак, турна ва бошқа қушлар келганда қандай айтимлар айтилади?

15. “Юз ҳисоби” деган ҳисобни деҳқонлар қандай тушунадилар?

16. “Юлдуз ҳисоби” нима ва унинг моҳияти қандай тушунтирилади?

17. Карвон кўчар, Ялдировуқ, Етти қароқчи, Хулкар, Тарози, Сомон йўли, Чўлпон ва бошқа юлдузлар тўғрисида қандай афсоналар мавжуд?

18. Хулкар билан ойнинг тўғали қачон ва қандай рўй беради? “Хулкар ботди, хор-хор ётди” каби мақоллар қандай маъно англатади?

19. “Ҳасан-Хусан” деб нимага айтилади ва унинг маъ-

носи нима? “Ҳасан-Ҳусан” тўғрисида афсона ва ирим-сиримлар борми?

20. “Ёз чилласи” ва “қиш чилласи” тўғрисида нималарни биласиз?

21. Қушларнинг кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетиш тартиби қандай бўлади?

22. Мизон нима ва у қачон киради?

23. Деҳқончиликда экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йириб олиш муддатлари қандай белгиланган? (Йил бўйи қилинадиган ишларнинг бажарилиш муддатлари ва улар билан боғлиқ маросимлар ҳақида маълумот беринг)

24. Шамол эсмаган пайтда шамол чақириш учун қандай иримлар қилинади?

25. Кучли ёки сурункали эсган шамолни, довул, тўфонни тўхтатиш учун қандай иримлар қилинади?

26. Ўрама-гирдоб ёки айлана шамолни тўхтатиш, даф қилиш учун бажарилган қандай иримларни биласиз?

27. Дўл ёққанда уни тўхтатиш учун нима қилинади?

28. Камалак чиққанда қандай иримлар қилинади? Камалак тўғрисидаги афсоналарни биласизми?

29. “Чорва ҳисоби”ни биладиган чўпонлар билан суҳбатлашиб, бу ҳисоб тўғрисида маълумотларни ёзиб олинг.

30. Сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришда қандай иримлар қилинади?

31. Тўл вақти бажариладиган ирим-сиримлар тўғрисида маълумот беринг?

32. Чорвани касалликлардан ва зиён-заҳматдан сақлаш учун қилинадиган ирим-сиримлар борми?

33. Қиш ва баҳор қандай келишини олдиндан қандай белгиларга қараб аниқласа бўлади?

34. Эрта баҳорда йил яхши келиши, эл-юрт тинчлиги учун қандай маросимлар қилинган (“дарвешона” ва бошқа)?

35. Юлдуз учганда нима дейилади? Бу ҳодисанинг саба-

бини кексалар қандай изоҳлайдилар.

36. Қуёш ёки ой тутилганда қандай ирим-сирим қилинган? Бу ҳодисалар тўғрисида халқ орасида афсоналар борми?

37. Шамол чақириш ёки уни тўхтатиш учун “Мирҳайдар”, “Ялли момо” типигаги маросимлар қилинадими?

“Сўровнома”нинг охирида мазкур анкета асосида этнофольклористик материалларни ёзиб олувчига мўлжалланган қуйидаги эслатма келтирилади: “Қишлоғингиздаги кекса, зукко кишилар билан учрашиб, ушбу саволлар асосида суҳбатлашинг ва улар айтиб берган маълумотларни кўпварақли дафтарга ёзиб олинг. Ҳар бир ахборотчининг исми-шарифи, туғилган йили ва оғи, манзили, маълумоти, уруғи, материал ёзиб олинган вақт ҳақидаги маълумотларни ҳам қайд қилиб боринг. Материални ёзиб олувчи фольклор тўпловчи, яъни ўзингиз ҳақингизда ҳам маълумот беришни унутманг”.

Бизнинг ана шу сўровнома воситасида олиб борган фольклористик изланишларимиз натижасида сўровноманинг “Қуёш чиқиб турганда ёмғир ёрса нима деб ўйлаганлар”, “Баҳор қурғоқчилик келиб, ёмғир бўлмаганда ёмғир ёғдириш учун қандай маросим қилинган?” “Ёмғир кўп ёққанда уни тўхтатиш учун қандай иримлар қилинади?”, “Тўйда ёмғир ёғишининг сабабини нима деб ўйлайдилар ва ёғинни тўхтатиш учун қандай ирим-сиримлар бажарилади?” каби 8-10-саволларига олинган маълумотларни картографик метод асосида таҳлил қилганимизда, Зарафшон воҳасининг Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларининг ўрганилган туманларида яшовчи аҳоли орасида ёмғир ёғдириш ва уни тўхтатиш билан алоқадор қадимги мифологик тасаввурлар ва маросимларнинг қуйидаги тарздаги қолдиқ ҳолда етиб келган реликтлари сақланганлиги маълум бўлди:

Қуёш чиқиб турганда ёмғир ёрса: “*бўри тугди*” (“тулки болалади”) дейишган (Навоий вилояти, Навоий тумани, Арабхона, Жалойир қишлоқлари; Навбаҳор тумани, Араб-

сарой қишлоғи); *“яхшиликка бўлсин, тулкилар болалаяпти”* дейишган (Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Уларбиби қишлоғи); *“ҳаво қисир келди, бўри тугди”* дейдилар ва янги чақалоқ кўрган аёлларни ҳовлига чақармайдилар. Чунки унга *“бўри чилласи тушади”* деб ирим қиладилар. Агар шундай пайтда фарзанд кўрган аёл бехосдан ҳовлига чиқиб қолса, қирқ чилласи чиқмаган бўлса, ўша аёл ўн икки йилда фарзанд кўриши мумкин, чунки бўри ҳар ўн икки йилда болалайди деб ўйлайдилар (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Дарайтут қишлоғи); кимнинг бош фарзанди бўлса, ўшани ташқарига олиб чиқиб ечинтириб, қиблага қаратиб қўйганлар ва орқасига уриб туриб: *“Бўри бола тугди, овчи уни қувди, ушлай олмай югурди, ёмғир уни ювди”*, - деб қўшиқ айтишган (Каттақўрғон шаҳри).

Қурғоқчилик бўлганда ёмғир ёғдириш учун: ариқларнинг бўйига қозон қуриб, бўғирсоқ пиширганлар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғи); учта момо тепасига ғалвир ёпиб уйма-уй юрган ва *“Сел хотин, селдир хотин, Ҳаволарни ёғдир хотин, Ерларимиз қурғоқ бўлди, Бандалар сувлоқ бўлди”*, - деб қўшиқ айтиб садақа тўплашган (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Дарайтут қишлоғи); *“Сўз хотин сўзалоним келди!”* - деган айтими айтиб келган кампирнинг устидан бир челақ сув қуйганлар (Навоий вилояти, Нурота тумани, Дуоба қишлоғи; Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи); сумалак пишириб, буғдойнинг пўстини ариққа оқизганлар (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ванғози қишлоғи, Навбаҳор тумани, Учтут, Қалқонота қишлоқлари); сумалак майсасини ариққа оқизганлар (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ғамхўр қишлоғи, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи); сумалакка ташланган тошларни териб олиб, ювишган ва бирорта рўт(ариқ)нинг бўйига қон чиқариб кўмишган (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Тошрабод қишлоғи); *“ийирма жипқа”* (юпқа) қилиб, сувга

оқизилади ва ёмғир пирларига ис чиқарилиб, тарқатилади (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Қалқонота қишлоғи), тошбақани тескари қилиб қўйишган (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Добусия қишлоғи; Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи), қурбақа ёки тошбақани дарахта осишган (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи; Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри); тошбақани чаппа қилиб тагига тупурганлар ёки тошбақани сувга ташлаганлар (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани); тошбақани ағдариб қўйганлар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи); қабр бошига экилган буғдойни бузиб келишган (Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Қуччи қишлоғи; Нурота тумани, Қизилча қишлоғи); супургини сувга солиб ивитиб, қибла томонга уч марта сешиб, кейин лаган тагига бостириб қўйишган (Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); Одамлар ёғочдан сув хотин қилишиб: *“Сув хотин, сув хотин, Ёмғир ёғдир сув хотин”*, - деб айтими айтишган (Навоий вилояти, Нурота тумани, Деҳибаланд қишлоғи); бир кампир бошига рапида кийиб, икки енгига енгса кийиб, одамларникига кирган. Одамлар унинг бошидан сув қуйишган. Кампир билан бирга борган аёллар: *“Сув кампир, сув кампир, ёмғирни ёғдирган кампир, буғдойни уйдирган кампир, ўрани тўлдирган кампир”* деб қўшиқ айтишган (Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Уйшун қишлоғи); қишлоқнинг сочи оқариб кетган энг кекса кампирини ташқарига чиқариб, ўтирғизиб қўйиб устига оқ пўстақ ёпишган ва унинг устига сув қуйганлар. Эшак миндириб кўчани айлантеририб юриб, *“Сел хотин, сел хотин, Сув келтирсин сел хотин”* деб айтими айтишган (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғи); бир қизнинг устидан сув қуйиб, қўшниларикига ўтказганлар ва: *“Чул хотин, чулдир хотин, ёмғирларни ёғдир хотин, буғдойларни бўлди хотин, майсаларни ўстир хотин”*, - деб қўшиқ айтганлар (На-

войи вилояти, Навбаҳор тумани, Қарноб ота қишлоғи); тошбақани ипга осиб, кампирни кийинтирганлар ва тошбақа устидан сув қуйиб туриб: “*Ёмғир ёгсин, сўз хотин, ўралар тўлсин, сўз хотин, оқ-оққина бузоқлар, оқиб ўтсин, сўз хотин, қарри-қарри момолар, жавраб ўтсин, сўз хотин*”, - деб қўшиқ айтганлар (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Қўшработ қишлоғи); аёллар эркаклардан узоқроқ ерга бориб, лозимларини тескари ечиб, сават тагига бостириб қўйганлар (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ванғози қишлоғи); қари кампирлар чўпга тўн кийгизиб, бошига нон ёпадиган рапидани қистириб ҳовлима-ҳовли юришган ва: “*Ёмғир ёгсин дейман, бугдойлар ўссин дейман, ёмғирдан баҳра олиб, омборлар тўлсин дейман*”, - деб қўшиқ айтишган. Қўшиқни эшитган кишилар кампирларга атаган нарсаларини чиқариб бериб, кампирнинг устидан сув қўйганлар (Каттақўрғон шаҳри); янги чиққан кўкатларни чопиб, сувини сиқиб қиблага қараган деворга сепганлар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Охунбобоев ширкат хўжалиги); Бир хотинни оқ кийинтириб “Сус хотин” қилганлар. Аёллар томга чиқиб, унинг устидан сув қуядилар (Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); оиланинг тўнғич боласи бўлган қиз бола ташқарига чиқиб уч марта рўмолини қоққан (Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Меҳнатобод қишлоғи); кексалар “*Бурай, бурай, буралайни кўрай*” деб осмонга қараб қўшиқ айтганлар тошбақани ағдариб қўйганлар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи); бир аёлни эшакка миндириб устидан сув сепганлар ва унинг кийимлари қуригач, ёмғир ёғади деб ирим қилганлар (Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Сайёд қишлоғи).

Ёмғир кўп ёғса, уни тўхтатиш учун: оиладаги тўнғич боланинг орқасини қиблага қаратиб очиш (Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Қайиш қишлоғи; Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи; Қизилтепа тумани, Харатон қишлоғи); тўнғич бо-

ланинг кетига шаппатлайди (Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); том бошига челак тўнкариб қўйилади (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Добусия қишлоғи); тандир ёки ўчоқни сувашган, тандирга сув сепишган (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи; Хатирчи тумани, Қайиш, Довтепа, Қуччи қишлоқлари; Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); ёмғир сувидан лой қилиб, ўчоқ ясаганлар ва олов ёқишган (Навоий вилояти, Нурота тумани, Қизилча қишлоғи); қибла ва кун чиқар томонга қаратиб ойна қўйганлар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи; Қизилтепа тумани, Харатон, Кўкработ қишлоқлари; Хатирчи тумани, Остона қишлоғи; Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Каласоли қишлоғи); бош фарзанд қиз бола бўлса, унинг рўмолини уч марта силкитганлар (Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Каласоли қишлоғи); кўк латтадан кўғирчоқ қилиб, қибла деворга осиб қўйилган (Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Остона қишлоғи); етгита калнинг отини бир қозонга ёзиб, уни қибла деворга осиб қўйганлар (Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Сайёд қишлоғи); ойнани қиблага қаратиб, ёнига пахта ҳамда нон қўйишган (Кармана шаҳри); болалар уйма-уй юриб: “*Ҳалқон, ҳалқон хотин, зери гандум поч кун, аз гандуми баҳори, лола-лўла почи кун*”, - деб “Ҳалқон-ҳалқон” айтганлар ва ҳар уйдан бир қисмдан ун олиб овқат қилиб тарновлардан қуйганлар (Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Авохли қишлоғи).

Тўй куни ёмғир ёғса: “*фалончи қозондан қирмоч еган*” ёки “*фалончининг қайи*” дейилади (Бухоро вилояти, Олот тумани, Жумабозор, Қассоббаёт, Банги қишлоқлари; Қоракўл тумани, Жигачи, Тангачар, Қорожи, Кетмонтўкди қишлоқлари); ширгуруч пиширганда қозон тагида қолган қирмочини еса, тўйида ёмғир ёғади деб ирим қиладилар (Навоий вилояти, Нурота тумани, Ҳозғон қишлоғи); суннат тўйида ёғса, тўйболанинг ота-онасидан бирови қозоннинг тагини

ялабди; никоҳ тўйида ёмғир ёғиб қолса, куёв ёки келин қозоннинг тагини ялаган экан-да, дейди (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғи, Қизилтепа тумани, Ванғози қишлоғи); тўй эгалари хасис экан дейдилар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Қалқонота қишлоғи); *“тўй эгалари хафа бўлибди”* дейдилар (Навоий вилояти, Навоий тумани, Жалойир қишлоғи); *“жуда йиғлоқи қиз экан-да”* дейдилар (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Кўкработ, Ванғози қишлоғи; Навоий тумани, Жалойир қишлоғи); тўй учун тайёрланган масаллиқлар (ун, ёғ, гуруч)дан озроғини ёнаётган оловга ташлаб, ойнани қиблага қаратиб қўйганлар (Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Остона қишлоғи); тўйида ёмғир ёғадиган кишиларни *“ядаси бор”* деганлар. Агар бола ёшлигида қатиқ ивигилган идишнинг тубини яласа, ўшанинг тўйида доимо қор ёки ёмғир ёғади дейдилар (Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Уларбиби қишлоғи); оилада туғилган тўнғич боланинг кетини очиб, қиблага қаратганлар. (Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Уларбиби қишлоғи); тўй бўлаётган хонадоннинг тўнғич боласининг орқасини очиб, уч марта *“очил”* деб шапатилайдилар (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Охунбобоев ширкат хўжалиги); тўнғич боланинг орқасини очиб *“ёмғир тинсин, тўй бўлсин, кўп-кўп бўлса ёгаверсин”* деб ирим қилишган (Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани); *“тўкин-сочинлик бўлади, арзончилик бўлади”* деб қувонадилар (Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); *“Ман онамнинг тўнғичи, ман отамнинг тўнғичи, ман қозоннинг қирғичи”*, - деб қиблага қараб уч марта такрорлайдилар (Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут қишлоғи); *“сероб келин келди”* дейдилар (Нурота шаҳри).

Демак, картографик метод тарихий-фольклорий жараён билан боғлиқ муайян ҳодисанинг маълум бир жўғрофий ҳудуд доирасидаги тарқалиш ҳолати, айниқса, қадимий

инончларга алоқадор мифологик эътиқод ва образларнинг халқ тасавурида сақланиб қолиш даражаси, халқ лирикасининг ижрочилик анъаналари, маросим фольклори ва эпик сюжетлар тизимининг вариантларини аниқлаб, комплекс тадқиқ этишга асос беради.

Бугунги кунда ҳам фольклор асарларини муайян ҳудудлар бўйича ареал тадқиқ этиш, фольклор анъаналарининг локал хусусиятларини аниқлаш, айниқса, мақол, топишмоқ, болалар фольклори, маросим фольклори, айтим-олқиш, афсун-аврашларнинг ўзига хос табиатини тадқиқ этишда картографик йўналишда иш олиб бориш муҳим илмий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Ўзбек фольклоршунослиги кўп тармоқли фан бўлиб, ҳозирги кунда унинг эпосшунослик, эртақшунослик, мифология, паремиология, кўшиқшунослик, мусиқа фольклоршунослиги, этнофольклористика, лингвофольклористика, постфольклор каби бир қатор фундаментал тадқиқот йўналишлари шаклланган. Ҳозирга қадар мифология ва қадимги давр фольклори, ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, ўзбек фольклорининг эпик жанрлар тизими, халқ дostonчилиги, дostonчилик мактаблари ва уларнинг эпик анъаналари, туркий халқлар фольклорининг ўзаро алоқалари ва фольклорда жанрлараро муносабатлар, оғзаки театр ва халқ томоша санъати, халқ мусиқаси ва анъанавий рақс санъатини ўрганишга доир қатор тадқиқотлар юзага келган.

Фольклоршуносларимиз халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан шуғулланибгина қолмасдан, фольклор намуналарини нашр қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришдилар. “Ўзбек халқ дostonлари” силсиласида нашр этилган қатор эпик асарлар, “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдигининг қирққа яқин томлари чоп этирилганлиги, шунингдек, ўзбек халқ мақолларининг икки жилдлик академик нашри, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган кўплаб алоҳида нашрлар бунинг яққол далилидир.

Ўзбек фольклоршунослиги халқ ижоди асарларини илмий тадқиқ этиш борасида ҳам жиддий ютуқларга эришди. Халқ эпосининг ўзига хос табиати, эпик сюжетлар генезиси, мотивлар поэтикаси, образлар силсиласи хусусида янгидан-янги тадқиқотлар юзага келди. Маросим фольклорининг жанрлар таркиби, ҳудудий -локал хусусиятлари, келин салом, ёр-ёр, лапар, ўлан, олқиш каби жанрларнинг тарихий асослари ва бадииятига доир илмий тадқиқотлар яратилди.

Ўзбек мифологиясининг генетик илдизлари ва фольклор асарларидаги бадиий вазибалари, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидаги мифологик персонажлар, “Авесто” ва ўзбек фольклори, миф ва фольклор муносабати, ўзбек мумтоз адабиётида фольклоризмлар, фольклорнинг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни, ҳозирги тарихий-фольклорий жараён изчил ўрганилаётганлиги фольклоршуносликни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошқа фанлар қатори ўзбек фольклоршунослиги фани ҳам ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг тантана қилиниши халқ оғзаки бадиий ижодиётини тадқиқ ва тарғиб этиш борасида катта имкониятларга йўл очиб берди. Натижада ўзбек фольклоршунослари “Алпомиш” дostonи Фозил Йўлдош ўғли вариантнинг илмий-академик нашрини, шунингдек, Бекмурод Жўрабой ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғлидан ёзиб олинган вариантларини нашрга тайёрлаб, чоп этирдилар. Фольклоршунослик тарихида биринчи марта “Гўрўғли” туркумига кирувчи дostonларнинг Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган барча намуналари тўла ҳолида нашр этирилди. Бундан ташқари, ўзбек халқ мақоллари, маросим кўшиқлари, афсона ва ривоятлардан тузилган мажмуалар ўқувчилар кўлига етиб борди.

Зеро, мустақилликка эришганимиздан кейин маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган фольклор анъаналарини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди бошланди. Фольклор санъатини ривожлантириш ва халқимизнинг кўп асрлик ижодий анъаналарини изчил давом этириш мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли маънавий-руҳий тикланиш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Халқимиз бадиий салоҳиятининг нодир қат-

лами ҳисобланган фольклор анъаналарини жаҳон фанининг энг илғор назарий қарашлари асосида тадқиқ этишга киришилди. Айниқса, миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, халқ ижодиётининг унутилиш арафасига келиб қолган тур ва жанрларини тиклаб, кенг оммалаштириш, ўзбек халқ ижоди дурдоналарини жаҳонда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган халқимиз яратган қадимий қўшиқлар, маросим ва анъаналар бугунги кунда ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айлантирилди.

Ҳаммамизга маълумки, фольклор - бу халқ ижоди. Халқимиз табиати, унинг руҳиятини фольклор асарларидек тегран бадиий ифода этувчи намуналарни топиш қийин. Шундай экан, ўзлигимизни, дунё маданияти ва цивилизацияси тарихи, бугундаги муносиб ўрнимизни кўрсатиш фольклорни ўрганиш, тарғиб этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур ўқув қўлланмаси ҳам талаба ва магистрантларга фольклоршунослик фанининг моҳияти, ўрганиш объекти ва предмети, тадқиқот методлари, жаҳон фольклоршунослигидаги етакчи илмий мактабларнинг назариялари, ўзбек фольклоршунослиги тарихи бўйича чуқур билим бериш орқали миллий ўзликни англашдек улуввор мақсадларга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ТАРИХИ	
«Фольклор» ва «фольклоршунослик» атамалари	7
Фольклоршунослик фани ва унинг моҳияти.....	14
Ўзбек фольклорининг ёзиб олинishi тарихи.....	23
Ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёти.....	36
Ўзбек эпосшунослиги	56
Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги.....	64
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ	
«Мифологик мактаб» назарияси.....	75
«Фин мактаби» назарияси.....	96
«Сайёр сюжетлар» назарияси	113
«Антропологик мактаб» назарияси.....	124
«Тарихий мактаб» назарияси.....	139
«Ритуал-мифологик мактаб» назарияси.....	145
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ	
Қиёсий-типологик метод.....	154
Картографик метод.....	169
Хулоса.....	189

Маматқул ЖЎРАЕВ

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

Ўқув қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти илмий кенгашида (2006 йил 2 декабрь, 4-сонли баённома) ҳамда Навоий давлат педагогика институти илмий кенгаши йиғилишида (2008 йил 28 май, 10-сонли баённома), шунингдек, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашида (2008 йил, 19 декабрь) муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: М. Содиқова

Нашриёт рақами: з-289

Босишга рухсат этилди 10.03.09й. Қоғоз бичими 1/16

Шартли б.т 12,5. Ҳисоб б.т 12,0.

Адади 500 нусхада. Буюртма № 98.

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти:
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЎзРФА Асосий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

60000



МАМАТҚУЛ ЖЎРАЕВ

филология фанлари доктори, профессор.

1956 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида туғилган. 1978 йилда ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетини тугатган.

Унинг «Сеҳрли» рақамлар сири» (1991), «Ўзбек халқ эртакларида «сеҳрли» рақамлар» (1991), «Ипак йўли афсоналари» (1993), «Ўзбек халқ самовий афсоналари» (1995), «Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» (2000), «Ўзбек мифологияси ва араб фольклори» (2001), «Миф, фольклор ва адабиёт» (2006), «Наврўз қўшиқлари» (2007), «Маросимнома» (2008), «Наврўз байрами» (2009) сингари китоблари чоп этилган.

Ўзбек мифологияси, маросим фольклори, эпик сюжетлар генезиси, типологияси ва ҳозирги тарихий-фольклорий жараён масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Ҳозирда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг мудири.

ISBN 978-9943-09-773-5



9 789943 097735